shoxistameliqoziyeva@gmal.com.

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-339

Annotatsiya:Ushbu maqola maktabda jismoniy tarbiya darslarida milliy o'yinlaridan foydalanish orqali 7-8 yoshli o'quvchilarning jismoniy sifatlarini oshirish yo'llari,milliy o'yinlarning rolini oshirishning samarador yo'llari ko'rsatib berilgan.
Kalit so'zlar:jismoniy tarbiya,milliy o'yinlar,jismoniy sifatlar

Tadqiqot maqsadi:Maktabda jismoniy tarbiya darslarida milliy o'yinlaridan foydalanish orqali 7-8 yoshli o'quvchilarning jismoniy sifatlarini oshirish yo'llarini aniqlash, rivojlantirish ,milliy o'yinlarning rolini oshirishning samaradorligini aniqlashdan iborat.

Vazifasi:Jismoniy tarbiya darslarida o'zbek xalq o'yinlaridan foydalanish orqali bolalarda jismoniy sifatlarni tarbiyalashning samarador usullarini aniqlash.

Mavzuning dolzarbligi.O'zbek xalqining ming yillar davomida yaratgan,avloddan-avlodga o'tib kelayotgan ijod boyliklarini to'plash,o'rganish,bu boy xazinalar asosida yosh avlodni ma'naviy,axloqiy,jismoniy barkamol qilib tarbiyalash bugungi kunnig dolzarb masalalaridan biridir.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida qadriyatlarga muhabbat uyg'otish,xalq an'analarini asrab-avaylashga o'rgatish ko'p jihatdan o'zbek xalq milliy o'yinlaridan unumli foydalanishni bilishga bog'liq.Chunki milliy o'yinlar orqali bola bir tomondan jismoniy bilimlarni egallasa, ikkinchi tomondan,jismoniy tarbiyaga qiziqtirish muhim ahamiyat kasb etadi. O'yinlar bolalar uchun voqe'likni aks ettirish vositasidir.Bu voqe'lik bolani qurshab turgan voqea-hodisalardan ancha qiziqarlidir.O'yinning qiziqarliligi,uni anglab yetishning osonligidadir.Kattalar xayotida faoliyat,xizmat,yumush qanday ahamiyatga ega bo'lsa,bolalar hayotida ham o'yin xuddi shunday ulkan ahamiyat kasb etishi mumkin.

Xalq milliy o'yinlari bolalarning jismoniy sifatlarini rivojlantirishda muhim rol o'ynaydi.Chunki o'yinlar o'quvchilarning qiziqishlarini oshiradi,ularga zavq bag'ishlaydi, ish qobiliyatlarining tezroq tiklanishini ta'minlaydi.O'yinlar tufayli bolalar charchashni

unutadilar,mashqlarni diqqat bilan bajarishga harakat qiladilar.Xalq milliy o'yinlarining barchasi bolalarning organizmlariga yaxlit ta'sir o'tkazadi.Shuning uchun ham o'yinlarga umumiy jismoniy ta'sir ko'rsatuvchi sifatida qarash lozim.Bironta o'yin yo'qki,u ayrim jismoniy sifatni rivojlantiruvchi vosita bo'lib hisoblanmasin.Masalan,"Do'ppi kiyishda kim g'olib?" milliy o'yinida faqat chaqqon bo'libgina qolmay,balki epchil, sezgir bo'lishga ham da'vat etadi.Shunday o'yinlardan yana biri "Uloq"o'yini.Bu odatda ot bilan o'ynaladigan, chavandozlar haqiqiy uloq uchun kurashadigan qadimiy ko'pkari o'yin.Bolalarga mo'ljallangan"Uloq"o'yini esa otsiz o'tkaziladi,o'yinchilar bir parcha echki terisi yopishtrilgan to'ldirma to'pni olish uchun kurashadilar.O'yin qoidalarining ba'zi jihatlari kattalarnikiga o'xshab ketadi.Tezkorlik,chaqqonlik va kuchlilikni tarbiyalovchi bu o'yin katta tarbiyaviy ahamiyatga ham ega, bunda bir-birini hurmat qilish, samimiy munosabat,qo'pollik qilmaslikka katta e'tibor beriladi.

7-8 yoshli bolalarga xos o'yinlarni jismoniy sifatlarini rivojlantirishiga ko'ra quyidagi guruhlarga ajratish mumkin;1.Tezkorlikni tarbiyalovchi o'yinlar("Do'ppi kiyishda kim g'olib?","To'rt muyush","Bo'sh joy ",Kim tez o'ynaydi).2.Kuchni oshiruvchi o'yinlar("Xo'roz-xo'roz"o'yini,"Uloq","Otdan ag'darish","Oqsoq bo'ri va qo'ylar","Chuqurga tushir".3.Chaqqonlikni rivojlantiruvchi o'yinlar(Almash qadamlar","Urdi-qochdi","Olacha tovuq", "Kim chaqqon".4.Chidamlikni rivojlantiruvchi o'yinlar(Oqsoq qarg'a", "Lanka", "Podachi".5.Egiluvchanlikni tarbiyalovchi o'yinlar("tizza ostida ro'molcha","tayoqni davraga irg'itish", "to'siqdan sakrab o'tish".

Xulosa qilib shuni aytamanki, yuqoridagi milliy o'yinlar 7-8 yoshli bolalarga mo'ljallangan bo'lib, jismoniy tarbiya dasturidagi mashqlar bilan qo'shilib borilganda jismoniy sifatlar rivojlanishini kuzatish mumkin.Bundan tashqari avloddan-avlodga o'tib kelayotgan ijod boyliklarini to'plash,o'rganish,bu boy xazinalar asosida yosh avlodni ma'naviy,axloqiy,jismoniy barkamol qilib tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1.Usmonxo'jayev T.S, Xo'jayev F. Harakatli o'yinlar T.:O'qituvchi,1992.-80 b.
2. Usmonxo'jayev T.S, Xo'jayev F.1001 o'yin.T.:Ibn Sino,1990.-350 b
3. Usmonxo'jayev T.S, Qosimova M.U.500 mashq va xarakatli o'yinlar.T.:1999.-60 b.

АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ СПОРТ ТУРИДА ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИК

Дилора Ибодуллаева
Гулистон Давлат Университети талабаси
Тел: +998994772795

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-340

Аннотаци. Ушбу мақолада академик эшкак эшиш спорт турида турли ҳил тактик усуллардан фойдаланиш орқали эришиладиган натижалар ёритилган.

Калит сўзлар: Академик зшкак эшиш, тактик усуллар, масофа, старт, марра.

Жамият тараққиётида ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида шакилланишида спортнинг ўрни беқиёсдир. Ҳозирги кунда юртимиз спортини янада юқори поғоналарга кўтариш, жамиятда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш спортчиларнинг мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитларни яратиш, спорт мактбларида малакали устоз - мураббийлар гуриҳини шакиллантириш муҳим вазифа қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 3031-сонли Қарори, 2018 йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва бошқа кўпгина Фармонларида ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш ва айниқса, маънавий ҳамда жисмоний баркамолликка етиштириш асосий масала қилиб олинади. Юртимиз спортчиларининг бокс, кураш, академик эшкак эшиш ва бошқа турдаги спорт мактабларида шуғулланиб, ўз устида ишлаб, натижада жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида совринли ўринларни эгаллашлари ва уларнинг шарафига давлатимиз мадҳиясиинг янграши ҳар бир ватандошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғусини беради. Буларнинг барчаси диёримизда соғлом авлоднинг шуғулланиши жамиятда жисмоний тарбия ва спортга бўлган интилишнинг ортиши ва энг муҳими, ёш авлодда инсон саломатлиги асосий мезон сифатида қабул қилинишидан далолат беради.

Ҳозирги кунда юртимизда ҳар бир спорт тури жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Шунинг билан бир қаторда академик эшкак эшиш спорт турини янада такомилаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2013 йил 15 майдаги "спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича республика ихтисослаштирилган болалар ўсмирлар олимпиязахиралари спорт мактабининг ташкил этиш" тўғрисидаги қарори қабулқилинди. Бундан кўзланган мақсад ушбу спорт турини оммалаштириш, аҳолининг саломатлигини яхшилаш ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишкаби

кўпгина масалаларни хал қилади.

Академик эшкак эшиш спорт турида юқори натижаларга эришишнинг тактик усуллари.

Академик эшкак эшиш спорт турида тактик тайёргарлик - берилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган олдиндан тайёрланган, энг оқилона ва мос ҳаракатлардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Спортчининг тактик тайёргарлиги икки қисмдан иборат: назарий ва амалий машғулотлар.

Тактик машғулотнинг назарий воситалари қуйдагилардан иборат: тактикалар ҳақида сухбатлар, турли ҳил рақобатдош вазиятларни таҳлил қилиш, масофани босиб ўтиш пайтида энергия таьминотини физиологик қонуниятларни ўрганиш.

Тактик тайёргарликнинг амалий воситалари: машғулот пайтида кучларни тақсимлаш, масофа ва расмий мусобақаларни бошқариш кўникмаси,.....

Масофани босиб ўтиш тактикасини қуйидаги вариантларга ажатиш мумкин:

1. Стартдан чиқиш ва ундан кейинги устунликни сақлаш тактикаси.
2. Масофадан тезланиш тактикаси.
3. Маррага кириш тактикаси.
4. Масофани энг яҳши натижага етказиш тактикаси.

Биринчи учта тактикани кучсиз рақибларга қарши муваяяақитли қўллаш мумкин ва шу била бирга кейинги пойгаларда қатнашиш учун энергия тежашга ёрдам беради. Бундан ташқари, масофадан тезланиш тактикасини финалда масофанинг маьлум қисмида рефлекс тезлашувини тайёррлаш сифатда фойдаланиш мумкин.

Кучли рақиблар билан мусабақада энг оқилана тактика энг яҳши натижага қадар масофани босиб ўтишдир.

Старт - спортчининг қайиқни жойидан қўзғатиш ва унга келгусида ушлай олишга қодир бўлган тезликни беришга йўналтирилган махсус ҳаракатлар мажмуасидир. Старт тактикасини бажариш спортчининг индивидуал хусусиятларига, қайиқ турига (яккалик ёки жамоавий) ва об - ҳавога боғлиқ. Дастлабки 20-30 сонияни спортчи жуда тез босиб ўтади ва ўриндиқдаги тўлиқ узунликдаги ҳаракат еттинчи эшишдан сўнг амалга оширилади. Стартда эшиш темпи дақиқасига ўртача 45 - 55 марта бўлади.

Маррага кириш - бу спортчи марра чизиғигача ушлаб туриши лозим бўлган, қўшимча тезликка йўналтирилган махсус ҳаракатлар мажмуасидир. Маррага киришни самарали бажаришни эшкак эшиш техникасини юқори даражада эгалламасдан эришиб бўлмайди. Буни ўрганишга масофада эшкак эшиш ритми ва темпини тўлиқ ўзлаштиргандан сўнг киришилади. Маррага киришда эшкак юзаси ҳаракатларининг вертикал кенгликдаги амплитудаси камаяди. Шу билан бирга гавданинг олдинга - ортга титираши ҳам камаяди.

Ушбу тактикалардан оқилона фойдаланиш орқали академик эшкак эшиш спорт турида юқори марралар эришиш мумкин.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 3031-сонли Қарори.
2. 2018 йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

3. В.М. Корбут. Эшкак эшиш назаряси ва услубиёти.
4. Ибодуллаева Д.Х Қайиқ устидаги маҳорат. "Зиё" нашрити 2018.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АЁЛ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

Гулмира Каримова
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети 3-босқич талабаси
Телефон:+998(90)0021102; +998(90)0099409

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-341

Анотация: Мазкур мақолада юртимиздаги таълим муассасаларида айнан аёл жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ўрни, улар фаолиятининг аҳамиятига эътибор қаратилган. Юқори синф ўқувчи-қизларида ўзига хос тиббий физиологик ва психологик ўзгаришлар ҳисобига улар тортинчоқ бўлиб жисмоний тарбия дарсларига кам қатнашиш холатлари учраб турипти. Бу эса таълим муассасаларимизга аёл жисмоний тарбия ўқитувчиларига сезиларли даражада аёл ўқитувчиларга этиёж борлигидан далолат беради. Аёл мураббий ўқитувчиларининг кўпайгани: қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, спортни оммалаштиришда муҳим омилидир. Зеро, хотин-қизлар саломатлигига эътибор-мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказишнинг асосий мезонидир.

Калит сўз: Жисмоний ривожланиш, жисмоний тарбия, жисмоний маданият, спорт, соғлом турмуш тарзи, хотин-қизлар спорти

"Аёлларни рози бўлиб яшаши учун
сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз"
Ш.МИРЗИЁЕВ

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва салоҳиятини белгилаб берадиган кўрсаткичлари ана шу мамлакатда камолга етаётган маънан етук, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етаётган авлодлар билан ҳам белгиланади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билимларни пухта эгаллаган, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Ҳар қандай шахс ҳам оилада улғаяди, унда тарбияланади ҳамда вояга етади. Бунда бевосита фарзанд тарбиясидаги улкан масъулият аёллар зиммасига юклатилади. Ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом аёлгина ҳар томонлама соғлом ва бақувват фарзандни тарбиялай олади. Давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор кун сайин ортиб аёлларга эхтиром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама мухофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш, соғлом муҳитни ва

бахтли яшашлари учун етарлича шарт-шароитлар яратиш долзарб масалалардан бирига айланган. Айниқса, хотин-қизларни спортга жалб этиш, уларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун зарур имкониятларни яратиш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, шунингдек Биринчи президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган "Соғлом она-соғлом бола" мақсадли дастурлари хотин-қизларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ортгани муҳим аҳамият касб этса, бугунги кунда 2020 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5924-сонли фармони хуқуқий пойдевор, яни асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ва жамиятимизда ҳар бир соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Шу жумладан, таълим соҳасидаги бир қатор ўзгаришларни ҳам қайд этиб ўтиш ўринлидир. Буни биргина умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини сифатли ташкил этишда эришилаётган ютуқлар билан биргаликда камчиликлар ҳам борлиги хеч биримизга сир эмас, албатта. Юртимизнинг чекка-чекка худудларда жисмоний тарбия дарсларини самарали ташкил этишда, аввало, спорт жихозларининг етишмаслиги, спорт залларининг мавжуд эмаслиги, мавжудларининг ҳам таъмирталаб эканлиги ачинарли ҳол, албатта. Шунингдек, бизни ташвишга соладиган яна бир эътиборли жихати шуки, у ҳам бўлса, умумий ўрта таълим мактабларидаги юқори синф ўқувчи қизлари олдида турган масала десак муболага бўлади. Барчамизга маълумки, умумий-ўрта таълим мактабларида айникса туман марказидан узокда жойлашган таълим муассасаларида аёл жисмоинй тарбия ўқитувчиларинг етишмаслиги сабабли юқори синф ўқувчи-қизларида ўзига хос тиббий физиологик ва психологик ўзгаришлар ҳисобига улар тортинчоқ бўлиб жисмоний тарбия дарсларига кам қатнашиш холатлари учраб турипти. Бу каби мавжуд муаммоларга ижобий ечим топишда давлатимиз ва таълим тизими сохасида фаолият олиб бораётган мутасадди рахбарлар олдида турган муҳим вазифадир. 2002 йил 24 октябрда ташкил этилган "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" томонидан босқичма-босқич режа асосида юртимизнинг чекка худудларида ҳам замонавий талабларга жавоб берадиган спорт заллари қурилиб, спорт жихозлари билан таъминлангани биринчи масалага ечим бўлса, умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарслари 8-синфдан бошлаб ўғил болалар ва қизларга алохида ўтилиб, ўқувчи қизларга аёл ўқитувчи дарс ўтиши, шунингдек 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишларига фаол жалб этиш, болалар спорти объектлари учун юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришда муҳим омил саналади. Шу билан бирга 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида қабул квотасининг оширилгани ва қизлар учун алохида квоталар ажратилгани мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган улкан имкониятлар натижасидир.

Юртимиз хотин-қизлари жамиятимиз бошқарувида умуман ҳар кандай соҳасда етакчилик билан биргаликда ўзларига юклатилган машаққатли вазифаларга

сидқидилдан ёндашган холда тўла-тўкис бажариб келаётганлиги ҳеч қайси биримизга сир эмас. Шу жумладан, таълим муассасаларидаги аёл жисмоний тарбия ўқитувчи, мураббийлари ва бугунги кундаги Дилфуза Раҳматова (миллий кураш), Лилия Власова (бадиий гимнастика), Дилноза Бакирова (karate WKF), Саида Махмудова (стол тенниси) каби аёл мураббийларимиз ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари, дарс утиш жараёнларини сифатли ва самарали ташкил этаётганликлари, спорт машғулотларини юқори даражада ўтаётганликлари натижасида бугунги кунда жаҳон ареналарида юртимиз байроғи баланд кўтарилишида, давлатимиз мадҳияси баралла янграшида муносиб ҳисса қўшадиган кўплаб чемпион қизларимиз етишиб чиқмоқда. Аёл мураббий ўқитувчиларининг кўпайгани: қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, спортни оммалаштиришда муҳим омилидир. Зеро, хотин-қизлар саломатлигига эътибор-мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказишнинг асосий мезонидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти обьектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1315 сонли Қарори
4. "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли фармони
5. Саломов Раҳматилла Саломович, Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти.Тошкент-2015
6. Азимов Х.Г, Собитов Ш.С Спорт физиологияси. Тошкент, 1993й
7. www.UzA ҳамда www.Lex.uz интернет сайтлари

ЗДОРОВЬЕ - БЕСЦЕННОЕ БОГАТСТВО КАЖДОГО ЧЕЛОВЕКА В ОТДЕЛЬНОСТИ, И ВСЕГО ОБЩЕСТВО В ЦЕЛОМ.

Муслимахон Тохирбоевна
Студентка бакалавриата ТашИИТ
Телефон: +998914404648
muslimkatoxirboyevna@gmail.com

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-342

Аннотация. В статье исследуется зависимость соблюдения основ здорового образа жизни и актуализировать тему здоровья двух категорий работников: со слабым состоянием здоровья и активно занимающихся спортом.

Ключевые слова: образ жизни, спорт, питания, здоровье работников, физическая культура, организм, шейпинг-технология.

Здоровый образ жизни человека можно охарактеризовать в качестве последовательности жизнедеятельности, основанного на принципах нравственности, рациональности организованности, активности, правильного распределения трудовой деятельности, отказа от вредных привычек, поддержания жизненных функций организма на высоком степени, защищенности от неблагоприятных воздействий охватывающей среды, который позволяет до глубокой старости сохранять нравственное, психическое и физическое здоровье. Здоровье народонаселения во многом зависит от образа жизни людей и распространенности вредных привычек.

Организационная деятельность по обеспечению условий ведения сотрудниками здорового образа жизни должно заключается в следующем:

- качественная организация рабочего места;
- проведение профилактических лекций о вреде вредных привычек, о здоровом образе жизни;
- организация питания сотрудников;
- организация досуговых комнат;
- предоставление сотрудникам специально оборудованных комнат для занятия спортом;
- медицинское обследование сотрудников, наличие в организации медицинского пункта и пр.

Проблема здоровья работников становится всё более актуальной, и не только в Узбекистане. В настоящее время для работников умственного труда характерны чрезмерные нервно-эмоциональные нагрузки, работа в состоянии дефицита времени, необходимость обработки большого объёма информации, выраженная ответственность, наличие риска для жизни, работников зрительно-напряженного

труда- высокая точность выполняемой работы, длительное время работы с оптическими приборами. Например, большинство преподавателей, т.е. работников малоподвижных профессий, не занимается физической культурой, что указывают данные анкетного опроса, а также исследования физического состояния. Показано, что с увеличением стажа работы даже у учителей физической культуры снижается уровень физической подготовленности, который при стаже более 15 лет приравнивается к уровню преподавателей-предметников. Одна из причин заключается в пассивном проведении уроков физической культуры, отсутствии использования такого педагогического приёма как показ физических упражнений.



С целью снижения нервно-эмоционального напряжения и перенапряжения во время регламентированных перерывов и микропауз целесообразно выполнять комплексы физических упражнения динамического характера для разных групп мышц, гимнастику для глаз. Кроме использования в режиме рабочего дня физические упражнения широко применяются при занятиях восстановительно-профилактической направленности после работы. Эти занятия направлены на повышение двигательной активности, т.к. большинство умственно-напряженных работ выполняются в малоподвижной позе сидя. В Узбекистане на здоровый образ жизни уделяется особое внимание. Основанная 1 апреля 1996 года, Федерация шейпинга Ташкента-единственная в нашей стране организация, имеющая лицензию Международной Федерации шейпинга на право реализации различных шейпинг-программ. Задачей Федерации является поддержка существующих шейпинг-технологий, разработка и создание новых систем тренировок и популяризация шейпинга в стране. Шейпинг преследует цель добиться эталонной фигуры у каждого занимающегося и справляется с достижением этой цели весьма эффективно, что приводит также к комплексному оздоровительному

воздействию на весь организм человека. Следуя девизу: "Через красоту - к здоровью, через красивое тело - к здоровой, красивой и полноценной жизни", занятия шейпингом способствуют росту самооценки каждой женщины, придают ей уверенность в себе.



Во многих точках Ташкента существуют спортивно-оздоровительные секции, которые активно ведут свою деятельность. Например, в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта для обеспечения здорового образа жизни студентам и работникам института существуют различные бесплатные спортивные кружки. Одно из них Шейпинг.

Шейпинг - вид ритмический гимнастики, направленной на изменение форм тела. В нашем институте специалистами по шейпингу в неделю 2-3 раз ведутся занятия. Туда ходят не только учащиеся студенты, но и учителя- преподаватели и получаемые все отзывы положительные. У наших преподавателей обычно жесткий график работы, поэтому у них очень мало времени на себя. В таких случаях рекомендуется заниматься спортом в домашних условиях.

Результаты занятий шейпингом:

- уменьшить процент жира в организме - физическая нагрузка ускоряет обменные процессы, из-за чего организму приходится тратить запасы энергии;
- повысить выносливость и улучшить работу сердечно-сосудистой системы - часть тренировки с анаболическими нагрузками выполняется в умеренном темпе - идеальном для тренировки сердца и лёгких;
- укрепить мышцы и придаёт им форму - часть шейпинг-тренировки с силовыми упражнениями позволяет придать мышцам нужную форму, нарастить массу и укрепить их.
- повысить темпы метаболизма в состоянии покоя - увеличение мышечной массы и снижение жировых отложений приводит к тому, что в состоянии покоя в телу требует больше энергии, для поддержания здоровой работы всех органов.

Список использованной литературы

1. Кукоба Т.Б. Фитнес-технологии. Курс лекций. - Издательство "Москва", - Т.:2020, 235с.
2. Морозов В. О., Морозов О. В. Физическая культура и здоровый образ жизни. Москва: Издательство Флинта, 2015. - 215 с.
3. Морозова Л. В., Мельников Т. И., Виноградова О. П. Классическая аэробика. Учебное пособие, М.: 2017, 90 с.

ФАЛСАФА

ҚАЛБЛАР ҲАМ ҚОЗОН КАБИ ИЧИДАГИ БОР НАРСА БИЛАН ҚАЙНАБ ТУРАДИ

А.А.Турғунов
Тошкент давлат юридик университети талабаси
Телефон: +998974753636
З.Х.Абдуқаюмов
Ташкент давлат аграр университети Андижон филиали талабаси
Телефон: +998999893649

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-343

Аннотация: Ушбу мақолада юксак илм соҳиблари, донишманд аждодларимиз ўгитлари таҳлил қилиниб, инсонни иккиюзламачилик, соҳтакорлик билан ўз манфаатини кўзлаб топган обрўси рўё эканлиги,, инсон ўз қадр-қимматига тўғрилик, самимийлик, эзгу амаллари орқали эришиши даркорлиги,инсон ҳамиша ўз-ўзингизни тарбиялаши кераклиги ҳақида ҳулосалар берилган

Калит сўзлар: Инсон, қалб, тил, аслият, ниқоб, ростгўйлик.

"Қалблар ҳам қозон каби ичидаги бор нарса билан қайнаб туради. Тиллар эса унинг чўмичидир. Киши гапираётганда тили қалбидаги нарсани олиб чиқади, яъни дилнинг таъмини баён қилади".
Яҳё ибн Муоз

Ушбу ҳикматли сўзларнинг маъноси бир қарашда тушунарли, жўн, лекин бу сўзларни бугунги ижтимоий муносабатлар доирасида таҳлил қилиб кўрсак уларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ортади.

Қалб инсон туйғулари жамланмасидан иборат бўлган қайнаб турган "қозон" ва унда шахснинг аслияти яширин бўлади. Тил эса фикр ва туйғуларимизни ифода этиш воситаси бўлиб инсоннинг қалб кечилмаларини ақлга бўйсунган ҳолда ифодалайди.

Шу ўринда савол пайдо бўлади: Чиндан ҳам тил қалб қозонининг чўмичими ёки ақлга бўйсуниб қалб сирларини яширувчи ниқобми?

Агар суҳбат дилдан, самимий бўлса, Яхё ибн Муоз фикри билан айтганда, суҳбатдошингиз тили "чўмич" вазифасини бажаради ва суҳбат давомида қаршингиздаги шахснинг "қалб қозони" таъмини туйиб борасиз. Бу жараёнда Жалолиддин Румий сўзи билан айтганда: "Тил қозоннинг қопқоғига ўхшайди.

қимирлаб ҳиди таралдими? Нима пишаётганини билиб олаверасан".

Маълум бир ғараз мақсадлар йўлида тулки ниқобини кийиб, қалб сирларини яширган ҳолда тилни қуролга айлантирсангиз бунинг оқибати нима билан якун топади? Ҳеч бир инсон ниқоб билан туғилмаган, инсон қанчалик иқтидор эгаси бўлмасин вақт ўтиши билан унинг асл қиёфангиз намоён бўлиб бораверади ва оқибатда артрофдаги инсонлар ким аслик ким эканлигини тушуниб борадилар.

Ростгўйлик жамият равнақи ва шахслар ўртасидаги ишончнинг бардавом ва барқарор бўлишига кафил бўла оладиган сифатлардан бири. Шу сабабли ростгўйликка инсон фазилатларининг асоси ва миллат тараққиётининг белгиси деб қаралади. Агар бу сифат йўқолса, унинг ўрнини ишончсизлик эгаллайди ва ҳамжиҳатлик йўқолади. Муқаддас динимиз ҳам ростгўйликни хулқ қилиб олишга даъвад қилади: "Ей мўминлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз" (Аҳзоб, 70) Ҳадисда шундай дейилади: "Тўғрилик, ростгўйлик яхшиликка олиб келади. Яхшилик эса жаннатга олиб келади".

Тарихий асарларда ёзилишича, халифа Мустаршид ўз ўғлига ёзган васиятномасида шундай деган: "Эй фарзанд, агар ҳамма халқ сендан қўрқишини ҳоҳласанг, зинҳор ёлғон сўзлама, чунки ёлғончи киши беҳайбат болади. Агар минг қилич уни ҳимоя қилса, яъни минг киши ўткир тиғ ва шону шавкат, азамати учун тутиб турсалар ва лекин унинг забони шамширида ростгўйлик жавҳари бўлмаса, ҳалойиқ назарида ҳеч қандай ҳайбати ва салобати бўлмас".

Жунайд Боғдодий ростгўйлик борасида шундай деган: "Ростгўй инсон 40 йил бир ҳолатда бўлади. Риёкор эса бир кунда 40 марта ўзгаради".

Юқорида келтирилган юксак илм соҳиблари бўлган бобокалонларимиз ўгитларидан таҳлил қилар эканмиз, ҳулоса ўрнида шуни айта оламанки алла қандай маънфаат йўлида ўзингиздан ўзгача инсон ниқобини кийиш йўлини эмас, аксинча ўз ўзингизни тарбиялаш йўлини танласангиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу аснода Жалолиддин Румийнинг ҳикматли сўзири билан ўз ҳулосамни якунлайман "Тиллингдан олдин қалбингни тарбия қил". Яни "Ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл".

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Усмонов М.А. Ислом. - Т.: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1989
2. Умарзода Ҳ.М. Аҳлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Ўзбекистон ССР. Фан, 1990
3. aniq.uz
4. muslim.uz
5. mana.uz
6. uz.tgstat.com

INTELLEKTUAL YOSHLARNI TARBIYALASH - MILLIY G'OYANI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY MASALALARIDAN BIRI SIFATIDA

Ashuroxunova Shahnoza
Guliston davlat universiteti talabasi
(+9989 3) 321 42 93
shahnozaashuroxunova@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-344

Annotatsiya: Mazkur maqolada bugungi kun yoshlaridan talab etilayotgan imkoniyatlar, xususan, milliy an'ana, urf-odat, qadriyatlarga sodiq qolgan holda zamonaviy fan va texnika yutuqlaridan samarali foydalanish, bu borada yurtimizda olib borilayotgan amaliy tadbirlar, qabul qilinayotdan davlat dasturlari hamda qonunlar, ularning ijrosi haqida, shuningdek, mazkur tadbirlarning milliy g'oyani rivojlantirishdagi ahamiyati haqida fikr-mulohazalar bildirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: intellektual yoshlar, milliy an'ana, milliy qadriyat, axloqiy tarbiya, "Yoshlarga oid davlat dasturi to'g'risida"gi Qonun.

Ma'lumki, O'zbekiston aholisining katta qismini yoshlar tashkil etadi. Bu esa shu yurtning taqdiri, kelajagi qanday bo'lishi bevosita yoshlarga bog'liq ekanligini anglatadi.Shunday ekan, davlatimiz mustaqillikka erishgan dastlabki kunlardan to hozirga qadar yoshlarga oid davlat siyosatining izchilllik bilan amalga oshirib kelinayotganligi ham bejiz emas. Xususan, bu siyosat doirasida yoshlarni vatanparvarlik, milliy an'ana va qadriyatlarimizga hurmat ruhida tarbiyalash, ma'naviy yetuk va jismonan sog'lom barkamol avlodni voyaga yetkazish, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasida muayyan ishlar amalga oshirildi.

Yoshlarni vatanimizning kelajagi deb aytdik, lekin har qanday yosh ham vatan kelajagi, yurt ravnaqi, jamiyat taraqqiyoti uchun o'zining munosib hissasini qo'sha olmaydi. Tabiiyki, bunday mas'uliyatli vazifalarni faqatgina har tomonlama yetuk, ma'nan yuksak, zamon bilan hamnafas fikrlovchi, bir so'z bilan aytganda intellektual salohiyatga ega bo'lgan yoshlargina o'z zimmasiga olishi mumkin. Shu o'rinda haqli bir savol tug'iladi, yuqorida keltirilgan sifatlarga ega bo'lgan yoshlarni tarbiyalashda, yetuk malakali kadr qilib yetishtirishda qaysi mezonlarga asoslangan holda ish olib borish samarali natijalar beradi? Ma'lumki, jahonda bizning xalqimizchalik boy ma'naviy merosga ega bo'lgan xalq kamdan-kam topiladi. Sharqona odob - axloq, xalqimizga xos donolik jahon tan olgan yetuk mutafakkirlarimizning har bitta durdona asarida o'z ifodasini topgan bo'lib, ularga jo bo'lgan hikmatlardan o'rinli foydalanish bilan jamiyatimiz uchun kerakli, har tomonlama yetuk shaxslarni tarbiyalash mumkin.

XIX asr oxiri - XX asr boshlarida yashab ijod etgan yirik ma'rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniy ham o'zining "Turkiy guliston yohud ahloq" asarida "Har bir millatning

saodati, davlatlarning tinch va rohati yoshlarning yaxshi tarbiyasiga bog'lidur" deb ta'kidlaydilar va har bir insonni to'g'ri tarbiyalash orqali kamolotga yetkazish mumkinligini isbotlab, "Axloqimizning binosining go'zal va chiroyli bo'lishiga tarbiyaning zo'r ta'siri bordur, ba'zilar "tarbiyaning axloqqa ta'siri yo'q, insonlar asl yaratilishida qanday bo'lsalar, shunday o'sarlar, tabiat o'zgarmas", - demishlar. Lekin bu so'z to'g'ri emasdur. Chunki tarbiyaning axloqga, albatta, ta'siri bo'ladur. Oramizda masal borki, "sut ila kirgan, jon ila chiqar", mana bu so'z to'g'ridur. Rasuli akram nabiyyi muhtaram sallollohu alayhi vasallam afandimiz: "Beshikdan to mozorga borguncha ilm o'rgan", - demishlar. Bu hadisi sharifning ma'nosi bizlarga dalildur", - deydilar. Insonni kamolotga yetkazuvchi tarbiyani alohida guruhlarga bo'lib, badan tarbiyasi, fikr tarbiyasi va axloq tarbiyasi deb, ularning har biriga alohida to'xtalib o'tadilar. Demak, bu asarda bildirilgan fikrlardan kelib chiqqan holda shuni aytish mumkinki, har qanday insonni yoshligidan tarbiyaning turli vositalardan foydalangan holda to'g'ri yo'lga solish, foydali sohaga yo'naltirish mumkin ekan. Bugungi kunda yurtimizda amalga oshiralayotgan yoshlarga oid davlat siyosati, xususan, yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish, darsdan tashqari holatlarda turli xil to'garaklar tashkil etib, unga o'quvchi va talabalarni o'z qiziqishlariga ko'ra biriktirish, yoshlarni o'zlaridagi iste'dodlarini erkin namoyon etishlari uchun shart-sharoitlar yaratish, jumladan, turli xildagi ko'rik - tanlov, bellashuvlar tashkil etish orqali ulardagi faollikni oshirishga qaratilgan tadbirlar ham Abdulla Avloniy sanab o'tgan tarbiya mezonlaridan foydalanilayotganligining bir namunasidir. Zero bu tadbirlar orqali vatan kelajagi qo'lida bo'lgan yoshlar orasidan o'z yo'lini topa olmayotganlarga to'g'ri yo'lni ko'rsatish, o'z yo'lini topgan qobiliyatlilarini esa yanada qo'llab-quvvatlash orqali ularning salohiyatini oshirish ishlari izchillik bilan olib borilmoqda.

Yuqorida bildirilgan fikrni Imom al - Buxoriyning "Al-adab, al-mufrad" asarida keltirilgan quyidagi hadis bilan dalillasak:

Valid ibn Numayir (r.a.) aytishlaricha, o'tmish kishilar bolalarning solih - qobil bo'lishlari Alloh taoloning tavfiqi bilan bo'ladi, ammo ularga odob - ahloq o'rgatish otalari vazifasidir, der ekanlar.

Ko'rinib turibdiki, ilm olish dinimiz Islomda ham g'oyat qadrlanadi va rag'batlantiradi. Bu masalaga filologiya fanlari doktori, professor Najmiddin Komilov muharrirligida chop etilgan "Saodatga eltuvchi bilim" kitobi muallifi Abdulhay Abdurahmonov shunday munosabat bildiradilar: " Ilm jamiyat taraqqiyotining harakatlantiruvchi kuchi, kishini jaholatdan, nodonlikdan qutqaruvchi xaloskori, jannatga olib boruvchi ko'prik va saodatga yetkazuvchi vositadir, deb Payg'ambarimiz va payg'ambarimizning sahobalari o'z vaqtida qayta-qayta uqtirib o'tganlar. Ya'ni masalan, Sahoba Anas ibn Molik r.a. payg'ambarimizning "Ilmni Chinda (Xitoyda) bo'lsa ham talab qilinglar. Chunki ilm talab qilish har bir muslim va muslimalar uchun farzdir" deganlarini aytib o'tgan. Ilm deganda faqat diniy ilmlargina emas, balki insonga bilim beradigan barcha dunyoviy fanlar ham tushuniladi".

Darhaqiqat, hozirgi globallashuv jarayonida vataniga chin dildan xizmat qilishni, uning taraqqiyotiga munosib hissa qo'shishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan har bir yosh nafaqat an'anaviy ta'lim - tarbiya jarayoni bilan cheklanishi, balki, butun dunyodagi fanning eng so'nggi yutuqlarini ham o'zlashtirishi va bu bilimlarini amaliyotga tatbiq etishi, kerak bo'lsa, ularni yanada takomillashtirib, yurtimiz nomini jahonda yana ham kengroq tanitishi lozimdir.

Yosh avlod tarbiyasi haqidagi fikrimizni prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning quyidagi fikrlari bilan davom ettiramiz:

Yosh avlod tarbiyasi haqida gapirganda, Abdurauf Fitrat bobomizning mana bu fikrlariga har birimiz, ayniqsa, endi hayotga kirib kelayotgan o'g'il-qizlarimiz amal qilishlarini

men juda-juda istardim.

Mana, ulug' ajdodimiz nima deb yozganlar: "Xalqning aniq maqsad sari harakat qilishi, davlatmand bo'lishi, baxtli bo'lib izzat-hurmat topishi, jahongir bo'lishi yoki zaif bo'lib xorlikka tushishi, baxtsizlik yukini tortishi, e'tibordan qolib, o'zgalarga tobe va qul, asir bo'lishi ularning o'z ota-onalaridan bolalikda olgan tarbiyalariga bog'liq". Qarang, qanday bebaho, oltinga teng so'zlar! Bugungi kunda yon-atrofimizda diniy ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik, odam savdosi, noqonuniy migratsiya, "ommaviy madaniyat" degan turli balo-qazolarning xavfi tobora kuchayib borayotganini hisobga oladigan bo'lsak, bu so'zlarning chuqur ma'nosi va ahamiyati yanada yaqqol ayon bo'ladi. Haqiqatan ham, hozirgi vaqtda yoshlar tarbiyasi biz uchun o'z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo'qotmaydigan masala bo'lib qolmoqda.

Shu o'rinda 2016 yilda qabul qilingan "Yoshlarga oid davlat dasturi to'g'risida"gi Qonunga to'xtalib o'tadigan bo'lsak, ushbu Qonun davlat tomonidan amalga oshiriladigan hamda yoshlarni ijtimoiy jihatdan shakllantirish va ularning intellektual, ijodiy va boshqa yo'nalishdagi salohiyatini kamol toptirish uchun shart-sharoitlar yaratilishini nazarda tutadigan ijtimoiy-iqtisodiy, tashkiliy va huquqiy chora-tadbirlar tizimi bo'lib, uning asosiy prinsiplari ochiqlikvashaffoflik, yoshlargaoid davlat siyosatini ro'yobgachiqarishda yoshlarning ishtirok etishini to'la ta'minlash, yoshlar tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish, ma'naviy, axloqiy va madaniy qadriyatlarning ustuvorligidan iboratdir. Shuningdek, yoshlarga oid davlat siyosati yoshlarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ta'minlash, yoshlarning hayoti va sog'lig'ini saqlash, yoshlarning ma'naviy, intellektual, jismoniy va axloqiy jihatdan kamol topishiga ko'maklashish, yoshlar uchun ochiq va sifatli ta'limni ta'minlash, yoshlarni ishga joylashtirish va ularning bandligi uchun shart-sharoitlar yaratish, yoshlarni vatanparvarlik, fuqarolik tuyg'usi, bag'rikenglik, qonunlarga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida, zararli ta'sirlar va oqimlarga qarshi tura oladigan, hayotga bo'lgan qat'iy ishonch va qarashlarga ega qilib tarbiyalash, yoshlarni axloqiy negizlarni buzishga olib keladigan xatti-harakatlardan, terrorizm va diniy ekstremizm, separatizm, fundamentalizm, zo'ravonlik va shafqatsizlik g'oyalaridan himoya qilish, yoshlarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyati darajasini yuksaltirish, iqtidorli va iste'dodli yoshlarni qo'llab-quvvatlash hamda rag'batlantirish, yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish, yoshlarda sog'lom turmush tarziga intilishni shakllantirish, shuningdek yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish va yoshlar sportini ommaviy rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish, yosh oilalarni ma'naviy va moddiy jihatdan qo'llab-quvvatlash, yoshlarning huquqlari va erkinliklarini ro'yobga chiqarish sohasida faoliyatni amalga oshiruvchi xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikni rivojlantirish kabi yo'nalishlarni o'z ichiga oladi.

Yuqorida keltirilgan Qonun va unda ko'rsatilgan yo'nalishlar mazmunidan ham ko'rinib turibdiki, yurtimizda yoshlarga munosib e'tibor berish davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Mazkur Qonun doirasida amalga oshirilayotgan ishlar esa vatanimizning porloq kelajagini ta'minlash yo'lidagi muhim qadamdir. "Intellektual yoshlar - vatanimiz kelajagi" dedik, mazkur Qonunda intellektual, ya'ni ilmiy va ma'naviy salohiyati yuqori bo'lgan yoshlarni aniqlash va ularning iste'dodlarini yuzaga chiqarish to'g'risida ham bir bob ajratilgan bo'lib, unda jumladan quyidagilar bayon etilgan. Iqtidorli va iste'dodli yoshlarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, qonun hujjatlarida belgilangan tartibda mukofotlar, stipendiyalar belgilash, ta'lim grantlari taqdim etish, fan, madaniyat vasan'at sohasida ijodiy ustaxonalar va maktablarni tashkil etishga ko'maklashish, umumiy o'rta, o'rta maxsus, kasb-hunar va oliy ta'lim muassasalarida sport seksiyalari, fan, texnika to'garaklari va ijodiy to'garaklar faoliyatini tashkil etish, iqtidorli va iste'dodli yoshlarni aniqlash va

rag'batlantirish maqsadida tanlovlar, olimpiadalar, ko'rgazmalar, festivallar, ko'riklar, konsertlar, simpoziumlar, o'qishlar, konferensiyalar, seminarlar tashkil etish hamda o'tkazish, yoshlarga oid xalqaro tajriba almashuvi, iqtidorli va iste'dodli yoshlarni ta'lim va ilmiy-tadqiqot muassasalarida, shu jumladan xorijiy mamlakatlarda o'qitish, qayta tayyorlash va amaliyotni o'tash dasturlaridan tanlov asosida foydalanishini ta'minlash, ilmiy-tadqiqot, madaniy-ma'rifiy ishlarni o'tkazish uchun yosh mutaxassislar va olimlarga shart-sharoitlar yaratish, yosh olimlarning ishlanmalarini amaliyotga joriy etishga ko'maklashish, shuningdek yoshlarning kadrlar salohiyatini saqlab qolish hamda rivojlantirish,sport-ta'lim muassasalari, klublari tarmoqlarini rivojlantirish, iqtidorli va iste'dodli yosh sportchilarni qo'llab-quvvatlash, yoshlar o'rtasida sport musobaqalarini o'tkazish,iqtidorli va iste'dodli yoshlarni qo'llab-quvvatlayotgan jismoniy va yuridik shaxslarni qonun hujjatlarida belgilangan tartibda rag'batlantirish va shu kabilar.

Aytish mumkinki, yurtimizda mazkur qonunning ijrosi izchilllik bilan ta'minlanmoqda. Buni nimalarda ko'rishimiz mumkin? Qonunda nazarda tutilgan tartibda barcha ta'lim muassasalarida taxsil olayotgan o'quvchi va talabalar orasidan iqtidorli yoshlarni aniqlab olish maqsadida turli xil ichki va xalqaro fan olimpiadalari, tanlovlar muntazam ravishda o'tkazilib, g'oliblar munosib taqdirlanib kelmoqda. Bu albatta, yoshlarning o'zlari ustida yanada ko'proq ishlashlari, o'zlarining intellektual salohiyatlarini doimiy ravishda oshirib borishlariga munosib turtki bo'lib xizmat qiladi. Yurtimizda amalga oshirilayotgan yoshlarga oid davlat siyosatining ne chog'lik dolzarb va ahamiyatga ega ekanligini yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyevning quyidagi so'zlaridan ham bilib olsak bo'ladi:

"Biz yoshlarga doir davlat siyosatini hech og'ishmasdan, qat'iyat bilan davom ettiramiz. Nafaqat davom ettiramiz, balki bu siyosatni eng ustuvor vazifamiz sifatida bugun zamon talab qilayotgan yuksak darajaga ko'taramiz. Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz".

Yuqorida bildirilgan fikrlardan kelib chiqqan holda xulosa qilib shuni aytish mumkinki, har qanday davlatning kelajagi intellektual salohiyati yuqori yoshlar qo'lida ekan, davlat avvalambor mana shunday yoshlarni tarbiyalash uchun yetarli omillarga ega bo'lishi kerak. O'zbekistonda esa bunday omillar yetarlicha bo'lib, ular ham tarixiy, ham zamonaviy mustahkam ildizlarga egadir. Tarixiy ildizlari allomalarimiz, bir qator qomusiy olimlarimiz, ularning bizlarga qoldirgan boy adabiy meroslarida bo'lsa, zamonaviy ildizlari yurtimizda qabul qilingan "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonun hamda shu qonun doirasida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli tadbirlar, shuningdek, yurtboshimizning biz yoshlarga bildirayotgan yuksak ishonchlari va yaratib berayotgan ko'plab shart - sharoitlari, imkoniyatlaridadir. Bizning vazifamiz esa, bizga bildirilayotgan yuksak ishonchni oqlamoq, yaratib berilgan imkoniyatlardan samarali foydalangan holda kelgusida vatanimiz uchun munosib farzand bo'lib yetishmoq va buning natijasida xalqimiz bilan birgalikda ozod va obod vatanimizda adolatli hamda har tomonlama rivojlangan jamiyatni qurmoqdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Al - adab al mufrad. - T., 2006. "Movarounnaxr". 81-82 betlar.
2. Abdulhay Abdurahmonov., Saodatga eltuvchi bilim. - T., 2006. "Movarounnaxr". 598-599 betlar.
3. Sh.Mirziyoev. (O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasidan 2016-yil 8-dekabr).
4. O'zbekiston Respublikasining "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonuni.

2016 yil. 24 - avgust.

5. Sh.Mirziyoev. (O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqidan 2016-yil 14-dekabr).

YOSHLARDA AXLOQIY-ESTETIK TAFAKKURNING SHAKLLANISHI

Inomov Doston Ilhomjon o'g'li
O'zMU magistranti
Telefon:+998(91)6736263
Asilaxon Toshmatova
Marg'ilon 1-IDUM o'qituvchisi

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-345

Annotatsiya: Maqolada yoshlarda axloqiy-estetika tafakkurning shakllanishi bayon etilgan. Bunda mahallaning roli, yoshlarda kasb-hunar egallashining ahamiyati to'g'risida so'z boradi. G'arb va Sharq tajribasi solishtiriladi.

Kalit so'zlar: etika, estetika, mahalla, ommaviy madaniyat.

Mustaqilligimiz tufayli bir qator tarixiy qadriyatlarimiz tiklanmoqda. Biz kelajak avlodni o'z milliy qadriyatlarimiz, an'analarimiz, urf-odatlarimiz va eng muhimi milliy istiqlol g'oyamizga asoslangan holda tarbiyalamoqdamiz. Bugungi kunda yoshlarga berilayotgan katta e'tibor ham bejiz emas. Yoshlarni barkamol avlod bo'lib shakllanishida o'zimizning milliy axloqiy estetikamizni ular ongiga singdirish, turli yo'llar orqali kirib kelayotgan "ommaviy madaniyat"ni tarqalishining oldini oluvchi eng muhim vositadir. "Ommaviy madaniyat" degan niqob ostida axloqiy buzuqlik va zo'ravonlik, individualizm, egosentrizm g'oyalarini tarqatish, kerak bo'lsa, shuning hisobidan boylik ortirish, boshqa xalqlarning necha ming yillik an'ana va qadriyatlari, turmush tarzining ma'naviy negizlariga bepisandlik, ularni qo'porishga qaratilgan xatarli tahdidlar odamni tashvishga solmay qo'ymaydi. Axloqiy estetik tafakkurni shakllantirish orqali biz nafaqat ommaviy madaniyatni kirib kelishiga, balki yoshlarimizni imon-e'tiqodli, eng muhimi o'z yurtiga sodiq farzandlar bo'lib yetishiga erishamiz. Hammamizga ma'lumki, mamalakatimizda barcha mamlakatlarda bo'lgani kabi axborot telekommunikatsiyasiga keng yo'l ochib berilgan. Globallashuv jarayoni yuksak darajada bo'lmoqda. Bunday holatda ijobiy axborotlar bilan birgalikda buzg'unchi va yoshlarimiz ongini zaharlovchi g'oyalar ham kirib kelmoqda. O'z navbatida axloqiy-estetik tafakkurning yuksakligi bugungi kunga kelib keng tarqalgan internet tarmog'i orqali kelayotgan barcha ma'lumotlarni tahlil qilish va uni yaxshi va yomonga, oq va qoraga ajrata bilish imkoniyatini beradi. Xalqimizda azal-azaldan yoshlarning axloqiga, ularning ma'naviyatiga katta e'tibor qaratilgan. Yoshlar jamiyatda munosib o'rin topib, go'zal xulqi bilan izzat-hurmat ko'rishi uchun donishmand ota-bobolarining pand-nasihatlarini diliga jo qilishi ham etik va estetik tarbiya vositalaridan biri hisoblanadi. Mustaqillik sharofati tufayli o'zimizning yangi ma'naviy axloqiy-estetik tafakkurimizga ega bo'ldik. Mustaqillik barcha ijtimoiy fanlar, ayniqsa etika, estetika fanining rivoji uchun ham keng imkoniyatlar yaratdi. Endilikda biz o'tmishdagi boy ma'naviy merosimiz durdonalarini haqiqiy, ilmiy ma'noda o'rganish baxtiga musharraf bo'ldik. Bugungi kunda

etika, estetika turmushimizning barcha sohalariga kirib bordi, desak also mubolag'a bo'lmaydi. G'arb dunyosida nafosatshunoslik ya'ni estetika bilan nom qozongan Tomos Manro va Eten Surio fikricha, "etikasi, estetikasi yo'q davlat qoloq davlat, estetikasi va etikasi yo'q millat qashshoq millatdir".

Bizning diyorimizda estetika va etika namunalari avvalboshdan shakllanganligini g'arb mamlakatlaridan bu yerga kelgan sayohatchi va elchilarning so'zlaridan ham bilib olamiz. Xalqimizda "yigit kishiga qirq hunar ham oz" degan maqol bejiz aytilmagan. Bunga asosiy sabab yoshlarni kasb-hunarli bo'lishi ham ularda o'zgacha bir madaniyat va estetik axloqiy jihatlarni shakllanishida katta rol o'ynaydi. Kasbning estetik axloqiy jihatlari nihoyatda ko'p. Masalan, kasbi o'qituvchi bo'lgan insonlarga e'tibor bersangiz, ular axloqiy va kiyinish etikasi jihatidan bir oz yuksaklikni ko'ramiz. Shuning uchun ham axloqiy estetikada kasbning ham o'ziga xos o'rni mavjud. Yoshlarimizni kasbga yo'naltirishdan asosiy maqsad birinchidan ularni iqtisodiy jihatdan o'zlarini tutib olishlariga zamin yaratish bo'lsa, ikkinchidan ularda axloqiy estetikani shakllanishiga berishdir. Yoshlarni kasbga yo'naltirish nafaqat bugungi kunda dolzarb masala bo'lib kelgan, balki uzoq tariximizda ham bu masalaga jiddiy e'tibor berilgan. Bunga misol tariqasida ispan elchisi Klavixonining esdaliklarini keltirsak bo'ladi. Jumladan, uning yozishicha, Amir Temur hunarli biror kishini ham Movarounnahrni tashlab ketishiga yo'l qo'ymagan. Aksincha, sohibqiron farmoni bilan Damashqning mohir to'quvchilari, Halab(Aleppo)ning mashhur paxta yigiruvchilari, Anqaraning movut to'quvchi korxonalari, Turkiya va Gurjistoning zargarlari Samarqandga ko'chirib olib kelingan. Bundan asosiy maqsad bizning zaminimizda estetik ruh ko'tarishda yoshlarga mana shunday ilg'or kasblarni egallashlariga poydevor hozirlashdir. Shuning uchun ham temuriylar davrida madaniy axloqiy estetika nihoyatda yuksak bo'lgan.

Donishmand bobolarimiz insonda mukammal go'zallik sifati bo'lishini ta'kidlashar ekan, bu ikki jihatda namoyon bo'ladi, ya'ni etik va estetik jihatlardir. Ota-bobolarimiz, buyuk sarkardalarimiz, jahonga mashhur olim-u fuzalolarimiz etika va estetikaning shunday yuksak namunalarini keltirib o'tganlarki, bular hatto o'sha mashhur Yunon va Rim sivilizatsiya namoyondalarining fikrlari bilan bemalol bellasha oladi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, axloqiy estetikaning rivojlanishi uni yoshlar ongiga kirib borishida turli omillar turli darajada ta'sir etadi. Axloqiy-estetik tafakkurga bizning jamiyatimizda ko'proq mahalla ahlining pand-nasihatlari, oiladagi tarbiya, kasb-hunar kabi omillar doimo ta'sir etib kelgan. Buning natijasida O'zbekiston yoshlarida ma'lum bir darajada milliy axloqiy-estetik tafakkur shakllanadi. Bu g'arb yoshlaridan farqli o'laroq, o'zining milliy xususiyatlariga ega. Axloqiy estetika albatta har bir millatning o'ziga xos jihatlarini ochib beradi. Masalan, davlatning diniy ko'rinishlarini, milliy xarakterini o'zida aks ettiradi. Qisqa qilib aytadigan bo'lsak, yoshlarda axloqiy estetik tafakkurnining shakllanishida ularning nafaqat dini, balki uning kasb-hunari, ijtimoiy kelib chiqishi katta ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. E. Umarov Estetika asoslar: Akademik litsey va kasb- hunar kollejlari uchun o`quv qo`llanma. -T.: "Sharq", 2004.
2. Mahmudov T. Go`zallik va hayot. T., 1977.
3. Umar Xayyom. Navro`znoma. T., Mehnat, 1990

SHIGIS OYSHILLARI SHIGARMALARINDA RUWXIYLIQ MASELESI

Mambetsharipov Nurabilla
Qaraqalpaq mamleketlik universiteti studenti

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-346

Annotaciya: *Bul maqalada shıǵıs oyshıllarınıń shıǵarmalarında ruwxıylıq máselesiniń talıqlanıwı hám olardan kelip shıqqan halda usınıslar berilgen*

Gilt sózler:*Ruwxıylıq, mádeniyat, Konfuciy, etikanıń altın qaǵıydası, ulitarizm*

Ruwxiyliq bul insanniń ishki tábiyati, qaytalanbas bir biybaha bayliǵi esaplanadi. Insandi basqa janzatlardan ayirip turiwshi tiykarǵi belgiside usi sana sezimi hám tarbiyasi esaplanadi. Ruwxiyliq yaki mánawiyat bular tiykarinan mánisi juda jaqin sinonim sózler dep alip qarasaqta boladi. Ruwxiyliq máselesine toqtalar ekenbiz ol tiykarinan adamniń etikaliq yaǵniy ádep-ikramliliq páziyletleri menen tikkeley baylanisli. Bul tiykarinan insanniń ómirlik tájiriybesi nátiyjesinde artip bariwshi tárepi esaplanadi. Insan dunyaǵa kelgen waqitta basqa janzatlardan tiykarinan tekǵana dene duzilisi menen ǵana pariqlanip turadi. Al waqittiń ótiwi menen ol jámiyetshilikte shańaraqtaǵi ortaliq nátiyjesinde óz sana sezimin rawajlandiradi. Buǵan ayqin misal etip jámiyette emes haywanatlar dunyasinda ósken mawgliydi alip qarasaq boladi. Shiǵis oyshillari, bizge tariyxtan málim dáslepki ilim , bilim mádeniyat tiykarinan shiǵista payda bolǵan, yaǵniy oshaǵi shiǵis xaliqlari esaplanadi. Nemis kllasikaliq filosofiyasiniń iri wákili Villglim Fridirix Gegeldiń aytqaninday “ Hár bir dáwirde bir millet yáki xaliq tariyx saxnasina shiǵadi” dep keltirip ótkeninde dáslep shiǵista payda bolǵan bolsa ilim-pán keying dáwirde Batista sezilerli dárejede rawajlandi. Orta ásirlerde bolsa jáne sol Shiǵis xaliqlariniń roli belgili dárejede ósti. Shiǵis oyshillari degende biz dáslepki Qitay, Hindistan hám keyin ala Xorezm jerinde Aral boyi, Sirdariya boyinda jasap dóretiwshilik etken sonday qiyinshiliqli zamanda da óz ómirin saqlap qalip jánede ilim menen shuǵillanǵan ulli insanlardi tu’sinemiz. Qitay ózine tán bolǵan geografiyaliq jaqtandan jaqsi kontinentte jaylasqan mámleket esaplanadi. Bunday jerden ulli filosoflar, alimlar jetilisip shiǵiwi tábiyiy álbette. Bulardan biri retinde ayyemgi dáwirde jasap ótken Kun fo Czi (Konfutsiy) b.e.sh 551-479 jillarda jasap dóretiwshilik etken. Qitay filosofiyasi Konfutsiyge shekemde ilim, filosofiya qáliplesip kelgen al Konfutsiy dáwirinde bolsa ol belgili dárejede shińina eristi desek qátelespeymiz. Konfutsiyshilik táliymatiniń eń tiykarǵi máselesi retinde ol ádep-ikramliliq máselesin alip qaraydi.[1] “ Konfutsiy táliymati tek ǵana Qitay filosofiyasiniń rawajlaniwina tásir etip qoymastan bálkim oǵan jaqin mámleketler Yaponiya, Koreyaniń hám basqada Shiǵis mámleketleriniń filosofiyaliq, etikaliq-siyasiy oylariniń rawajlaniwina óz tásirin tiygizedi. Konfutsiy eger de duris principlerdi basshiliqqa almasaq, onda hesh qanday unamli mázmunǵa erise almaytuǵinlliǵi haqqindaǵi juwmaqqa keledi. Sol unamli principlerge erisiwde óz ómiriniń de, iskerligiń de mánisin kóredi. “ Eger tań atqan waqitta duris joldi (dao) bile alsań, onda ku’n batqanda ólsende boladi” degen pikirdi aytqan. Bunday pikirlerdiń biziń eramizǵa shekemgi dáwirlerde aytilǵanida bizdi

hayran qaldiradi álbette. Bul bir insanniń ómiri menen baylanisli yaǵniy biz dunyaǵa kelip tuwra joldi tanlay aliwimiz lazim, bolmasa ómirimiz mazmunsiz hám qiyinshiliqlarǵa tola boliwi mumkin. Insan óz ómirinde ózin ańlap jetiwi hám óz órnina iye boliwi lazim, áne sonda ólsede boladi degende ómir boyi qiyinshiliqlar menen jasaǵanniń orina az bolsa da óz jolindi bilip baxitli ómir keshirgendi ustin kóredi. Jánede biz Konfutsiy táliymatinda oniń principlerine ayriqsha toqtalip ótiwimiz lazim. Onin "Jen" principinde "ózine qálemegen nárseni basqaǵa tileme" bul aytqan pikiri neshshe jillar ótsede óz qadirin joǵaltqani joq. Yaǵniy házirgi dáwir ushinda tuwra keledi. Bunda keltiriliwinshe insan qashan baxitli jasaydi ózgege jaman kóz benen emes bálkim háwes penen dunyaǵa solay názer salǵanda baxitli jasaydi. Jánede " Shjen min" principi bunda keltiriliwinshe " Eger hár bir adam óziniń bilimine hám iyelep turǵan lawazimina say is tutsa, onda jámiyette adamlar arasinda tártip hám óz ara bir-birin tusiniw boladi." " Patsha-patsha boliwi, áke-áke boliwi , perzent-perzent boliwi kerek" dep aytip ótedi. Bul pikiri házirgi dáwir ushin juda say keledi. Házirgi dáwirde sol rawajlanǵan Qitay , Yaponiya mámleketlerinde usi principtiń ámelde orinlaniwin belgili dárejede kórsek bolad. Sebebi sol mámleketlerde áirese Yaponiyaniń rawajlanǵan mámleketler qatarina qosiliwinda da sol faktorlar belgili dárejede óz tasirin tiygizedi. Misali Yaponiyada óz izlep turǵan jumis orinan sebepsiz qalmaydi keshikpeydi jánede qandayda bir awir jaǵday shańaraǵinda juz berse de ol insan óz jumisin taslap ketpeydi. Egerde ol insan jumisin taslap ketse ol islewi kerek bolǵan jumis islenbeydi bul sol ku'ngi kompaniyaniń islep shiǵariwina tásir etedi, kompaniyaniń islep shiǵariwiniń tómenlewi bolsa mámlekette ekonomikaniń hálsirewine alip keliwi mumkin . Jánede Yaponiyada sonday bir princip bar "sen shańaraq aǵazlarina qanday mu'nasebette bolsań sirtqi ortaliqqa da sonday mu'nasebette bol" degen bulda Yaponiyanin házirgi ku'ndegi rawajlanǵan mámleketler qatarina kiriwine belgili dárejede óz tásirin tiygizbey qoymaydi. " Tszyun –tszi" principi " yaǵniy haq niyetli kisi obrazi. Barliq adamlar joqari ádep-ikramliliqqa iye boliw uqlipliǵina iye, biraq bul nárse eń aldi menen dana, aqli miyneti menen shuǵillanatuǵin adamlar nesiybesin ańlatadi." "Ven" principi "Ven" principi "sawatliliq, aǵartiwshiliq, ruwxiyliq táliymatqa bolǵan suyispenshilik, muhabbat hám keńes sorawǵa uyalmawshiliq penen birgelikte boliwdi ańlatadi. "Di" principi " yaǵniy lawazimi jasi joqari bolǵan adamlarǵa boysiniw. Eger adam hu'rmetke iye bolsa, onda oni jaman kórmeydi. Eger adam haq sózli bolsa, onda oǵan isenedi. Eger adam ziyrek bolsa, onda ol tabisqa erisedi. Eger adam miyrimli bolsa, onda ol basqalardi qollawi mumkin." Dep keltirip ótedi. Konfutsiy óz dáwiriniń danishpan ulli siyasatshi insani bolǵan. Oniń táliymatinda keltirilgen ádep-ikramliliq etikaliq-siyasiy kózqaraslari házirgi dáwirge da hátte keying dáwirge da biybaha miyras hám ómirde hár bir insanniń óz jolin, óz orinin tawip aliwina járdem beredi desek qatelespeymiz.

Ádebiyatlar:

1. Berdimuratova A.K " Filosofiya" "Qaraqalpaqstan" basqasi 2010
2. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. "Буржуазия философия середины IX начала XV в.". М., Высшая школа., 1988.
3. Хрестоматия по истории философии в 3-х книгах. М., 1997.
4. Чанышев А.Н. "Философия древнего мира и средних веков". М., 1984.

ҚИРОАТ ИЛМИДАГИ ШОҲ АСАР

Рашидов Аҳмадхон Ҳамидович,
Ўзбекистон Халқаро ислом
академияси магистранти,
Тошкент ислом институти ўқитувчиси
Телефон: +998972600600

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-347

Анотация: Ушбу мақолада Қуръони карим қироати илми ва ундаги қоидалар, услубларни ёритиб берувчи энг мўътабар асарлардан бири бўлган, машҳур аллома Шайх Шотибий қаламига мансуб, XII асрда ёзилган "Ҳирз ал-аманий ва важҳ ат-таҳаний фи қироат ас-сабъ ли-сабъ ал-масаний" асари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Қуръон, етти қироат, тажвид, шайх, манба, асар, шарҳ, ҳижрий, милодий.

Қуръонни ўрганиш шарафли ва улуғ амал ҳисобланади. Ислом илмлари орасида Аллоҳнинг муқаддас Каломи - Қуръонни ўрганишга бағишланган соҳа "Қуръон илмлари" деб аталади. Уламолар истилоҳида Қуръон илмларига "Қуръони каримга алоқадор бўлган барча илмий тадқиқотлар мажмуаси" дея таъриф берилади. Ислом илмлари тизимида мазкур йўналиш муҳим саналади. Зеро, Қуръон илмларини тўлалигича ўзлаштирмай, Қуръони карим маъноларини атрофлича англашнинг имкони йўқ.

Олимлар Қуръони каримга алоқадор илмларни жуда кўп эканлигини эътироф этишса-да, улар орасида энг муҳимлари сифатида қироат ва тажвид илми эканига алоҳида урғу берадилар. Ушбу илм ҳижрий III асрнинг боши, милодий IX асрнинг охирига келиб мустақил илм сифатида майдонга чиқа бошлади. Айнан шу даврдан буён қироат ва тажвид илмини ёритувчи кўплаб асарлар таълиф этилди. Биз қуйида баён қиладиган машҳур асар ҳам шулар жумласидандир.

Ҳижрий VI, милодий XII асрдаАндалусия (ҳозирги Испаниянинг жанубида жойлашган давлат)нинг Шотиба шаҳрида машҳур қуръоншунос олими нодир қобилият ва хислатлар соҳиби бўлган Абу Муҳаммад ал-Қосим ибн Фирруҳ ал-Андалусий аш-Шотибий ҳиж. 538 / мил. 1144 йилдадунёга келди. Қуръонни ёшлигидаёқ ёд олган, сўнгра қироат илмини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу ал-Осдан олган. Кейинчалик қироат илмида машҳур устозлардан бўлиш билан бир қаторда, Қуръон, ҳадис, луғат илмида ҳам юксак уламолардан бўлган. У хусусан қироат илми соҳасида ўз замонасининг забардаст олимларидан бири эди.Ҳиж. 590 / мил 1194 йил Мисрда вафот этган.

У ёшлигида ёд олган Доний нинг "Ат-Тайсир" китоби асосида ўзининг дунёга машҳур "Ҳирз ал-аманий ва важҳ ат-таҳаний фи қироат ас-сабъ ли-сабъ ал-

масаний" ("Сабъул-масоний - Қуръоннинг етти қироати борасида эминлик қўрғони ва энг улуғ қутлов") асарини ёзди ва Ибн Мужоҳид танлаган, имом Доний ўрганишни қулайлаштирган етти қироатнинг барча каттаю кичик қоидаларини шеърий услубда баён қилди. Ушбу мақолада айнан шу мўътабар асар борасида сўз юритилади.

Мазкур асар шеърий услубда ёзилган бўлиб, 78 боб, 1173 байтни ўз ичига олган.Шундан кўриниб турибдики, олим араб шеърият услуби "аруз" ни жуда яхши билган. Асарнинг яна бир ўзига хослиги шунда эдики, байтларнинг барча бандлари "Лом" ҳарфи билан тугатилганлигидир. Шунинг учун ҳам у илм аҳллари орасида "Ломия" номи билан ҳам машҳур бўлган.

Асарнинг муқаддима қисмини кўрадиган бўлсак, муаллиф ўз асарида бошқа асарларда қўлланилмайдиган услубни кўришимиз мумкин.У ҳар бир қироат силсиласининг бошида турувчи қироат имомларининг исмларини байтларида номма-ном айтиб ўтмаган, балки уларга "абжад" ҳарфларини ҳар бирини аввал қироат соҳибларига сўнгра уларнинг ҳар иккитадан ровийларига ҳам белги сифати қўйиб чиққан. Муаллиф ўз асари устида анчагина меҳнат қилган. У асарда қироат соҳиблари ва уларни ҳар бир ровийларига белгилар орқали маҳорат билан нисбат бериб ўтган .

Имом Шотибий Қуръон қориси ва Қуръон аҳлининг ўрни ва аҳамияти ҳақида беш байт айтган, кейинги беш байтини Қуръон қорисига насиҳат қилиш билан давом эттирган. Қуръон қорисининг ота-онасига нурли тож ва зийнатлар кийдирилиши, бундай буюк мақомни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш учун хайр-эҳсонли, сабр-тоқатли ва тақволи бўлиш лозимлигини уқтиради. Бунинг учун эса қори ўз нафси измига тушиб қолмаслиги кераклиги баён этилади:

فيا ايّها القارى به متمسّكا. مُجلاله فى كلّ حال مبجّلا

هَنِيئا مَريئا والداك عليهما. ملابس أنوار من التاج و الحلا

فما ظنّكم بالنجل عند جَزائِه. اولائك اهلُ الله و الصّوْفة المَلا

أولو البرّ و الإحسان و الصّبر و التقى. حُلاهم بها جاء القرآنُ مُفصّلا

عليك بها ما عِشْتَ فيها مُنافسا. و بع نفسَك الدنيا بأنفاسها العُلا

Маъноси:15. Бас, эй қори! Уни (Қуръонни) улуғлаган ҳолда қаттиқ ушлагин! Ҳар бир ҳолатда таъзим қилган ҳолда бўл!

16. Лаззатли ва осон ҳолда бўл! (Офати йўқ, хархашаси йўқ Қуръон билан бўл!) . Иккала ота-онангга тождан нурли кийимлар ва зийнатлар бўлур.

17. Мукофотлаш вақтида ул ўғилга қандай гумонингиз бор?! Ана ўшалар Аллоҳнинг аҳли ва ихтиёр қилгани ва шарафли (банда)ларидир!

18. (Ана ўша қорилар) Яхшилик, эҳсон, сабр ва тақво соҳибларидирлар. Уларнинг

зийнатлари (яъни, сифатлари) борасида Қуръон (бир неча оятларида) тафсилотини айтувчи (яъни, баён қилувчи) ҳолда келган.

19. Уларни (мазкур сифатларни) модомики яшар экансан ўзинга лозим тут ва уларга рағбат қилувчи ҳолда бўл! Олий(қадр) нафасларинг эвазига нафсингни дунёга (ёки пасткаш нафсингни) сотиб юбор!". (15-19 байтлар).

Аллома Шотибий мазкур асарини "Ҳирз ал-аманий ва важҳ ат-таҳаний" деб номлаганини ва уни Абу Амр ал-Донийнинг "ат-Тайсир" асаридан қисқартириб олганини назм ипларига тизиб, бундай тараннум қилган :

أهلّت فلبّتها المعانى لُبابُها. و صُغْتُ بها ما صاغ عَذبًا مُسَلْسَلا

و فى يُسرِها التيسير رُمْتُ إختصارَها. فأجْنَتْ بعون الله منه مؤمّلا

و الفافُها زادت بنشر فوائدٍ. فلفت حياءً وَجْهَهَا أن تُفضّلا

و سَمّيْتُهَا حرز الأمانى تيمّنًا. و وجه التهانى فأهْنِه متقبّلا

Маъноси: 67. "Таҳлил айтиб, бонг урди (ушбу қасида), маънолар эса ўз маржонлари ила талбия айтиб жавоб берди. Уларни ширин ва мазали (сув) ҳолда ҳалқумга осон ўтиши учун қуйдим.

68. Унинг осонлиги ҳақида умидвор бўлиб, Аллоҳнинг ёрдами ила "ат-Тайсир"ни қисқартиришни талаб қилдим, сўнг (унинг) самараси кўпайиб кетди.

69. Унинг (бир-бирига киришиб кетган дарахтлар мисоли) байтлари фойдалари тарқалишини зиёда қилди. Бас, (бошқа китобларга нисбатан) фазилатли бўлиб кетганига (мазкур қасида) ҳаё қилиб юзига парда тортиб олди.

70. Уни табаррук тутган ҳолда "Ҳирз ал-амоний ва важҳ ат-таҳоний" деб номладим. Бас, уни қабул қилган ҳолатда (ундан) лаззатлан! (Қабул қилиш учун уни қутлаб чиқ!) ". (67-70 байтлар).

Кейинги бобларда Имом Шотибий истиъоза ("Аъузу Биллаҳи мин аш-Шайтонир Рожийм"), басмала ("Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм") ва кўп ўқилгани учун "Сураи фотиҳа"нинг ҳукмлари, қоидалари алоҳида зикр этилади.

Асарнинг бешинчи бобидан йигирма тўққизинчи бобигача (яъни, 116-444 байтлар) муаллиф тажвид қоидалари, қироат йўллари, ҳар бир қироат соҳиби ўзига хос ўқиганлигининг баёнини батафсил келтириб, кўрсатиб ўтади. Бунда ҳар бир қироат олими тажвид қоидаларини ўзига хос ва мос ишлаб чиққанлари, шунга қатъий амал қилиш кераклиги, умумий тажвид қоидалари нималардан иборат эканини билиб олишимиз мумкин.

Масалан, олтинчи боб 26 байтдан иборат бўлиб, унда бир ёки икки сўзда махражда бир-бирига яқин (мутақориб) бўлган икки ҳарфнинг идғоми ҳақида сўз боради. Мисол учун, ҳалқумнинг иккинчи махражида жойлашган "ҳойи ҳуттий" (ح) ва “айн” (ع) ҳарфларини Сусий ривоятидаги Абу Амр қироатида идғом қилинса,

Осим қироатида бунинг аксидир. Осим қироатларидаفَمَن زُحْزِحَ عَنِ النارِ деб ўқилган оят Абу Амр қироатида فَمَن زُحْزِحَ عَّنِ النارِ деб ўқилади. Яъни, "зуҳзиҳа"нинг охирги "ҳойи ҳуттий" ҳарфи "ъан"нинг "айн"ига идғом қилинади .

Асарнинг йигирма тўққизинчи бобдан етмиш олтинчи бобигача (яъни, 445-1124 байтлар) Қуръони карим сураларининг ўзига хос баёни ўтади. Унда қироат услублари ва қироат соҳиблари қай ўринда ўзларига мос равишда ўқиганликлари, қайсилари бир-бирларига мос келганликлари ва фарқлари ҳақида алоҳида баён қилиб ўтилади. Мазкур қасидада Қуръони Карим сураларининг деярли барчасидаги "фарш"ларда қироат соҳиблари ўртасидаги фарқли жиҳатлар жуда чиройли тарзда баён қилинган. "Фарш" бу - ҳар бир қуръоний калимани ўқиш ҳолати қорилар орасида қандай бўлганини зикр қилиш бўлиб, ўзига хос тажвид қоидаси ҳисобланади. "Фарш" луғатда тарқатиш, ёйиш бўлиб, тажвид қоидалари ва ҳарфлар махражлари қонунларининг суралар бўйича тарқалиши назарда тутилади .

Кейинги 76-боб Қуръон тиловати асносида такбир айтиш борасида бўлиб, қироат олими ал-Баззийга кўра "аз-Зуҳо" сурасидан бошлаб, бошқа қориларга кўра "ал-Лайл" сурасидан бошлаб Қуръони каримнинг охиригача сура тугалланишида айтиладиган такбирлар хусусида сўз боради. Бунга мисол қилиб шарҳларда қуйидаги воқеани келтириб ўтилади: Кунлардан бир кун "Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га ваҳий тўхтаб қолади, бу ҳолатни кўрган мунофиқлар: "Ана Муҳаммаднинг Роббиси ундан юз ўгирди. Энди, ундан ғазабланди ёки ундан кетиб қолди" деган туҳмат сўзларни айтадилар.

Шунда Жаброил (а.с.) "Зуҳо" сурасини олиб келиб ўқиб берганида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам.) такбир айтадилар, шундан бери суннат бўлиб қолган, яъни у зотнинг айтган такбирлари Аллоҳнинг хоҳишини тасдиқлаш учун айтилган такбир бўлган .

Асар Қуръон ҳарфларининг чиқиш ўринлари, яъни махражлари ва ҳарфларнинг сифатлари баёни билан якунланади (1136-1161 байтлар). Бу боб 26 байтдан иборат бўлиб, унда ҳарфларнинг маҳражлари, уларнинг ўзига хос сифатларини жуда қисқа ибораларда чиройли тарзда баён қилинган. Бу бобда муаллиф ҳақиқатда барча қорилар билиши лозим бўлган, ўрганишга муҳтож бўлган ҳарфларнинг маҳражлари ва сифатларини баён қилиб берган. Айтиш лозимки, айни мана шу боб Абу Амр ал-Донийнинг "ат-Тайсир" асарида учрамайди, бу бобни Имом Шотибий назм асносида қўшган. Нозимнинг хотимасига эса охирги 14 байт бағишланган . Имом Шотибий асар хотимасида уларнинг байтлари сонига бу тарзда ишора қилган:

و أبياتها الفٌ تزيد ثلاثة. و مع مائةٍ سبعين زُهْرًا و كُمّلا

Маъноси:"Унинг байтлари минг, учта юз етмиш билан бирга, ёғдули ва мукаммал ҳолда зиёда бўлур!". (1163-байт).

Жалолиддин ас-Суютий айтишига қараганда, улардан 100 байтга яқини муқаддимага, яна бир қанча байтлар умумий баёнотлар, истилоҳлар ва шунга ўхшашлар ҳақида бўлиб, фақат қироат фани учун 1000 байт қолади. Шуни эътиборга олиб, қасидани "Алфия", яъни "Минглик" дейиш тўғри бўлади .

Имом Шотибий бу асарларида ўзининг мукаммал ва серқирра ижодини намоён қила олган. Олимлар томонидан бу китоб ҳақиди қуйидагича таъриф берилади: "Бу асар қори Қуръон ўқувчи ва таълим берувчиларга асос бўлиб хизмат қилади.

Асар қийин белги, ишораларни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда қироат илми билан шуғулланувчилар оздир, уни фақат ёд олиб маъносини билувчиларгина маъносини ривожлантириб келмоқдалар .

Шотибий ўз асарлари ҳақида шундай дейди: "Бу китобим халқ ичида оммалашиб кетишини ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Мен бу қасидани фақат Аллоҳ таоло учун тузганман, шунинг учун уни ҳар ким ўқий олмайди, агарда ўқиса, унга Аллоҳдан кўп манфаатлар етади" .

Юқорида айтилганидек, Имом Шотибий мазкур "Ҳирз ал-Аманий ва Важҳ ат-Таҳаний" асарига ёшликларида Валенсияда ёдлаган Аллома Донийни "ат-Тайсир" асарини асос қилиб олган ва унга баъзи қўшимчалар қўшиб таълиф этган.

Бу тўғрисида Абу Шома шундай фикр билдиради: "Бу боб "ат-Тайсир"да мавжуд эмас. Бу боб боблашдаги ажойиб ишлардан. Чунки, муаллиф бу қасида қироат соҳиблари иттифоқ бўлган жойларни эмас, балки, қорилар хилоф қилган ўринларни баён қилиш учун назм қилган эдилар" .

Қорилар иттифоқ қилган ўринларни ихтилоф қилмаганларидан кўпдир. Иттифоқ қилганларини зикр қилинса, назм чўзилиб кетади. Муаллиф айрим ҳолатлардагина буларни зикр қилиб кетган.

Умуман олганда, Имом Шотибийнинг қасидавий манзумаси бўлмиш "Ҳирз ал-Аманий ва Важҳ ат-Таҳаний" асари ёзилганидан бошлаб то шу кунгача қорилар, қироат олимлари, тажвидга қизиқувчилар, Қуръон мутахассисларини ўзига жалб қилиб келмоқда ва тўхтовсиз ўқилмоқда, унга шарҳлар битилмоқда, унинг устида тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, бизнинг диёримизда ҳам ушбу асар Собиқ Иттифоқ давригача мадраса ва олий диний ўқув юртларимизда бир неча юз йиллар давомида таълим берилган ва шарҳлар битилган. Истиқлол шарофатига муяссар бўлганимиздан сўнг, камина ходимингиз Ислом академия магистри сифатида ушбу асарни тадқиқ қилмоқдаман. Унинг бизнинг фондларда сақланаётган қўлёзма ва тошбосма нусхаларини ўрганиб, ўзбек тилида насрий ва назмий баён этиш ва шарҳлаш устида иш олиб бормоқдаман. Ушбу асарнинг ўзбек тилидаги нашри диний-илмий доира мутахассислари ва диний ўқув юрти талабалари учун улкан янгилик бўлади, деб умид қиламан!

Фойдаланилган манбалар:

1. Муҳаммад Абдуддоим Хамис. ан-Нафаҳот ал-илоҳиййа фий шарҳ матн аш-Шотибиййа. - Қоҳира: Дор ал-Манор, 1996.
2. Муҳаммад Боқий Бухорий. Шарҳи Шотибиййи форсий. - Тошкент, 1912.
3. Абдулфаттоҳ Абдулғани ал-Қози. Ал-Вофий фий шарҳ аш-Шотибиййа. - Жидда: Мактабат ас-Саводий, 1999.
4. Жалолиддин ас-Суютий. Шарҳ аш-Шотибиййа. - Андалус: Муассаса Қуртуба, 2004.
5. Алоуддин Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Ал-Қосиҳ. "Сирожул қориул мабтадеъ ва тузкарул муқреул мантаҳий." Тошкент. 1902.
6. Алоуддин ибн Ал-Қосиҳ. Сирожул қориул мабтадеъ. - Тошкент, 1902.
7. Ибн Халикон. Вафайот ал-Аъён. 3-жуз. - Байрут. Дару ал-Фикр,1998.

ДЕВИАНЛЫҚ МИНЕЗ-ҚУЛЫҚТЫН ОНТОЛОГИЯЛЫҚ ҲӘМ СОЦИАЛЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ

Лиза Алимбаева, Азамат Уснатдинов
Бердақ атындағы Қарақалпақ мамлекетлик университети 4-курс студентлери.
Телефон: +998907281922

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-348

«Егер инсаннын минез-қулықы жағдайдан ҳәм орталықтан келип шыққан болса, онда жағдайды ҳәм орталықты инсанпарўар (гуманистик) қылыў керек.»
Карл Маркс

Анотация: *Бул жазылған мақалада инсанның жәмийетке араласыўында оның минез-қулықының әхимийети, девиантлық минез-қулық соның менен бирге оның онтологиялық ҳәм социаллық тийкарлары хаққында мәселелер кеңнен түсиндирилген. Девиантлық минез-кулыктың жүзеге келиў себеплери социаллық философиялық көз-қарастан анализленген.*

Тайаныш сөзлер: *девиаца, социаллық норма, руўхияттың қайта қәлиплесиуи, болмыс, индивидуаллық, гуманизм.*

Инсан проблемасы бул-ҳәр бир дәўир ушын астуал есапланып келген. Себеби оны түсиниў, мәнис – мазмунын аңлаў жўда қыйын мәселелерде бири болып табылад. Бизге белгили болғанындай инсанлар бир түрдеги беологиялық хам соның менен бирге социялық мақлуқат болсада, олардың сыртқы көрниси, минез-қулқы бир-бирин такрарламайды, яғный түптен парық қылады. Сол тийкарда биз адамлардың минез қулықы мәселесине тоқталып өтетуғын болсақ, минез-қулық туўма ҳәмде сыртқы орталық тәсиринде адамда қалиплеседи. Әлбетте минез-қулықтың жақсы ямаса жаман болып кәлиплесиуинде бир қанша факторлар тәсир етеди. Бундай факторлар қатарына биз жәмийетлик, сиясый, индевидуўаллық, искерликке байланыслы ҳәм басқада факторларды көрсетиуимиз мүмкин. Бирақ олардың арасында жәмийетлик факторлардың жетекшилигин айрыкша атап өтиуимиз лазым. Ҳәр қандай жәмийетте, ол жәмйет қайсы раўажланыў басқышында болмасын, ҳәр дайым итибарға мүтәж адамлар болады. Олар өз физикалық, руўхий ҳәм социяллық раўажланыўында шетке шығыў, аўып кетиў бар болған адамлар есапланады. Ҳәзирги ўақытта бул шетке шығыўлар бар болған инсанлардың жәмийетке интеграцияланыўы (бирлесиу) концепциясы әмелге асырылмақта.[1:25] Бул концепцияға көре, бул адамлар да жәмийеттиң тең

ҳуқуқлы, бирақ айрым машқала ямаса шекленген имкәниятларға ийе ағзасы сыпатында қаралады. Медетцина, педагогика ҳәм социалогияда «норма» түсинигиниң өз көрсеткишлери ҳәм өлшемлери бар. Нормаға мас келмейтуғын тәреп- «аўып кетиў», «шетке шығыў» сыйаклы тусиниклер менен анализ қылынады. Нормадан шетке шығўды шәртли түрде төрт топарға ажратыўға болады: физикалық, руўхий, педагогик ҳәм социаллық шетке шығыўлар. Бул түрлерден биз социаллық шетке шығыуға тоқталып өтетуғын болсақ, социаллық шетлесиў «социаллық норма» менен байланыслы болып есапланады. Социаллық норма бул инсанлар ямаса социаллық топарлар искерлиги, олардың минез-қулықларының жәмийет раўажланыўының қандайда бир басқышында қалиплескен ямаса рәсмий орнатылған тәртип-қағыйдалар үлгиси болып табылады. Тийкарынан социаллық норма керекли минез-қулық, социаллық мүнәсебетлер ҳәм искерликлер модели. Бир мысал ретинде балалар ушын социаллық нормалардың өзине тән қәсийети тәрбия дереги есапланып, тәрбия процессинде социаллық норма ҳәм баҳалықлар социаллық орталыққа кириў, социаллық тәжрийбе ҳәм рөллерди өзлестириўдиң әмелге асырылыўында болып есапланады.[2:18] Әдетте, девиациялар(аўыў, шетке шығыў) өспиримлик дәўринде жүзеге келеди. Өспиримлик дәўринде (11-15 жас аралығы) өспирим өмири ҳәм искерлигинде қатаң өзгерислер жүз береди, бул болса, өз нәўбетинде рухияттың қайта қәлиплесиуине, теңлеслери менен қатнасларда жаңа формалардың пайда болыуына алып келеди. Өспиримниң социаллық дәрежеси өзгереди, оған қарата үлкенлер тәрепинен жәнеде қатаңрақ талаплар қойыла баслайды. Жәмийетте қабыл қылынған қағыйдалар, минез-қулық нормаларынан шеткен шыққан өспиримди «қыйын өспирим» ямаса «тәрбиясы аўыр өспирим» делинеди. Девиаца(аўыў) ҳәм инсанға ҳәм оны орап турған әлемге тән болған өзгериушеңлик ҳәдисесиниң тәреплеринен бири есапланады. Социаллық тараўда өзгериушеңлик искерлигине байланыслы болып, инсанның атраптағылар менен өз-ара мүнасебетин сәулелендиретуғын минез-қулуқта өз көринисин табады. Инсанның реаллық (болмыс) пенен өз-ара байланысларының изертлениуи девиант минез-қулықты бахалаўдың тийкары болып хызмет қылады, норманың хукимран пренцпи шахстың негедур ямаса кимгедур (яғный реал болмысқа) масласыўынан келип шығады. Шахыс ҳәм болмыстың өз-ара мүнасебетлерин 5 усыл менен анықлаў мүмкин: 1.масласыў 2.қарсылық көрсетиў 3.дусласыў 4.жағдайдан қашыў 5.менсинбеўшилик.[3:169] Жетик интеллектуал дәрежели шахслар реал болмысқа масласыўға хәрекет қылыўды таңлайды. Қарсылық көрсетиўде шахс актив түрде өзине, көз-қарасына мас келмейтин болмысты өзгертиўге, яғный оны өзиниң шахсий көз-қараслары ҳәм бахалықларына сайкес өзгертиуге ҳәрекет етеди. Ол өзи дус келип атырған бәрше машқалалар болмыстың социяллық нормаларына тийкарланғанлығына исенеди ҳәм болмыс пенен гүрес, болмысты өзине масластырып өзлестириуге ҳәрекет қылў ямаса

жәмийет нормаларын бузыушы этикадан максимал дәрежеде пайдаланыў оның өз мақсетлерине ерисиуиниң бирден-бир усылы болып қалады. Бунда бул шахсқе қарата болмыс тәрепинен қайтарылатуғын жуўапта дәл усындай қарсы ҳәрекет қылыў, шахсты өзгертиў , оны реал болмыс талапларына масластырыўға қаратылған болады. Болмыстың шахстың дүняға көз-қарасына қарсы болған социялық нормаларға қарсылық көрсетиўи креминал ҳәм делинквент минез-қулықларда ушрайды. Болмыстың қарсылык көрсетиўи, оны өзлестириў ҳәм түсиниудиң субектив түрде бузып көрсетилиуи сепеплери. Болмысты негатив ҳәм оппазицион бахалайтуғын инсанлар болмыс пенен өз-ара қатнаста өзиң оған масласыуда укыпсыз деп есаплап, саналы ямаса санасыз түрде таңлайды. Олар сондай-ақ, толык емеслиги, консервативлиги, бир қәлиптелиги, экзистенциал бахалықларды езип таслаўы ямаса ашықтан-ашық гуманизмге қарсы ичкерлик алып барыўы себепли, масласыўға « масс болмаған» болмысқа масласыўды қәлемеуликти нәзерде тутыўларыда мүмкин. Болмысты менсинбеү, шахс өзиниң тар дүнясында бар болған ҳалда болмыстың талаплары ҳәм нормаларын есапқа алмағанда, оның турмысы ҳәм искерлигиниң автономизацияласыўында (ғәрезсизлигинде) көзге тасланады. Бунда ҳәр ким өзинше (бар болып) жасайды.[4:21] Демек өспиримлик дәўринде пайда болған девиантлық минез-қулық нәтийжесинде инсанлардың кийинги өмири сол дәўирдеги девианлық минез-қулыққа масласып қалады ҳәм келешекте сол адамға қыйыншылықлар туўдырады. Усының нәтийжесинде жәмийеттен ҳәм оның барлық елементлеринен қашықласыў ямаса қашыўға урыныў жүз береди ҳәм оларда өмирден түңилиў, жәмийетке қарата наразышылықлар да, адамның жеке болмысында ишки қарама қарсылықларда пайда болады. Бундай қарсылықларды сапластырыў ушын девиантлық минез-қулыққа ийе адамларды еледе тереңрек анализ қылыў, олардың онталогиялық, гносеологиялық тәреплерин тереңрек үйрениў зәрүрлиги пайда болады, ҳәм бул проблемаларға шешимлер табыў арқалы девиантлық минез-қулыққа ийе шахсларды және жәмийетке қайтарыў имкәнияты пайда болады.

ПАЙДАЛАНЫЛҒАН ӘДЕБИЯТЛАР ДИЗИМИ

1. Мусурмонова О. Маънавий кддриятлар ва ёшлар тарбияси. Т Укитувчи, 1996 [1:25]
2. Клейберг Ю.А. Социальные нормы и отклонения. — М.: 1997 [2:18]
3.Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика-Т: 2009 [3:169]
4. Социальная дезадаптация: нарушения поведения у детей и подростков М.: 1996. [4:21]
5. Тулаганова Г. К- Тарбияси кий им усмирлар. — “Университет” нашриёти. 2005

ЖЕМИЙЕТТЕ ҚЕДРИЯТЛЫҚ ТИЙКАРЛАРДЫН ЕҲМИЙЕТЛИЛИГИ МЕСЕЛЕСИ

Гайыпбаев Нурлан Рахметович
Қарақалпақ мамлекетлик университети магистранты

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-349

«Қубылыслардың қәдири – олар жоқ болғанда билинеди»
Абу Райхан Беруний

Аннотация: *Бул мақалада жәмийетти қадириятлар тийкарында түсиндирўге қаратылған теориялар анализ етилип, усыныслар берилген*

Гилт сөзлер:*қадирият, искерлик, объектив реаллық, тәбият ҳәм жәмийет, жәмийет ҳәм адам.*

Адамзат пайдаға қарағанда қәдирди, қунға салыстырғанда қәдириятты үстин қойыўшы жәмийетке бағдарланған идеал жәмийетке умтылыўы шәрт.

Искерлик инсанды мақсетке қарай жетеклейди. Мақсетке ерисиў болса, белгили бир идеалға, өлшем-нормаға ҳәм олар арқалы ақыр-ақыбетинде қәдириятқа таянады. Идеал – бул мақсеттиң санада, анығырағы, оның түсинилген бөлиминде сәўлелениўи. Қәлеген идеал ҳәмме ўақытта ҳақыйқатлықтан үстин турыўшы, өзинде мақсет, үмит ҳәм қәдириятлық процесс болыўы керек мазмунды алып жүреди. Норма-өлшемлер болса – белгили бир социаллық орталықта тән алынған қағыйдалар болыўы менен белгиленеди. Олар жәрдеминде инсанлардың ис-ҳәрекети ҳәм искерлигиниң басқа тәреплери басқарылады. Идеал ҳәм норма-өлшемлер ҳәмме ўақыт үзиликсиз белгили бир қәдириятлар ҳаққындағы көз-қараслар менен тийкарланады.

Сонлықтан ҳәр қандай социаллық ҳәдийсе қәдириятлар тийкарында анализленеди. Олар арасында тийкарғы нормалардан эстетикалық, этикалық, дәстүрий, диний қағыйдалар сәўлелениўи менен белгиленеди. Бунда нәтийжелилик әҳмийетли көрсеткиш болып есапланады. Керисинше болған жағдайда бул социаллық ҳәдийсе баҳалыққа ийе болмаған болар еди. Сол мүнәсебет пенен қәдирият системасын изертлеген философ алымлардан Генрих Риккерт пикири бойынша «Дүнья – обьектив реаллық ҳәм қәдириятлардан қуралған»[1. 33]. Ол обьектив реаллықтағы «әҳмийетке ийе» болған нәрсе қәдирият деп биледи. Қәдириятларды субьектке байланыслы болған баҳалаў менен араластырып жибермеў лазым. Г. Риккерт қәдириятты «Субьект ҳәм обьекттиң арқа тәрепинде жайласқан пүткиллей ғәрезсиз салтанат» екенлигин атап көрсетеди. [1. 33]

Баҳалық – адам ҳәм адамзат ушын ҳақыйқатлықтың қубылысларының әҳмийети сәўлеленген түсиник сыпатында алып қаралыўшы қубылыс. Сол себепли адамзат тарыйхында қәдириятлар ҳаққындағы мәселе ҳеш қашан итибардан шетте болмаған.

«Қәдирият» сөзи бәрше халық тиллеринде, тийкарыннан инсанның реаллыққа арнаўлы қатнасықларды, зат ҳәм ҳәдийселердиң инсанға қарай алынған әҳмийетлилигин билдиреди деп түсиниледи. Лекин, цивилизация динамикасындағы кризислер, турғынлық ўақытларында жүдә әҳмийетли, машқалалы ўазыйпаны келтирип шығарады. Сондай дәўирде бар болған қәдириятлар түптен қайта баҳаланады.

Қәдириятлық мәселелер антик дәўирлерден баслап инсан өмириндеги орайлық ориентлерге толық писип жетилиспеген формада көрине баслайды. Әйемги Грециядa демократия кризиси менен Сократ қәдирли зат не нәрсе? Платон болса демократия не? деген сораўлар бас қатырған еди. Бул дәўирде инсанның әлемде тутқан орны жетерли дәрежеде болмағаны ушын оларға берилген жуўапларда да қәдирияттың мазмуны жүда анық берилмеген.

Европа ойшыллары тарыйхында немис классикалық философиясының ири ўакили Иммануэл Кант антик дәўир ҳәм орта әсирлердеги қәдириятларға тийисли болған көз-қарасларға өзгерис киргизди. Ол тәбият тараўы менен әдеп-икрамлылық, ақыл тараўы менен әмелий (күнделикли) турмыс өз-ара сәйкес емеслигине итибарын қаратты, ҳәмде қәдирият сыпатында ҳақыйқат, ғоззаллық ҳәм жақсы нәрсени бир-биринен ажыратады. Оларды қәдирият мазмунын сәўлелендириўши түсиниклер сыпатында қарайды.

Илимий философиялық талапларына жуўап беретуғын мәниде «қәдирият» түсинигин Герман Лотсе XIX әсирдиң 60-жылларында айланысқа киргизди ҳәм оны төмендегише тәрийипледи.

Әлемди үш топарға:

- Улыўма нызамлықлар – зәрүрли, әҳмийетли ҳақыйқатлар тараўына,
- Фактлер – затлар ҳәм реаллық образлар тараўына,
- Қәдириятлар – жақсылық, гоззаллық ҳәм муқаддес идеялар тараўына бөлип көрсетти.

Демек өз-өзинен келип шығады қәдирият жәмийеттиң ажыралмас бир бөлеги сыпатында, оның өмир сүриўи, келешегиниң бар болыўы ушын қәдириятық сананы көрсетиўши жәмийетлик сананың барлық формаларының актив қатнасын билдиреди.

Инсан ушын ҳәмме нәрсе, ҳәдийсе, ўақыя ҳәм процесслер унамлы баҳаланған болса, жеке шахслардың да, инсаниятты да мәплерине жуўап берсе, қәдирият бола алады. Инсан жоқ жерде яки инсан әтирапында бар нәрсе ҳәм ҳәдийселерге оның парықсызлығы нәтийжесинде, жәнеде ҳақыйқат ҳәм жаңылысыў ортасындағы парықты көриў қәлеўшилигиниң жоқлығы себепли қәдириятлар мәселеси көтерилмейди. Басқа бәрше жағдайларда қәдириятлар ҳаққында гәп барады. Әлбетте, бунда субьекттиң сапасына көп нәрселер

байланыслы. Сол себепли қәдириятлар қай тәризде талқыланыўы әҳмийетли есапланады. Талқыланыўдың қалай болыўы субьекттиң көп тәреплерине байланыслы болады. Талықылаў барысында қәдириятты қай дәрежеде көрсетилиўин әсбап-үскенелер жәрдеминде анықлап болмайды. Тек ғана бунда ақыл күшине, бар принциплерге, қабыл етилген өлшемлерге сүйенеди. Көрсетилген пикирге турмыстағы ең әпиўайы мысал ретинде спорт беллесиўлери, көркем-өнер фестивал қатнасыўларын баҳалаўда төреши ағзаларын көрсетсек болады. Баҳалаў инсанның көплеген талап ҳәм сезимлерге ийелиги себепли ҳәр түрли болады. Баҳалаў – қәдирият жаратпайды. Бунда баҳалаўдың инсанларда қәдириятлық мәнзиллердиң бағдарланыўына тийислилиги менен жәмийет турмысында үлкен орын тутыўы келип шығады.

Қәдирият категориясы буйым, нәрселердиң қунлылығы емес тәбият, жәмийет ҳәм инсан ушын әҳмийетке ийе болған обьектив реаллықтың формалары, ҳалатлары, нәрселер, ўақыялар, ҳәдийселер, талап ҳәм тәртиплер ҳәм басқада қубылыслардың қәдирин сәўлелендириў ушын ислетилиўи тийис. «Қәдирият – реаллықтағы белгили қубылыслардың улыўма инсаныйлық, жәмийетлик-этикалық, мәдений-руўҳый әҳмийетин көрсетиў ушын қолланатуғын философиялық, социологиялық ҳәм аксиологиялық түсиник» деп тәрип берилген.[2]

Адамзат қәдирияттың мазмунын ашып бериў ушын арнаўлы методлар жәрдеминде иске асырады. Бунда улыўмалық, жеккелик ҳәм даралықтың диалектикасы заманагөй атамалар – «глобаллық», «регионаллық», «локаллық» қәдирият обьектлериниң өз-ара тәсир етисиўинде жүзеге келеди. [3. 31]

Жуўмақлап айтқанда тәбият, адамзат ҳәм жәмийет турмысында қәдириятлық принциплерди жүзеге келтириўши факторларды раўажландырыў нәтийжесинде белгили бир мазмундағы беккем қәдириятлық системаларды қәлиплестириў нәтийжесинде беккем қәдириятлық турмыс арқалы жәмийеттиң турақлы түрде раўажланыўына тийкар жаратыўға бағдарланған жолларды ашқан болар едик…

Пайдаланған әдебиятлар

1. Г. Риккерт. О понятии философии. М: «Логос», 1910
2. Қиёмиддин Назаров: «Фалсафа: қомусий луғат» 2004
3. Қиёмиддин Назаров: Қадриятлар фалсафаси. Файласуфлар миллий жамияти Т:. 2004

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мардонов Баҳодир Мардон ўғли
Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг
Божхона институтидаги бошланғич
ташкилоти етакчиси Tel: +998935459097
mardonov.bahodir@inbox.uz

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-350

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тоборо тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак, бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораяптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Бундай шароитда аҳолимизнинг асосий қисмини ташкил этадиган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига эътибор қаратиш зарур.

Глобаллашув - бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов айтганларидек ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашмоқ лозим. Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг инсонларни доимо огоҳ бўлишига ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрларига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий - миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини узоқ тушунтириб ўтиришнинг хожати йўқ, деб ўйлайман. Ўтган йиллар давомида дунёда ва мнтақамизда рўй берган биз бевосита ўз бошимиздан кечирган воқеалар, мафкуравий жараёнларнинг ривожи бу хулосанинг тўғри эканини қайта - қайта исботламоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио - телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб - чирмаб, уни ўқима,

буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубхасиз, замоннинг талабига ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Демак ана шундай янгиликлар, биз учун бегона бўлган ғоя ва мафкураларнинг кераклисини олиб, кераксизини инкор этиш, керак бўлса қарши тураолишимиз учун, ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакиллантиришимиз зарур.

Мафкуравий иммунитет - шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими. Иммунитет тиббий тушунча бўлиб, киши организмининг турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир.

Мафкуравий иммунитет инсон ҳаёти давомида олган билимлари ҳаётий тажрибалари орқали шаклланиб боради, ўз навбатида ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асоси - билимдир. Аммо билимлар кўп. Шундай экан мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар обектив бўлиши воқейликни тўғри ва тўлиқ акс эттирилиши, Ватан ва миллат манъфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда инсон маънавиятини бойишига, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим.

Билимлар ва қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг муҳим асоси, яъни ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маданий, маърифий соҳалардаги мулжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, ҳоҳ алоҳида инсон, ҳоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амримаҳол.

Мафкуравий тазйиқларнинг олдини олиш учун биз ҳам фарзанд-ларимизни она ватанга муҳаббат, бой тарихимизга ота - боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур, токеъ ёшларимиз миллий ўзлигини шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

Ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб, тар-биялашимиз зарур.

Маънавий ва маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдилган замонавий инфарматцион ва компьютр технологияларини кенг жорий этиб, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул ва услублардан фойдаланишимиз керак.

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром яъни ватанпарварлик туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.; "Маънавият" 2008 йил, 111- бет.

2. Эргашева Г.М. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш (албом - ўқув-услубий қўлланма). - Т., 2008. - Б.20. 112

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Пирназаров Нурназар Рашид ўғли
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистранти
Телефон: +99890 709 44 77

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-351

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги глобаллашув даврининг ёшлар онгига тасири, уларнинг оммавий маданият ва шунга ўхшаш турли йўллар билан ўзлигидан айиришга қаратилган харакатларга қарши туришда ёшларга тўғри таълим-тарбия бери шва уларни юксак маънавиятли этиб тайёрлашга қаратилган таклифлар берилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, қарама-қаршилик, маънавият, ғоявий имунитет, ўзликни англаш.

Ҳозирги вақттаги сиёсий қарама-қаршиликларнинг кўпчилиги диний тус олган. Бу эса бошқа дин вакилларда ўша динга нисбатан ёмон тасир қолдирмоқда. Масалан, Европа халқлари назарида "ислом" тушунчаси экстремист, террорист ёки шунга ўхшаш ёвуз ишлар қилувчи деган маъноларни берувчи сўз сифатида қабул қилинади. Оддий христиан динига этиқод қилувчи одамга мусулмонни тасвирлаб бер дейилса у: қолига "Калашников" автоматини ушлаган, белига портловчи мосламалар осиб олган соқолли одамни тушинтиради. Уларнинг бундай хулосага келишларида, ОАВ нинг хизмати катта бўлиб саналади. Чунки, улар бўлмаганликларида эди, одамлар дунёда бўлаётган хуник ишлардан хабардор бўлмас эдилар. Таниқли сиёсатчи бўлган Буйук Британия бош вазир Маргарет Тетчер ўз нутқларининг бирида: "Оммавий ахборот воситалари террорчилар учун-кислород вазифасини бажаради" дея такидлагани бекорга эмас.

Юқорида айтилган сиёсий қарама-қаршиликларнинг асосида геосиёсий манфаътлар туради. Бундай геосиёосий ва стратегик манфаатлар тўқнашадиган жой сифатида Марказий Осиё, янада аниғроқ қиладиган бўлсак Ўзбекистон асосий оринлардан бирини эгаллайди.

XX аср охирига келиб жаҳонда содир бўлаётган умумбашарий геосиёсий ўзгаришлар, айниқса, диний экстремизм ва терроризмнинг глобаллашуви жараёни мустақил Ўзбекистон Республикаси учун ҳам катта хавф, таҳдид туғдирди. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик шарофати билан миллий ва диний қадриятлар тикланмоқда.Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек,"…XX асрнинг охири диний қадриятларнинг уйғониш даври, вазмин, беҳуда, уринишлардан холи диний маънавиятга, ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлиб қолди".

Ҳозир таълим тизимини ислоҳ қилишнинг сифат босқичида ва илмий

кадрлар тайёрлаш изчил тус олаётган бизнинг мамлакатимзда маънавий-маърифий ва ахлоқий-тарбиявий жараёнларни уйғунлаштиришда, комил инсон тарбиясида, шахснинг руҳий баркамолликка эришувида, миллий қадриятлар билан бир вақтда диний қадриятларнинг ўрни муҳимдир.Сабаби, дин умумбашарий маданиятнинг бир қисми бўлиб, унда дунёвий, бунёдкор ғоялар, билимлар, инсоний тафаккур дурдоналари ҳам мужассамлашгандир.

Диний қадриятларнинг - миллий ва дунёвий қадриятлар билан уйғунлигини тиклаш зарурати, ҳеч бир муболағасиз, мамлакат тақдирини ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти ўзининг асарларида динга бўлган муносабатни аниқ-тиниқ ва принципиал тарзда белгилаб, давлатнинг динга нисбатан янги муносабати қандай бўлишини, ишончли далиллар билан асослаб берган.

Мустақилликка эришилгандан кейин республикамизда "Ҳуждон эркинлиги" ҳақида низом қабул қилинди. Асрлар давомида халқимиз маънавиятига сингип келган ислом дини амалларини тўлиқ бажаришга имконият яратилди. Буни оддий халқ яхши қабул этди. Бироқ, Марказий Осиёдаги исломий маърифат тақиқлаб қўйилган собиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетганлиги натижада ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож топди. Бундай "манқуртлар" ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқмоқдалар. Айтиш жойзки, 70 йилдан кўпроқ вақт давомида ислом дининнг бизда шакилланган теологик асосларига сезиларли даражада зиён келтирилган эди. Мадрасалар, масжидларнинг ёпилиши, диний уламоларнинг қатоғон қилинишлари бунга мисол бўла олади. Оддий халқ ислом дининг фақат оддий дастурларини ижтимоий онгида сақлаб қолдилар. Мана шу оддий дастурларнининг тўлиқ теологик асослари бизга мустақилликдан кейин четдан кела бошлади.

Ислом дини билан бирга сиёсий, ижтимоий ажралишларга асос бўлиб хизмат қилувчи ғоялар ҳам кириб келди. Бунга мисол тариқасида 1989, 1990 ва 1991-йилларда республикамиз худудида бўлиб ўткан тартибсизликларни келтирсак бўлади. Бу кўп миллатли, кўп конфессияли Ўзбкекистон учун жуда катта хавф туғдирди. Диний экстремистлар ва террористлар нафақат Ўзбкекистон, балки бутун инсоният учун хавфи тўғрисида қадирли биринчи Президентимиз И.Каримов ислом экстремистлари қадимги ислом ғоялари ва анъаналарини қайта тиклаш байроғи остида террорчилик, суиқасд уюштириш ишлари билан шуғулланиши, ислом фундаменталистлари исломнинг фундаментал принципларини тиклаш, ислом вужудга келган дастлабки шарт-шароитларга қайтиш шиори остида ҳаракат қилишини таъкидлаб ўтади. Диний экстремистлар дин ва сиёсатни бир тушунча, ислом ва миллат манфаатларини бир деб тарғиб қилишлари давлатни исломлаштиришга, ислом тараққиёт йўлига киритишга уринишдари борасида ўз фикрларини ва уларнинг олдини олиш ҳақида фикирларини баён қиладилар.

Инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари авваламбор ўз дининнинг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир. Айнан фанатизм иллатига йўлиққан одамлар

ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар. Устига-устак, оммавийлик унсури муайян бир хатти-ҳаракатлар учун шахсий жавобгарлик ҳиссини йўқотиб юборади, ҳаракатга оммавий тус беради. Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга, зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин. Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, диний фанатизмнинг ёзага келишида соф диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади. Аслини олганда, айни шу муаммолар бошқача фанатизмни, дейлик, ирқчилик, миллатчилик руҳидаги фанатизмни келтириб чиқаради.

Биз ёшларимизга, умуман жамоатчиликка диний экстремизм, фундаментализм каби ҳодисалар жиддий мажораларни, зиддиятларни келтириб чиқариши ўз вақтида Президентимиз асарларида аниқ батафсил ифодаланган эканлигини кенгдан тушунтирмоғимиз муҳимдир. Биринчи Президентимиз асосий эътиборни одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммолар ўта нозик эканлигига қаратади.

Президентимиз ўз асарларида диннинг маънавий қадриятлари билан исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни очиқ ойдин тушунтириб ўтади. И.Каримов ўз асарларида:

- Диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бермасликни,
- Диний даъватлар билан ҳокимият учун курашга,сиёсат, қонунчиликка аралашишга йўл қўймасликка,
- Ислом дини бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмасликка,
- Маънавий тикланиш, умуминсоний қадриятларни қарор топтиришда диний экстремизмнинг хавф, таҳдид туғдираётганлигига алоҳида эътибор қаратишга бизни чаририб қоладилар .

Мана шундай таҳдидни келтириб чиқараётган, рағбатлантираётган ташқи жиҳатларнинг,ҳомийларнинг мавжудлигини таъкидлаб ўтиб, айрим давлатларда маълум сиёсий кучлар томонидан янги мустамлакачилик сиёсати, буюк давлатчилик, мусулмонларга қарши зўравонлик, иқтисодий камситиш сиёсати диний экстремизмнинг кучайишига сабаб бўлаётганлиги асослаб берилади.

Шу оринда тинчлик ва тотувликни сақлашда енг аввало фуқораларимизда инсонийлик принципларини шакиллантириш лозимлигини унутмаслик керак. Зеро, инсонийлик принципларига асосланган давлаттагина тинчлик, тотувлик ва ривожланиш бўлади. Инглиз файласуфи К.Поппер дунёда инсонпарварлик принципларга асосланган ижтимоий тузумни ташкил килиш учун инсоният бешта энг муҳим вазифани адо этиши зарур деб айтади. Улар:

"1. Эркинликни мустаҳкамлаш ва ундан келиб чиқадиган масъулиятни англаш;
2. Дунёда тинчлик ўрнатиш;
3. Қашшоқликка қарши кураш;
4. Демографик "портлаш" га қарши кураш;
5. Зўровонликка қарши таълим-тарбияни жадаллаштириш" .

К.Поппер ушбу дастурини бутун инсониятга тақдим этган ва агарда жаҳон аҳли уларни руёвга чиқара олса, дунёда тинчлик, барқарорлик ва эркин ҳаёт мустаҳкам ўрнатилишига ишонган. Унинг ақл-идрокка асосланган фалсафий таълимоти шундай хулосага олиб келган.

Ҳозирги вақтта эзгу, бунёдкор ғоялардан самарали фойдаланиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида, таълим соҳасидаги ислоҳатларни амалга ошириш жараёнида бизнинг жамоатчиликда ҳам кенг кўламдаги амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Масалан, ёшлар орасида ҳар ҳил ўчрвшувлар,акциялар ўтказиш орқали ташвиқот-тарғибот ишларинининг олиб борилиши. Бундай тадбирлардан асосий мақсад юртимиз тинчлигига, эркинлигига таҳдид туғдирадиган ҳар қандай бегона ғоя, мафкураларга қарши маънавий зарба бера оладиган ёки Президентимиз таъбири билан айтганда "Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат" билан кураша оладиган етук баркамол авлодни камол топтиришдир.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Т.. "Ўзбекистон" 1997,
2. И.А.Каримов "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда"Т.. "Ўзбекистон" 2000,
3. Т.Дронзина "Многогранные источники терроризма"
4. Фалсафа "Қомусий луғат" "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти" Т- 2004

"ТУҲФАТУЛ-АТФОЛ" АСАРИ ТАЖВИД ИЛМИДАГИ МУҲИМ МАНБА

Рўзиев Жаҳонгир Ўктамович
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти
Телефон: +998998778772

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-352

Анотация: Ушбу мақолада Қуръони каримни тўғри ўқиш қоидаларини баён қилувчи, тажвид илмидаги муҳим ва бугунги кунгача юртимизда тадқиқ қилинмаган манбалардан бўлган Сулаймон Жамзурийнинг "Туҳфатул-атфол" асари ва унинг тажвид илми уламолари томонидан тадқиқ қилиниб, шарҳлар ёзилгани ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: қироат, тажвид, "туҳфатул-атфол", матн, назм, асар, шарҳ, ҳижрий, милодий.

Қироат ва тажвид илми тарихий жараёнлар сабабли ҳижрий III аср боши, милодий IX асрнинг охирига келиб мустақил илм сифатида майдонга чиқди. Шу даврдан буён қироат ва тажвид илмида кўплаб асарлар дунё юзини кўрди. Мана шулар жумласига ўз даврида Миср диёрининг кўзга кўринган қироат ва тажвид илми намоёндаларидан Шайх Сулаймон ал-Жамзурий (ҳиж. 1160-1209/ мил. 1747-1795) қаламига мансуб "Туҳфатул-атфол" асари ҳам киради. Ушбу асар қуйи босқичдаги талабаларга тажвид қоидаларини ёритиб берувчи енгил матн саналади. У назм "уржуза " услубида ҳиж. 1198, мил. 1784-йилда ёзилган бўлиб, жами 61 байтдан иборат. Байтларининг адади ва тугатилган санаси ҳақида муаллифнинг ўзи 59-байтда маълумот бериб ўтган.

"Туҳфатул-атфол" Қуръон ва тажвид ошиқларига тақдим қилинганига бир неча асрлар ўтган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотган эмас. Дунёнинг кўплаб мусулмон мамлакатларида унинг байтлари талабаларга ёдлатилади ва мазмун-моҳияти пухта ўргатилади. Жумладан, юртимиздаги ўрта махсус ва олий диний ўқув муассасаларида ҳам ушбу асар матнидан Қуръон қироати ва тажвид дарсларида ўқитилади.

Бу асар тажвиднинг барча қоидаларини қамраб олмаган бўлса-да, ҳар бир даврнинг қироатлар ва тажвид илмидаги етук уламолар томонидан унга бир қанча шарҳлар ёзилган ва юксак баҳоланган. Асарнинг қўлёзма нусхалари ҳам бизгача етиб келган. Жумладан, Саудия Арабистони мамлакати, Риёз шаҳрида жойлашган "Малик Файсал" тадқиқот марказидаги 3/156 инвентар рақами остида, Миср давлати, Қоҳира шаҳри "Азҳарийя" кутубхонасида 7487 инвентар рақами остида қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Мазкур "Азҳарийя" кутубхонасида яна ўнта бошқа қўлёзма нусхалари ҳам сақланаётгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Асар матни "Туҳфа ал-жамзурийя фий тажвиди калами Робб ал-барийя",

"Туҳфатул-атвол вал-ғилмон фий тажвидил-Қуръон" каби номларда ҳам учрайди. Муаллиф Сулаймон Жамзурий унинг номи ҳақида "Туҳфатул-атфол"га шарҳ сифатида ёзган ўзининг бошқа асари "Фатҳ ал-ақфол бишарҳи туҳфа ал-атфол"да "Туҳфатул-атфол" деб номлаганини айтган . Бу номларнинг қайси бири энг афзал деган саволга, албатта Сулаймон Жамзурий раҳимаҳуллоҳ ўзи қайд этган - "Туҳфатул-атфол" номи билан атамоқ афзал деб хулоса қилиш мумкин.

Асар номининг таржимаси "Болаларга туҳфа" бўлиб, муаллиф "туҳфа" деб тажвид қоидаларини назарда тутган. "Атфол" луғатда вояга етмаган болалар маъносида ишлатилади. Бу ўринда "болалар" деб - балоғатга етмаган болалар ёки тажвид илмида бошланғич бўлганлар назарда тутилган. Бу ҳақида Имом Жамзурийнинг ўзи шундай дейди: "Атфол" (болалар) деганда - балоғатга етмаган болалар ёки бу фанда ўзимга ўхшашлар назарда тутилган" . Муаллиф камоли тавозеъ ва камтарлик билан ўзига шундай таъриф берган.

Ушбу назмий асар тажвид илми борасида Имом Жазарийнинг қироат ва тажвид илмида дунёга машҳур "Манзуматул-муқаддима" назмий асаридан кейинги ўринда туради. "Туҳфатул-атфол"нинг ёзилиш услуби "Манзуматул-муқаддима" асарининг услубига матнан жуда яқин. Хатто ундаги баъзи байтлар "Манзуматул-муқаддима" билан қисман бир хил. Масалан, "Туҳфатул-атфол"нинг биринчи байти

(1) يَقُولُ رَاجِي رَحْمَةِ الْغَفُورِ ر دَوَامًا سُلَيْمَانُ هُوَ الْجَمْزُورِي

Маъноси: ***"Давомий*** *(дунё ва охиратда)* ***ўта кечирувчи Зотнинг раҳматидан умидвор жамзурлик Сулаймон айтади"*** дейилган.

"Манзуматул-муқаддима"нинг биринчи байтида эса:

(1) يَقُولُ رَاجِي عَفْوِ رَبٍّ سَامِعِ مُحَمَّدُ بْنُ الْجَزَرِيِّ الشَّافِعِي

Маъноси: ***"Эшитувчи Раббнинг авфидан умидвор Муҳаммад ибн Жазарий Шофеий айтади"*** дейилган.

Ёки "Туҳфатул-атфол"нинг йигирма учинчи байтида шундай дейилган:

(23) وَاحْذَرْ لَدَى وَاوٍ وَفَا أَنْ تَخْتَفِي

Маъноси: "*(Сукунли мим)* ***"фо" ҳарфи ва "вов" ҳарфига йўлиққанда*** *(сукунли мимни)* ***махфий қилишдан эҳтиёт бўлинг.....*** *"*[1].

"Манзуматул-муқаддима"нинг олтмиш тўртинчи байтида эса:

(64) وَاحْذَرْ لَدَى وَاوٍ وَفَا أَنْ تَخْتَفِي

Маъноси: "....*(Сукунли мим)* ***"фо" ҳарфи ва "вов" ҳарфига йўлиққанда*** *(сукунли мимни)****махфий қилишдан эҳтиёт бўлинг****"*[2].

Шунингдек, "Туҳфатул-атфол"нинг хотима бобида асар 61 байт экани "абжад" ҳисоби билан баён қилинган. Бу услубдан "Манзуматул-муқаддима"да ҳам байтларнинг ададини баён қилишда фойдаланилган.

Бундан кўриниб турибдики, Жамзурий қироат ва тажвид илми султони, ўзидан тўрт аср олдин яшаган, "Манзуматул-муқаддима" асарининг муаллифи Шайх Жазарийни ўзига устоз деб, таббаррукан унинг услубидан фойдаланган.

Муаллиф Сулаймон Жамзурий асарда қироат ва тажвидга тегишли бир қанча қоидаларни баён қилган. Матн муқаддима, саккиз боб ва хотимадан иборат. Улар муқаддима (5 байт), сукунли "нун" ва "танвин" қоидалари (11 байт), ташдидли "нун" ва "мим" қоидалари (1 байт), сукунли "мим" қоидалари (6 байт), исмдаги

маърифа "лом"и ва феълдаги"лом" қоидалари (6 байт), мислайн, мутақорибайн ва мутажонисайн идғом қоидалари (5 байт), маднинг қисмлари (7 байт), маднинг ҳукмлари (6 байт), лозим маднинг қисмлари (10 байт), хотима (4 байт)лардан иборат.

Исломий илмларда устоз шогирдига бирор китобдан таълим бериб бўлганидан сўнг унга оғзаки ёки ёзма тарзда "ижозат" беради. Бу ҳозирги шаҳодатнома вазифасини бажарган бўлиб, илмни авлоддан авлодга ишончли ҳолатда етиб келишига хизмат қилади. "Туҳфатул-атфол"нинг муаллифи ҳам шогирдларига асардан таълим беришга "ижозат" берган. Муаллифнинг ушбу асарга тегишли ёзма силсиласи бугунги кунгача муттасил ҳолда етиб келган. Ушбу асарни муттасил силсила билан ўқиган талаба муаллифнинг еттинчи ёки саккизинчи шогирди ҳисобланади.

Асарнинг шарҳлари: Ушбу асар қуръонхонларга тақдим қилингандан сўнг бугунги кунга қадар таҳминан икки юз қирқ йил ўтди. Сулаймон Жамзурий раҳимаҳуллоҳнинг ўзи бу назмий асарни энг аввал шарҳлаганлардан ҳисобланади. Ҳозирда унинг ўнлаб шарҳлари мавжуд. Жумладан, "Фатҳ ал-ақфол бишарҳи туҳфа ал-атфол". (муаллифи "Туҳфатул-атфол"нинг муаллифи Шайх Сулаймон Жамзурий), "Фатҳ ал-малик ал-мутаъолий бишарҳи туҳфа ал-атфол" (муаллифи устози Миҳийнинг ўғли Аллома Муҳаммад Алий ал-Миҳий ал-Аҳмадий), "Минҳату зи ал-жалол фий шарҳи туҳфа ал-атфол" (муаллифи Аллома Муҳаммад ибн Алий Заббоъ), "Ат-туҳфа ал-анбарийя фий маърифа ал-аҳкам ал-Қуръонийя"(муаллифи Шайх Маҳмуд Рифоъа Анбар Тахтовий), "Тақриб ал-манол бишарҳи туҳфа ал-атфол" (муаллифи Аллома Ҳасан ибн Ҳасан Димашқия), "Тайсир ал-кабир ал-мутаъолий бишарҳи туҳфа ал-атфол" (муаллифи Шайх Алий ибн Муборак Озимий), "Фатҳу зи ал-жалол бишарҳи туҳфа ал-атфол" (муаллифи Шайх Ҳасан Варроқий) ва бошқалар.

Муаллиф ҳақида: Шайх Сулаймон ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Шалабий ал-Жамзурий (Афанди номи билан машҳур) ҳиж. 1160, мил. 1747-йилда Миср диёрининг Тонто шаҳридан 7 - 8 км. узоқликда жойлашган Жамзур номли қишлоғда таваллуд топган. Илмнинг дастлабки асосларини ўзининг қишлоғида таҳсил олган. Сўнгра "Аҳмадий" масжидидаги Аллома Нуриддин Миҳийнинг олдига илм талабида сафар қилган. У зотдан қироат ва тажвид илмларини мукаммал эгаллаган. Шу билан бирга Саййид Муҳаммад Мужоҳид Аҳмадийдан ҳам таълим олган . Турк тилида "жаноб" маъносини ифода қилувчи "афанди" лақабини айнан шу устози қўйган.

Сулаймон Жамзурий йиллар давомида кўплаб шогирдлар етиштириб чиқариш билан бирга қатор илмий асарлар ҳам ёзиб қолдирган. Жумладан, "Фатҳ ал-ақфол бишарҳ туҳфа ал-атфол (Туҳфатул-атфолнинг шарҳи билан қулфларнинг очилиши)", "Назм-у канз ал-маъоний битаҳрири ҳирз ал-амоний ("Ҳирз ал-амоний"нинг таҳририда "Канз ал-маъоний" назми)". Ушбу асар еттита мутавотир қироат ва тажвид илми борасида Шайх Шотибий томонидан ёзилган машҳур ва умумэътироф этилган "Ҳирз ал-амоний ва важҳ ат-таҳоний" асарини назмий шарҳи ҳисобланади. "Ал-фатҳ ар-раҳмоний шарҳ канз ал-маъоний битаҳрири ҳирз ал-амоний ("Канз ал-маъоний битаҳрири ҳирз ал-амоний"нинг "Ал-фатҳ ар-раҳмоний" номли шарҳи)". Бу асар юқоридаги асарнинг шарҳидир. "Манзума фий ривая ал-имам варш (Имом Варш ривояти борасида назмда битилган асар)". Ушбу асар етти мутавотир қироатнинг биринчиси бўлган Нофеъ ал-Маданийнинг ровийси Варшнинг ривоятига кўра қироатнинг қоидалари ҳақида ёзилган. "Жамиъ ал-

масароҳ фий шаваҳид аш-Шотибийя ва ад-Дурра". Бу шайх Шотибийнинг етти мутавотир қироат борасидаги "Ҳирз ал-амоний ва важҳ ат-таҳоний" асари ва Шайх Жазарий нинг учта мутавотир қироат борасидаги "Ад-дурра ал-музийя фил-қироат ас-салас ал-мутаммима лил-ьашр ал-мурзийя" асарларининг шарҳи. "Ад-дурр ал-манзум фий узр ал-маъмум (Маъмумнинг узри борасида назмий дур)". Бу асар фиқҳ илми борасида ёзилган. "Ат-тороз ал-марқум бишарҳ ад-дурр ал-манзум ("Дур ал-манзум"нинг намунали рақамланган шарҳи)". Ушбу асар юқоридаги фиқҳий асарнинг шарҳи. Жамзурийнинг бундан бошқа асарлари ҳам мавжуд.

У қироат ва тажвид илмида йирик уламолардан бўлишига қарамасдан, ёш болаларга дарс беришни яхши кўрган ва уларга алоҳида қироат дарс ҳалқаларини ташкил қилган.

Шайх Сулаймон Жамзурийнинг вафот этган санаси аниқ маълум эмас. Унинг ҳаётини чуқур ўрганган кўп уламолар ҳижрий 1209-йил, милодий 1795-йилда тирик бўлган, дейдилар. Чунки ушбу санада шайх етти қироат бўйича машҳур "Ал-фатҳ ар-раҳмоний шарҳ канз ал-маъоний битаҳрири ҳирз ал-амоний" номли асарини тамомига етказган . Шайх Айман Саид эса: "Имом Жамзурий ҳижрий 1213-йил, милодий 1799-йилда тирик бўлган" деган ва ушбу фикрни Жамзурийнинг "Жамиъ ал-масарро фий шаваҳид аш-Шотибийя ва ад-Дурра" асарига нисбат берган. Шунингдек, Шайх Илёс Бармовий "Имтоъ ал-фузало битарожим ал-қурро" китобида шу фикрни айтган . Бошқа баъзи тадқиқотчилар, хусусан Абул Вафо Наср ал-Ҳуриний "Ал-матолиъ ан-насрийя" асарининг 140-саҳифасида ҳижрий 1227-йил, милодий 1812-йилда Тонтодаги "Аҳмадий" масжидида Шайх Жамзурий раҳимаҳуллоҳнинг дарсларида ҳозир бўлганини айтган. Шунга асосланиб баъзилар ушбу санада Шайх Жамзурий ҳаёт бўлган дейишади . Демак, Шайх Сулаймон Жамзурийнинг вафот қилган санаси ҳақида аниқ хулоса қилиш имконсиздир.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мусулмон мамлакатларида тажвид илмида бошланғич асар сифатида талабаларга ёдлатиб ўргатилаётган, қироат ва тажвид илми мутахассислари томонидан умумэътироф этилган ушбу "Туҳфатул-атфол" асарининг ўзбек тилидаги шарҳини насрий ва назмий таржимаси билан бирга нашрга тайёрламоқдаман. Умид қиламанки, яқин кунларда бу шарҳ сиз азизларнинг қўлингизга етиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шайх Сулаймон Жамзурий. "Фатҳ ал-ақфол шарҳу туҳфа ал-атфол". - Ироқ: "Жомиъату бобил" нашриёти, 2010.
2. Аллома Алий Муҳаммад Зоббаь. "Минҳату зи ал-жалол фий шарҳи туҳфа ал-атфол". - Риёз: "Азво ас-салаф" нашриёти, 1997.
3. Мулла Алий Қорий. "Ал-минаҳ ал-фикрийя шарҳ ал-муқаддима ал-жазария". - Байрут: "Дор Ибн Касир" нашриёти, 2018.
4. Муҳаммад ибн Фалаҳ ал-Матирий. "Ал-иҳком фий зобт ал-муқаддима ал-жазарийя ва туҳфа ал-атфол". - Роқьий, Қувайт: "Қитоь ал-масажид" нашриёти, 2008.
5. Доктор Абдулкарим Ҳусайн Саъдий ва Доктор Fозий Саъдий. "Дироса ва таҳқиқ фатҳ ал-ақфол шарҳу туҳфа ал-атфол". - Ироқ: "Жомиъату бобил" нашриёти, 2010.
6. Шайх Сулаймон Жамзурий. "Ал-фатҳ ар-раҳмоний шарҳ канз ал-маъоний

битаҳрири ҳирз ал-амоний".- Байрут: "Дор Ибн Касир" нашриёти, 2018.
7. Аллома Алий Муҳаммад Зоббаь. "Минҳату зи ал-жалол фий шарҳи туҳфа ал-атфол". - Риёз.: "Азво ас-салаф" нашриёти, 1997.

"ОММАВИЙ МАДАНИЯТ"НИНГ КЕНГ ТАРҚАЛИШИ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Султанов Атабек-Қорақалоқ давлат университети магистранти,
Бекимбетова Гульнара- 23-санлы мектеп оқытыўшысы

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-353

Аннотация: Бу мақолада оммавий мажаниятнинг инсон онгига тасири ва унинг салбий оқибатлари, унинг олдини олиш бўйича таклифлар берилган

Калит сўзлар: маданият, маънавият, урф-одат, оммавий маданият, глобаллашув, вестернизация, тақлид қилиш.

Хозирги кунда оммавий ахборот воситаларида газета, журналларда "оммавий маданият" деган термин пайдо бўлди. Глобаллашув "оммавий маданият"ни ёймокда. У нафакат бизнинг республикамизда балки бутун дунё мамлакатлари ахолисининг тафаккурига, мусиқасига, дидига, кийинишига, меню, иморат қуриш, ўзаро муомала, оиласига, оилавий муносабатларига, хатто орзуларига ҳам чанг солмоқда.

Бернард Розенберг (АКШ): "Оммавий маданият"нинг асосий сабаби - замонавий техника. На миллий характер, на иктисодий, на сиёсий тизим бу масалада хал килувчи ахамиятга эга эмас" дейди (1965й.).

Маънавий ва ахлокий тубанлик, аҳлокий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм, миллий-маънавий қадриятларга беписандлик ва ўларни қупоришга каратилган ҳатарли ҳолатлар, ахлоқсизликни маданият деб билиш, асл маънавий қадриятларни менсимаслик, ёшларда миллий- маънавий қадриятларга беписандлик билан қараш ҳиссиётини уйғотиш каби маънавий тадидларнинг кўринишлари ёшларга ўзининг турли томонлардан салбий таъсирини кўрсатмокда.

Америкалик таниқли адиб Р. Бредбери айтганидек, "оммавий маданият" мактабидан ўтган авлод учун хаётнинг маъноси - автомобиль, телевизор, музлатгичга эга бўлиш.

Оммавий маданиятнинг ривожланиши, инсонларни жамиятдаги мухим сиёсий вокеа ходисалардан чалғитиб, компютер, телевизор ва бошка кўнгилочар томошаларга боғлаб куймокда. Айникса бугун миллий маънавиятимизга зид бўлган,"замонавий" ғарбий қадриятлар: эркин мухаббат, бир жинслилар никоҳининг қонунлаштирилиши, худбинлик, индувидуализм, маънавий қашшоқлик, фарзанд, ота-она, қариндошлик каби бир катор умуминсоний қадриятларга зид бўлган маънавий тахдидларнинг кириб келиши хавфи кучаймокда."Оммавий маданият" ниқоби остида асл максад миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар, миллий тил, маънавият бир сўз билан айтганда, миллийликни емиришга қаратилган ғоявий мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тахдидларни ўз ичига олган жараён шиддат билан ривожланмоқда.

Миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш, кийиниш маданиятига риоя қилиш, катталар ва кичиклар билан муносабатда Шаркона қадриятларга риоя қилиш масалаларига республикамиз таълим тизимидаги мавжуд ижтимоий- гуманитар фанларда хам алохида ўрин ажратилган бўлиб, бу масала кенг тарғиб қилинмоқда ва тушунтирилмокда. Миллатга тахдид, аввало, миллий маънавиятга тахдиддан бошланади. Миллий маънавиятга тахдидни бугунги кунда жамиятимизга хавф солаётган ғоявий мафкуравий хуружлар ниқоби остидаги "оммавий маданиятнинг" салбий таъсирини айтиб ўтиш кифоядир.

Миллатни сақлаб қолиш бугунги кунда, миллий ўзликни англаш жараёнидаги мухим омилдир.

ОАВ одамлар онги ва хиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ- атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. ОАВнинг бугунги кундаги ривожи ғоявий таъсир ўтказишнинг микёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "хозирги пайтда хаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вактнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва хордик чикарадиган макон вазифасини бажармокда". Бундай имкониятлар телевидениенинг аниқ мақсадларга қаратилган ғоявий тарғиботни амалга оширишнинг мухим бугинига айланишига олиб келди.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек, "...аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чукур ўрганилиши, анаъна ва урф одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи энг мухими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалишидир".

Хуллас, хар биримиз ёш авлоднинг мақсади Ўзбекистонни ривожланган давлатга айлантириш орқали юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш эканлигини хамда "оммавий маданият" аталмиш иллат ана шу мақсадига ғов бўлаётганини сингдираверишдан чарчамаслигимиз керак. Уларга "оммавий маданият" таклиф этаётган маданиятдан кўра ўзимизнинг миллий маънавиятимиз асосида шаклланган маданиятимиз яхши эканлигини ўргатишимиз, иккаласини солиштириб, оқибатлари нималарга олиб бориши мумкинлигини яккол хаётий мисоллар асосида тушунтириб беришимиз лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И. А. Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. - Т.: "Маънавият", 2008.
2. М. Куронов. Маънавий тахдидларга карши курашнинг илмий-услубий хамда гоявий-мафкуравий асослари./ "Маънавий тахдидларга карши курашнинг илмий-услубий хамда гоявий-мафкуравий асослари" мавзусидаги республика илмий-услубий конференцияси материаллари. - Т.: "Мухаррир", 2010. 10-13 б.б.

ТЕХНИКА ҲЕМ ИСКУССТВОНЫН ОЗ-АРА БАЙЛАНЫСЫ (ЕДЕБИЯТ МЫСАЛЫНДА)

Турсынмуратова Айша
Қорақалпақ Давлат Унивеситети
Тарийх факультети магистранти
+998(99)950-87-40

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-354

Аннотация: *Техникалық жаңалықлардың пүткил инсәниятқа: адамлардың руўхый дүньясына искусствоға сол қатары көркем әдебиятқа унамлы ҳәм унамсыз ақыбетлери ҳаққында.*

Гилт сөзлер: *Техника, искусство, көркем әдебият.*

Техника (грекше techne–өнер, жоқары уқыплылық) дегенде инсан тәрепинен жаратылған ислеп шығарыў қуралларының системасы, сондай-ақ, усыллар ҳәм әмеллер мийнет процессин әмелге асырыў шеберлиги ҳәм мәденияты түсиниледи [1]. Инсәнияттың көп әсирлик тәжирийбеси, тәбиятты үйрениў ҳәм өзгертиў усыллары ҳәм методлары мәденият тараўында ерисилген барлық жеңислер техникада жәмленген.

XX әсирдиң екинши ярымынан баслап техникалық процесс илимий техникалық революция түсиниклери кеңнен пайда бола баслады. Себеби техникалық жетискенликлнрдиң жүдә тығыз араласпаған өмир, илим, турмыс тараўы қалмаған есабы. Оларға техникалық жетискеншиликлер үлкен тәсир етпекте.

Искусствоның түрлерин бөлип көрсетиў, олардың өзгешеликлерин түсиндириў проблемасы адамзатты бурыннан қызықтырып киятырған мәселелердиң бири[2].

Инсанның басқа жанзатлардан үстин етип жаратылыўы оның дөретиўшилик мүмкиншилигине ийе болыўы.

Ҳәзирги раўажланыў тезлигинде илим-техниканың раўажланыўы нәтийжелери менен искусствоның өз-ара мүнәсибети мәселеси үлкен әҳимийетке ийе болмақта. Себеби, булар арасындағы байланыстың бир-бирине тәсиршеңлиги артып бармақта. Әдебият пенен көркем өнер ҳәмме ўақытта да халықтың руўхый-мәдений өмириниң ажыралмас бөлеги болып келген. Әдебият сөз искусствосының жазба формасын береди. Ол сөздиң жәрдеминде реал жанлы болмысты дөретеди. Бизлер әдебий шығармалар арқалы жазыўшы- шайырлар халықтың атынан сөйлеўши, солардың дәртине дәртлес болыўшы дөретиўши инсанлар екенин билемиз. Олар өзлериниң

дуньятанымы, билими арқалы қоршаған орталық, жәмийеттеги процесслер, адам өмиринде ушырасатуғын көплеген унамлы ҳәм унамсыз ҳәдийселерди көркем сөзлер арқалы терең мәнили образлар дуньясына-поэтикалық, прозалық, драмалық шығармаларға айналдырады.

Уллы жазыўшы Чолпанның *«Әдебият жасаса-миллет жасайды»* деген пикири тымсалында оны раўажландырыўды мәмлекет дәрежесине көтерип отыр [3]. Солай екен, әдебият инсәнияттың бүгинги турмысын, өтмиш тарийхын көркем сөзлер арқалы сүўретлеўши искусство тараўы есапланады.

Бүгинги информацияласқан жәмийетте радио ҳәм телефонлар, телевизорлар ҳәм компъютерлер, принтер ҳәм сканерлер, интернет халық аралық информация системасы ҳәм қәнийгелескен тармақлар тек ғана материаллық ислеп шығарыў тараўына емес, жәмийеттиң жәмийетлик-сиясый турмысына бәлки оның руўхый турмысына да барған сайын қурамалы тәсир көрсетип турған бир пайытта искусствоға да техниканың тәсири мәселеси жүдә әҳимийетли болып бармақта [4].

Техникалық жетискенликлердиң дөретиўшиликке, сондай-ақ, көркем әдебиятқа да тәсирин қәлеген шайыр-жазыўшының әдебий дөретпелериниң электрон нусқаларын, аудиокитапларын ҳеш қандай қыйыншылықларсыз табыў имкәниятының пайда болғанынан да көрсек болады. Тек ғана бүгинги күнде жасап дөретиўшилик етип атырған шайыр-жазыўшылардың шығармалары ғана емес бәлки, ертеде жасап өткен дүнъяға белгили талантлы шайыр - жазыўшылардың да дөретпелерин қолымызға алыў имкәниятын берди. Олар өзлериниң шығармалары арқалы пүткил инсәнийат әлемине: адамларды жақсылыққа баслаўшы идеяларды алға сүреди.

Рус шайыры Роберт Рождественский «Телефон қоңыраўы ҳаққында баллада»сында мынадай ўақыяны сүўретлейди [5]: Биймезгил ҳәмме уйқыда, шайырда. Оны бас ушындағы столда турған телефонның қәўетерли шыңғырлысы оятып жибереди. Трубканы алса қандай да бийтаныс адамның «Тез жәрдем»бе? асығыс ҳәм ҳаўлыққан даўысын еситеди. Оны уйқыдан оятқан биймезгил қоңыраўға иренжип «яқ» деп трубкасын орнына қояды ҳәм жатып қалады. Жаңа уйқыға кетип баратырғанда тағы телефон шыңғырлайды. Телефонды алса,сол жаңағы бурынғыдан да бетер ҳаўлыққан даўыс. Тағы да ашыўланып «яқ» дейди ҳәм жатып қалады. Безилдеген шыңғырлы тағы тәкрарланады. Алса-сол ҳүрейли даўыс. «Яқ» деп айтарын айтсада, шайырдың уйқысы ашылып кетеди, өзине келеди ҳәм өзи ушын аўыр ҳәм кеўилсиз ойға батады: Ҳаў мен өмиримше «адамлар, сизлердиң дәртиңиз мениң дәртим, сизлердиң қайғыңыз мениң де жан-өзегимди қыйнады», деп жазып жар салып жүрген жоқпа едим. Енди неге дәртлиниң дәртин тыңламадың…сол белгисиз адамнан…неге жәрдемге бармадың, ол бишара…басына…албырақлап. Сен болсаң ең болмаса жақсы сөзиңди де айталмадың деп өзин кейип тынышсызланады. Жазыўшы-шайыр ушын дөретиўшиликтен тыс оның инсаныйлық көринисин, пухаралық статусын белгилеўши бул олардың адамлар менен ҳәмнәпес жасаўында көринеди. Р.Рождественский өзиниң

балладасында лирик қаҳарман арқалы пўткил адамзатқа үлги боларлық кеўил кеширмелерин сүўретлейди, сондай-ақ адамлардың бир-бирине жәрдем бериўи, улыўмаинсаныйлық пазыйлетлерге садық болыў кереклиги ҳаққында жырлайды.

Пайдаланылған әдебиятлар дизими:

1. Саифназаров И., Қосимов Б., Мухторов А., Никитченко Г., Фаннинг фалсафий масалалари .Тошкент, «Фан ва технология» нашриёти,2007
2. Бердимуратова А.К., Эстетика. Нөкис, «Қарақалпақстан», 2011ж.
3. Әмиўдәрья 6/2012
4. Ёқубова М., Ижтимоий тараққиёт ва маданиятнинг ахборотлашуви. Тошкент , 2010
5. http://www.bards.ru/archives/part.php?id=54398

ИННОВАЦИОН ЮКСАЛИШ ДАВРИДА ОИЛА МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ

Муяссаров Бегали. ЎзМУ,
Ижтимоий фанлар факультети магистранти
+99890 9535325

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-355

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида оила ва шахс маънавиятини юксалтиришда инновацияларнинг тутган ўрни ва долзарб аҳамияти ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Маънавият, қадрият, инновация, шахс маънавияти, маънавий тарбия, маънавият қўрғони, инновацион ривожланиш, инновацион тараққиёт.

Маънавият кўп киррали кадриятдир. Маънавиятни ривожлантириш жамият ва ватанимиз тараққиётининг янги босқичида долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади. Шахс маънавиятини юксалтиришда инновацион технологияларнинг таъсирини оширишнинг тамойиллари, усуллари ва воситалари кўп. Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримоа ўзининг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида шундай таъкидлаган эди: "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳес шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир".[1]

Оила нафақат маънавият қўрғони, балки унинг посбони ҳамдир. Инсон илк маънавий оламни, унга хос барча жиҳатлар оила бағрида ўзлаштириб боради. Бола туғилгандан бошлаб унинг маънавий тарбияси она алласи ва меҳри, ота намунаси, кекса авлод вакилларининг панд-насиҳат ва ўгитлари орқали узлуксизлик асосида амалга оширилади. Маънавий тарбия оиладан бошланишини инобатга олиб, унга тааллуқли бой ва сермаҳсул миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни авайлаб-асраш, уларни миллий умуминсоний қадриятларимиз билан биргаликда инновациялар орқали уйғунлаштириш зарур. Ўз навбатида, қадриятлардан унумли фойдаланиш оила маънавиятининг шаклланишига, фарзандларнинг одоб-ахлоқли бўлиб ўсишига таъсир кўрсатади. Бу жараёнлар ота-онанинг болага таъсир доираси кучи айнан мактабгача ёш даврида юқори даражада бўлади. Тан олишимиз керакки, бугун тараққиёт талаблари оилада фақат баркамол шахснинг фақат ахлоқий фазилатларини шакллантиришнигина эмас, балки инновацион фикрлаш майдонлари юксалтиришни ҳам талаб этмоқда. Шу боисдан, оиладаги тарбиячидан инновацион фикрлайдиган, замонавий тараққиёт билан ҳамнафас бўлишлик талаб қилмоқда. Айниқса, оилада китобхонлик маданиятни, техник маданиятни мутазам ошириб бориш ҳаётий зарурат айланмоқда.

Бугунги оила шахс маънавиятини юксалтиришда инновацион фикрларнинг илк майдонига айланмоқда. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ўз фарзандининг замонавий фикрлайдиган, янгидан-янги кашфиётлар қилишга қодир, мард ва Ватанпарвар комил инсон қилиб тарбиялашдек ғоя муҳим масъулиятни юкламоқда. Фарзандларнинг келажакда қандай маънавият эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбиясига аввало боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис ҳар бир ота-она фарзанд олдида ўз оталик, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини маънан англаб етиши керак. Оилада ҳеч қачон маънавий-маърифий тарбия узвийлиги четга суриб қўйилмаслиги даркор. Айрим ҳолатларда болалар тарбиясида ота-она масъулияти пасайиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Маслан, интернет билан боғлиқ ҳолатларда. Ваҳоланки, бола, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ота-она берадиган тарбия жуда муҳим ўрин тутади. Халқимизда шундай ахлоқий қоидалар мавжудки, улар ўзбеклигимизни намоён қилиб, қадримизни бошқа халқлар олдида кўтариб туради ва миллий ўзлигига хослиги билан ажралиб туради.

Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, эътиқоди, инновацион кўникмалари оилада шаклланади. Шу маънода, оила - ҳақиқий маънавият ўчоғи ва қўрғони, инновацион тарбия омили ва муҳитидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев инновацияларнинг жамиятимиздаги аҳамияти ҳақида шундай деган эди: "Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларин тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади"[2]. Шу нуқтаи назардан, барча соҳаларда бўлгаи каби шахс маънавиятини оилада шакллантириш ва юксалтиришда янги инновация ва замонавий технологияларни қўллаш маънавиятни шаклланишидан тортиб, юксалишига қадар бўлган муаммоларни ҳал қилиш ва уларга ечим топиш объектив ва субъектив зарурият ҳисобланади. Инновация-инновация учун эмас, инновация инсон учун ва унинг бахтли ва фаровон ҳаётини таъминлаш учундир. Табиийки, инновацион ғояларни маънавияти ва маърифати юксак шахслар яратади ва улар яратган инновациялар доимо эзгуликка, тараққиётга ва юксалишга хизмат қилади. Бу эса, шахс маънавиятини юксалтиришда инновацион технологиялар самарадорлигини ошириш усуллари борасидаги масала ҳамиша долзарб эканлигини кўрсатади. Оила - жамиятнинг асосий бўғини экан, инновацион ривожланишнинг дастлабки кўникмалари ҳам оилада бўлиши керак. Оиладаги маънавий муҳитда инновацион ёндашувлар жамиятнинг инновацион тараққиётига туртки беради. Оила бағрида эртанги келажак эгаси бўлган - баркамол, комил шахслар тарбияланиб вояга етади. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида маънавий юксалиш жараёни оиладаги инновацион муҳитга боғлиқ. Зеро, оиладаги маънавий ривожланиш оила аъзоларининг инновацион фикрлаши, маънавий тарбияга инновацион ёндашувини тақозо этади. Негаки, таниқли педагог Д.Писарев таъбири билан айтганда: "Тарбияда ҳамма нарса тарбиячининг кимлигига боғлиқ".[3]

Она Ватанга, эл-юртга меҳр-муҳаббат, илму маърифатни севиш, мард ва жасур, аҳил ва иноқ, меҳнатсевар, сахий, бунёдкор, ҳалол, пок, ор-номусли ва адолатли бўлиш, ишонч, эътиқод, ҳамжиҳатлик каби соф инсоний туйғуларни оила шахсда нафақат шакллантирувчи, балки амалий жараёнга тадбиқ этиш майдони сифатида ҳам намоён бўлади. Оилада боланинг онгига ғўдаклигиданоқ ўзгалар ва жамият манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш устувор эканлигини унинг онгига сингдириб бориш муҳимдир. Оилавий тарбия махорати болада уни ўраб турган

дунёни фуқаро ва ватанпарвар сифатида кўриш ва англашга ўргатишда кўринади. Токи, бола ўз атрофида, ўз ёнида бўлаётган ҳодисаларга бефарқ қарамайдиган бўлсин, болалигиданоқ бошқаларнинг вашодлигига шерик бўлсин, кўнглидан ўтказсин. Шунда боладаги фуқаролик ҳисси ахлоқий қадрият сифатида унинг табиятига сингдириб кетади. Маълумки, ҳар бир миллатнинг ўз урф-одатлари, анъаналари, удумлари бор ва улар ўша миллат учун бебаҳо қадриятлар ҳисобланади. Бу мўътабар тушунчаларнинг пайдо бўлиши кишилик жамиятининг шаклланиш жараёнлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Демак, қадрият билан алоқадор бўлган мазкур миллий тушунчалар жуда қадим-қадимдан илдиз отиб, қалб қўримизга сингиб, миллий ахлоқ-одобимиз, тарбиямизда ўзга халқлар, миллатларга ўрнак бўлса, арзигулик одобнома бўлиб келган. Фарзандларнинг ота-онага ҳурмати Шарқда ҳамма вақт жуда юқори бўлган. Уларнинг ўзаро муносабатлари биз юқорида таъкидлаганимиз - миллий қадриятларимизнинг юксак намунасидир. Кексаларни ҳурмат қилиш, уларнинг маслаҳатларини, йўл-йўриқларини олиб иш тутиш, панд-насиҳатларига қулоқ солиш ва унга амал қилиш ўзбекларга хос одат бўлиб келган. Мухтассар қилиб айтганда, оила - инсон маънавиятининг бешигидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008. -Б. 52
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22декабрь. www.uza.uz
3. Қодиров А, Қуронов М. Бахтли бола маънавияти // Узлуксиз маънавий тарбия трилогияси IIқисм. Т., "Сано-стандарт", 2018. -Б. 111

КИМЁ

ДОНАДОР МАТЕРИАЛЛАРНИ КУРИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ

Охунбоев Адил Алимович.
Илмий рахбар
Хусанбоев Мухаматбобир Алишержон ўғли.
М6-19 гурух магистранти
Фарғона Политехника Институти
"Технологик машиналар ва жиҳозлар" кафедраси
Телифон:+998904077574.

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-356

Аннатация: Мақолада қуритиш жараёнига боғлиқ аппаратлар тахлили ўрганилган ва шу билан донадор материлларни куритиш аппаратларини танлаш, қолланилиши ўрганилиб конструктив йечим танланган, асосий иссиқ хово оқими аиратсия хосил қилиши ва шинекли курак юзасини оширишга эришилган.

Калит сўзлар: Қуритиш, шкафли, камерали, шахтали, барабанли, трубали, шнекли, цилиндрсимон, турбинали, каскадли, каруселли, конвейерли, пневматик, дифузия.

Саноатда турли типдаги куритиш аппаратлари ишлатилади. Нам материалга иссиклик бериш усулига кура аппаратлар конвектив, контактли ва бошка турдаги куриткичларга булинади. Буларда даврий ва узлуксиз ишлайдиган аппаратлар бўлади.

Куритиш жараёнининг хар хил вариантларидан кенг фойдаланилади: ишлатилган куритувчи агенти аппаратдан чикариб юбориш, куритувчи агентдан такрор фойдаланиш, куритувчи агентни куритиш камералари оралигида киздириш,

куритувчи агентни куритиш камераларига булиб бериш, куритувчи агентни куритиш камерасида кўшимча равишда киздириш, ўзгарувчан иссиклик майдонидан фойдаланиш (иссик ва совук хавони материал катламига кетма-кет алмаштириб бериш) ва хоказо.

Конструктив тузилишга кўра куритиш аппаратлари хар хил булади. Саноатда шкафли, камерали, коридорли (туннелли), шахтали, барабанли, трубали, шнекли, цилиндрсимон, турбинали, каскадли, каруселли, конвейерли, пневматик, сочиб берувчи ва шу каби куриткичлар ишлатилади. Конвектив куриткичлар ишлаб чикаришда кулланилинаётган хама куритиш аппаратларининг тахминан 80% ни ташкил этади. Кимё саноатида ишлатилинаётган конвектив куриткичларнинг 40% барабанли аппаратлар каторига киради. Бирок барабанли куритгичларда факат

сочилувчан материалларни сувсизлантириш яний қуритиш жараёни. Намликнинг буғланиш тезлиги нам материал ва атроф-мухит ўртасидаги иссиклик ва модда алмашиниш механизмига боғлик.

Ушбу адабиётлар тахлилидан донадор материалларни қуритиш усуллари ва аппаратларини асосий турларидан бири барабанли қуриткичлар бўлиб, уларда насадкаларни жойлашиши материалларни қуритишга хизмат қилибгина қолмай, саралаш, гранулалаш ва аиратсия мухит хосил қила олади. Барабанли қуриткичнинг самарадорлигини ошириш учун насадкаларини ўрнига шинекли насадка юзасини иссиқлик харакатланаётган йўналишга қаратиб насадкаларни юзасини ошириш керак. Натижада иссиқ хово агенти насадкалар қадамлари оралиғига тасир доираси ошиб боради. Донадор материалларга иссиқлик ютилиши ошади. Дифузия жараёни тезлашади, бу ўз навбатида қуритиш вақти қисқаришига олиб келади. Бу канструктив йечим енергия тежамкорлигига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Кимёвий технологияларнинг асосий жараёнлари ва қурилмалари. 2-жилд З.Салимов.
2. Ziyo.net интернет правайдири.

KAMQONLIKNI DAVOLASHDA FERROTSENNING DIXOSILALARI

Ibrohimjon Asqarov
Kimyo fanlari doktori, proffessor
Mirzoxid Bokiyev
Andijon davlat universiteti magistranti.
Telefon: +998(93)2563312
e-mail: bmirzokhid@gmail.com

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-357

Annotatsiya: Maqolada tarkibida temir saqlagan ferrotsen va uning xosilalarini xossalari, shuningdek tarkibida ferrotsen saqlovchi biologik faol moddalar to'grisida ma'lumotlar keltirilgan

Kalit so'zlar: ferrotsen, temir(II)xlorid, siklopendadiyenil, ferrotsenning xosilalari

Xozirgi vaqtda metallotsenlar asosida o'ziga xos xususiyatga ega bo'lgan qimmatbaho birikmalarning olinishiga asosiy omillardan biri ularning o'ziga xos fazoviy tuzilishga ega ekanligi bilan izoxlanadi.

Kili va Poson 1951-yilda siklopentadiyenning o'ziga xos birikmasi ko'pincha ferrotsen deb ataladigan disiklopentadiyeniltemir sintez qildi. Uni siklopentadiyenni magniyorganik birikmasi va temir(II) xloriddan (I), siklopentadiyenni qizdirilgan Fe bilan (II) hamda Na ishtirokida temir(II) xloriddan (III), yangi yorilgan siklopentadiyendan (IV) olish mumkin [1] .



Ferrotsen tarkibida temir (Fe) saqlovchi murakkab organik birikma bo'lib, u sendvichsimon tuzulishga ega metallorganik moddadir.

1952 yilda rentgenstruktura analizlar natijasida Germaniyada E.Fisher, Angliyada G.Uilkinson va AQSh da R.Vudvord xodimlari bilan ditsiklopentadieniltemirni "Ferrotsen"

deb atashni va, shuningdek, uning tuzilish formulasini taklif etdilar. Bu tuzilishga ko'ra Fe atomi ikkita simmetrik siklopentadienil (C5H5) xalqalari orasida joylashganligi ma'lum bo'ldi [2].

Ferrotsenni hatto ba'zi amin asoslari (dietilamin)dan ham deprotonatsiya orqali (V), temir pentakorbonildan (VI), shuningdek boshqa metallotsenlardan (VII) olish mumkin [3].



Bir qancha olimlar, jumladan, nemis olimi V.Shlyogl, amerikalik olim R.Vudvord, rossiyalik A. N. Nesmeyanov, N. S. Kochetkova shogirdlari bilan ferrotsen kimyosi rivojiga o'z xissalarini qo'shganlar. Bu olimlar tomonidan ferrotsenning xuddi aromatik uglevodorodlarga o'xshab almashinish, birikish kabi reaktsiyalarga oson kirisha olishi aniqlangan [2-4].

A.N.Nesmyanov tomonidan ferrotsenning arildiazoniy bilan reaksiyaga kirishish qobiliyati atroflicha o'rganilib, reaksiya natijasida turli-tuman tuzulishga ega bo'lgan ferrotsen birikmalari xosil bo'lishi mumkinligi ko'rsatib o'tilgan [5].

Lutle va boshqalar tomonidan ferrotsenning arillash reaksiyalarini sulfat kislota ishtirokida amalga oshirish taklif etildi [6].

Olib borilgan tadqiqotlar natijasida galoid, nitro va karboksil, alkil, atsetil, sianid guruh saqlovchi aril xosilalari sintez qilib, ajratib olindi va tuzulishi o'rganildi.

Ular tomonidan sof xolda ajratib olingan metallosen xosilalarini umumiy tarzda quyidagicha ifodalash mumkin:



R= OCl, OCH_3, OC_2H_5, o-$COOCH_3$, p^- $COOC_2H_5$, m^- $COOC_2H_5$, O—CH_2OH, m=COOH o=CH_3, p=CN

A.Kasaxara va boshqalar tomonidan ferrotsenning arillash reaksiyasi atroflicha o'rganilinib, quyidagi tuzulishdagi reaksiya amalga oshirildi. Natijada ferrotsenning dialmashgan arilaldegid tuzi va boshqa xosilalari sintez qilinib, ularning tuzulishini IQ, YaMR, va MASS spektrlari o'rganildi[7].



Ushbu reaksiyalar orqali metallosenlar vakili bo'lgan ferrotsen muhitga ko'ra o'z vodorodini boshqa funksional guruxlarga oson almashtirib aromatiklik xossalarini namoyon qiladi. Bunga misol tariqasida kamqonlikni davolashda keng qo'llaniladiga ferroquinni keltirishimiz mumkin:



Yuqorida aytib o'tilganlarga asoslanib shunday fikrga kelish mumkinki, ferrotsen asosida olingan yangi kimyoviy preparatlarning ko'plari yuqori biologik faollikni namoyon etadi. Ferrotsen hosilalari bunday ijobiy xossalarni namoyon etishining asosiy sababini uning tuzilish strukturasi tirik organizmlar hujayrasida eng faol birikma bo'lgan gemga yaqin kelishi bilan izoxlash mumkin.

Biokimyoga oid adabiyotlardan ma'lumki, barcha tirik organizmlarda boradigan moddalar almashinuvi jarayonida tarkibida gem saqlovchi fermentlar faol ishtirok etadi. Ayniqsa, sitoxrom sistemasi hujayrada kechadigan oksidlanish-qaytarilish jarayonlarining oxirgi bosqichida, ya'ni moddalar almashinuvining oxirgi maxsuloti - suv va karbonat angidrid gazi hosil bo'lishida asosiy fermentlardan biri hisoblanadi. Ya'ni ushbu sitoxrom sistemasisiz hujayra va to'qimalarda moddalar almashinuv jarayoni oxiriga etmaydi. Demak, ferrotsen asosida olingan preparatlar xujayrada boradigan moddalar almashinuv jarayonida qatnashadi va tirik organizmlarda ma'lum bir jarayonlarni boshqarishda ishtirok etishi mumkin .

Adabiyotlar

1. Kealy T.J, Pauson P.L - Nature , 1951, Vol. 168 , p.1039
2. Несмеянов А.Н., Перевалова Э.Г., Головня Р.В., Шиловцева Л.С. - Об алкилферроценах и фер-роцениламине - ДАН СССР, 97, 459-461 (1954)
3. Jump up to: a b Wilkinson, G. (1956). "Ferrocene". Organic Syntheses. 36: 31. doi:10.15227/orgsyn.036.0031.; Collective Volume, 4, p. 473
4. Несмеянов А.Н., Перевалова Э.Г., Головня Р.В., Шиловцева Л.С. - Об

алкилферроценах и фер-роцениламине - ДАН СССР , т. 102 № 3, 535- 538 (1955)

5. Nesmeyanov A.N. - "Substitutions in the ferrocenenuc - leus" Proc. Royal Soc. (London), 246, 495 (1955).

6. Little W. F., Lynn K. N., Williams R.- Novel Side Reaction Accompanying the Arylation of Ferrozene. An Example of Free Radical Sudstation. J. did., vol. 30055 (1963)

7. Asqarov I.R, Xojimatov M.M, Qirg'izov Sh.M, Otaxonov Q.Q.- "Metallosenlarning ayrim aromatik xosilalari sintezi" Ilmiy xabarnoma, (ADU) №2, 42,43-b (2014).

KIMYO FANINING TABIAT VA JAMIYATDAGI AHAMIYATI

Urinova Aziza Sadriddin qizi
NDPI Kimyo o'qitish metodikasi ta'lm yo'nalishi talabasi
Telefon: +998913348046
dilorom.karimova.68.@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-358

Annotatsiya: Ushbu tezisda kimyo fanining tabiatni o'rganishdagi ahamiyati, uning inson hayotidagi o'rni haqida ma'lumotlar berilgan. Sanoat tarmoqlariga kimyoning kirib borishi va yangi turdagi mahsulotlar olishning rivojlanishi to'g'risida fikrlar o'rin olgan.

Kalit so'zlar: Kimyo, insoniyat, sanoat, rivojlanish, kosmonavtika, yadro energetikasi, mikroelektronika, avtomatika, polimerlar, yarim o'tkazgichlar.

Yer yuzida odamzot qadim-qadimzamonlardan buyon yashaydi. Biroq bu uzoq tarixning faqat keyingi 200-yili mobaynida uning kundalik hayotida eng yirik o'zgarishlar yuz berdi. Insonning turmush tarzida va amaliy faoliyatidagi turli o'zgarishlar mashinalarnning takomillashtirilishi bilan uzviy bog'liq. Bu olamshumul o'zgarishlar "sanoat inqilobi" deb ataladi. Insoniyat paydo bo'libdiki, o'zi uchun tabiatdan nimadir undirishga harakat qilib keladi. Bu dastlabki davrlarda mexanik ta'sirlar doirasida bo'lgan bo'lsa, vaqt o'tishi bilan insoniyat ehniyojini bu usullar qanoatlantira olmadi, natijada kimyoviy ta'sir qilish ustida tadqiqotlar olib borila boshladi. Tabiatdan olinadigan tabiiy xomashyolarni qayta ishlash uchun birinchi navbatda, moddalar o'zgarishining umumiy qonuniyatlarini bilish kerak. Hech bir fan bu haqda kimyodek aniq bilim bera olmaydi. Shuning uchun ham, kimyo insonning ishlab chiqarish faoliyatida, uning turmush tarzini yaxshilashda, farovonligini oshirishda g'oyat muhim rol o'ynaydi. Hozirgi zamon fanlari va xususan, kimyo jamiyatning bevosita ishlab chiqaruvchi kuchiga aylanganligiga e'tiroz bildiradigan odam topilmasa kerak.

Insoniyat uchun kimyo tabiatdagi moddalardan imkoni boricha uning hayoti va amaliy faoliyati uchun kerak bo'ladigan barcha moddalarni jumladan, metallar, sement va beton, kulolchilik, chinni va shisha, kauchuk, plastmassa, sun'iy tola, farmasevtika ashyolarini olish uchun kerak. Kosmonavtika, yadro energetikasi, mikroelektronika, avtomatikada yangi texnikani rivojlantirish uchun, tabiatda yo'q turli moddalani: polimerlar, yarim o'tkazgichlar, o'ta toza va o'ta qattiq, olovbardosh, ferromagnitli va boshqa moddalarni olish kerak.

Hozirgi kunda kimyo sanoati xalq xo'jaligining eng yirik va rivojlangan qudratli sohalaridan biriga aylangan. Ammo bungacha uzoq va mashaqqatli yo'lni bosib o'tgan. Hozirgi hayotimizni kimyosiz tasavvur qilish qiyin, ishlab chiqarishning kimyo sanoati jarayonlari ishlatilishi bilan bog'liq bo'lmagan deyarli biror bir tarmog'i yo'q. Keyingi yillarda kimyo og'ir va yengil sanoatga, qurilish va transportga katta ta'sir ko'rsatmoqda. Kimyo sanoati xalq

xo'jaligining turli sohalariga yangi, arzon, yengil, bejirim, pishiq materiallar yetkazib bermoqda. Qator ishlab chiqarish jarayonlarida kimyoviy reaksiyalardan foydalanish mehnat unumdorligini oshirishga, mahsulot sifatini ko'tarishga, yangi materiallarni olishga imkon bermoqda. Kimyo sohasidagi yutuqlar nafaqat yangi moddalar sonini oshirishga, shuningdek ulardan foydalanish sohalarini ham beqiyos kengaytirmoqda. Masalan, dunyoda har yili 250 mingdan ortiq yangi kimyoviy birikmalar sintez qilinadi, ularning uch yuz turidan ko'prog'idan sanoatning turli sohalarida foydalaniladi.

Kimyo tabiiy fanlar qatorida o'zining alohida o'rniga ega ekanligini bugungi kunda hech kim inkor eta olmaydi. Chunki, turmushimizda ham kundalik yumushlarimizda ham kimyoga duch kelamiz, demak kimyo tabiat va jamiyat fanlarini o'rganishda alohida ahamiyatga ega. Biz turli moddalar va materiallarga juda yuqori talab qo'yayotgan ilmiy-texnika revolyutsiyasi davrida yashamoqdamiz. Eng agressiv kimyoviy muhitga chidamli va quyosh sirti haroratiga yaqin haroratlarda suyuqlanadigan moddalarni sintez qilish kerak. Po'latdan mustahkam va olmosdan qattiq, kauchukdan elastikroq materiallar zarur. Yuqori sifatli yarimo'tkazgichlar, maxsus magnit materiallar, alohida xossalarga ega bo'lgan polimerlar, qo'shimchasiz eng toza moddalar kerak. Ana shu talablarimizning hammasiga kimyosiz javob berib bo'lmaydi. Biror amaliyotda foydalanish uchun mo'ljallangan xossali turli xil moddalar va materiallar olish muammolari kimyo yordamida hal qilinadi. Boshqacha aytganda sivilizatsiyani kimyosiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Kimyo yediradi, ichiradi, boshdan-oyoq kiyintiradi, quradi, foydali qazilmalarni topib, qazib chiqaradi. Koinotga uchish va okean tubiga tushish imkoniyatlarini beradi, tabiat bilmagan modda va materiallarni yaratadi. Kimyo boshqa tabiiy fanlar bilan hamkorlikda dunyoning tuzilish sirlarini borgan sari chuqurroq o'rganishga yordam beradi. Kimyo insoniyatga tabiat sirlarini o'rganishda yordam berib, qo'l mehnatidan avtomatlashtirilgan jarayonlarga o'tishni taklif qiladi, amalga oshiradi. Kimyoning vazifalaridan biri sanoat korxonalarida jarayonlarni boshqarishda kibernetika (boshqarish haqidagi fan) ni to'laroq joriy qilishga erishishdan iborat. Oxir oqibatda kimyoning sanoat rivojlanishidagi inqilobi oddiy va arzon, hamma bemalol sotib oladigan mahsulotlarni ko'plab miqdorlarda ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish imkoniyatini vujudga keltirdi. Xalq xo'jaligini kimyolashtirishning mohiyatini va ahamiyatini akademik A.E.Fersman obrazli qilib shunday ta'riflagan edi: "Biz hozir ayrim tumanlarni sanoat nuqtai nazaridan o'zlashtirish, kelgusida mamlakatda industrlashni joriy qilish vazifasi sanoatning o'ziga yondashishning bir qancha keng texnik rekonstruksiyasi muammolariga borib taqaladi, deb hisoblaymiz va bu katta muammolar orasida eng asosiyslaridan biri kimyolashtirihs g'oyasidir. Bu odatda tasavvur qilinganidek, kimyo zavodi qurildimi, demak shu tuman kimyolashtirildi, ayrim kimyo zavodi korxonalari yo'lga qo'yildimi, demak, kimyolashtirish amalga oshirildi, degan gap emas. Bu shunday kimyolashtirishki, u butun xo'jalikka joriy etiladi, o'z g'oyalari va o'zining usullari bilan hamma korxonalarga kirib boradi, o'zining kimyoviy tafakkuri bilan sanoatning hamma sohalaridagi texnologik va sanoat jarayonlarini qamrab oladi, aql-idrokni kimyolashtiradi, kimyoviy nuqtai nazardan fikrlashga, har bir o'lkaning ishlab chiqarish kuchlarini yanada rivojlantirishni kimyoviy jihatdan gavdalantirishga majbur qiladi".

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Karimova D.A. "Kimyo tarixi". T. "Sano-standart" nashriyoti.2015.
2. www.pedagog.uz
3. www.chemistry.ru

"FARG'ONAAZOT" AJ ДА РЕКТИФИКАТЦИОН КАЛОННА АППАРАТИ ТАРЕЛКАЛАРИ МОДЕРНИЗАТЦИЯСИ.

Асқаров Х., Ассистент
Қаххоров И., М5-19 гурух магистранти
Фарғона политехника институти
Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси
Телифон:936317413
asqar.xasanboy7413@gmail.com

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-359

Аннататсия: Мақолада ректификацион калоннада сирка кислота фазасидан кераксиз кўшимчаларни иссиқлик алмашинишнинг экологик тоза ажратиш усуллари тадқиқ килинган. Буғ ёрдамида ажратувчи ректификацион калонанинг конструкцияси, ишлаш принципи берилган. Ректификацион калоннанинг узлуксиз иш режимида сирка кислотасини йўқотишларсиз ажратишга имкон берувчи тарелкалар конструкциялари ўрганилган.

Калит сўзлар: Ректификация, калонна,тарелка,иссиқлик алмашиниш, этилацетат, буғ, кантакт юза.

Хозирги вақтда дунё хамжамиятида техника ва технологияларни қайта янгилаш ва модернизация қилиш, Бу технологиялар инсониятнинг ақлий фаолияти меваси бўлиб, хар доим ҳам ривожланган мамлакатлар бундай янгиликлардан кенг кўламда фойдаланиб келган. Ректификацион колонна аппаратини тарелкалари 10Х17Н13М3Т. ХН65НВ маркали пўлат металлардан таёрланади ва тарелкалар 300 ёки 400 бурчак остида, айлана майдони 20,25 ёки 30 мм да жойлашади. Ректификацион коллонна аппаратининг ичида иссиқлик алмашинуви амалга ошириш ва буғ, этилацетат, тарелкалар кантак юзаси билан жараёнда фаол харакати сирка кислотаси фазасидан кераксиз қўшимчалар ва бошқа моддаларни ажратишга хизмат қилади.[1]

1-расм. Ректификацион калона тарелкала конструкцияларининг тузилиши.



2-расм. Тавсия этилаётган тарелка конструкциясининг тузилиши

Саноатда ишлатилган турлари (1-расмда) кўрсатилган. Биз янги тавсия этаётган тарелка, контакт юзалари ошганлиги ва мустахкамлиги ошибгина қолмай содда канструкциядан ташкил топганлиги билан фарқ қилади. Тарелкалар эски тарелкани белгиланган ўлчамлари, қиялик бурчагини ўзгартирмасдан топилган, тарелка 300 қияликда ўрнатилган 120х11,5мм ўлчамга эга. Белгиланган тарелкаларни канструктив кўринишини ўзгартириш юзасини оширишга, сирка кислотасини сифатини яхшилашга ва жараёнда гидравлик босимларда тарелкалар ёриқлар келиб чиқишидан сақлаб, температура хар бир қаватларда белгиланган хароратни таминлашга хизмат қилади. Тавсия этилаётган янги тарелка (2-расм) да кўрсатилган, эски тарелкадан янги тарелкани афзаллиги, тарелкаларни ишлаб чиқариш мураккаб технологик жараёнларни талаб этмайди ва мустахкам содда канструксияга эга. Назарий хисоблардан янги тарелка юзаси иссиқлик алмашинуви яхшиланиб, сирка кислатасини регенерация қилиш 19% ошишига эришилади. Бундай тарелка канструксиясини нафақат кимё саноатида қўллабгина қолмай, нефтни қайта ишлаш саноатида бирламчи нефтни қайта ишлаш жараёнлари ректификацион колонна аппаратларида хам қўлаш мумкин.

Тажриба қурилмасининг ишлаш принципи. Наъмуна учун танланган хом-ашё кубда 1 йиғилади ва иситкич 8 орқали буғланиш температурасигача қиздирилади. Хосил бўлган махсулот буғи потрубка орқали калона ичига киради. Калона ичида жойлашган тақсимлагич 5 ёрдамида аппаратнинг диаметриал юзаси бўйлаб тенг тарқалади. Аппарат ичига ўрнатилган тарелкалар 4 ва суғориш эффекти хосил бўлувчи юза 3 оралиғидан ўтганда аппаратнинг юқори қисмига ўрнатилган штусердан 7 сепилаётган ўхшаш модда билан массаалмашинув жараёнида бўлади. Масса алмашинув жараёнида иштирок этмаган буғ калона юқорисидан чиқиб дистилятловчи қурилмага 6 киради. У ерда қисман конденсатланади. Калона ичида массаалмашинув жараёнида иштирок этган махсулот кубга 2 йиғилади.



3-расм. Тажриба қурилмасининг схемаси

Тажрибаларни ўтказиш жараёнида калонанинг ишчи факторларидаги пар тезликларини ўлчаш мураккаблигини инобатга олиб танланган анемометрдаги шкала кўрсаткичлари компьютерга уланган ҳолда амалга оширилди. Калонага

берилаётган газ тезлиги турли параметрлар ва қуйидаги чегараларда олиб борилди. Пар тезлигини назорат қилиш учун колона ва кубни боғловчи потрубкага жумбрак ўрнатилди ва жумбрак 30,60,90 градусга очиқ холатидаги газ тезликлари тажриба йўли билан аниқланди. Бунинг учун парнинг колонага кириш ва чиқиш тезликлари тажрибавий аниқланди. 1-жадвалда олинган тажриба натижалари келтирилган.[2]

1-жадвал

Тарелка конструкцияларининг турлари	жумбрак градуси	ωкир	ωчиқ	ωйт
тўртбурчак тешик очилган тарелкада	300	2.4	1.1	1.3
	600	3.25	1.58	1.67
	900	6.25	2.16	4.09
думалоқ тешик очилган тарелкада	300	2.4	1.12	1.28
	600	3.25	1.29	1.96
	900	6.25	3.16	3.09
Тавсия этилаётган тарелкада	300	2.4	1.68	0.72
	600	3.25	2.16	1.09
	900	6.25	3.84	2.41

Тажриба йўли билан аниқланган газ тезлиги асосида калонанинг битта тарелкасидан оқиб ўтаётган парнинг гидравлик йўқотилиши аниқланди 4-расм.



4-расм.Калонага берилаётган пар тезлигига боғлиқ холда гидравлик босим йўқотилишининг ўзгариш гарфиги

Олинган натижалардан шу нарса маълум бўлдики биз томонимиздан лойихаланган тарелкадаги энг юқори гидравлик йўқотиш 340Па ни ташкил этди. Бу олинган натижа шу кунга қадар маълум бўлган шу турдаги конструкцияларга қараганда сезиларли даражада паст бўлганлигини билдиради.[2]

Фойданилган Адабиётлар.

1. Юсуфбеков Н.Р, Нурмухамедов Х.С ва бошқалар. "Кимё ва озиқ-овқат саноатларининг асосий жараёнлари ва қурилмаларни ҳисоблаш ва лойихалаш" - Тошкент, - ТошКТИ, 2000-231 бет.
2. Магистрлик диссертация Асқаров Х, Мухамадсодиқов К. "Farg'onaazot" АЖ да сирка кислотасини қайта тиклаш цехида ректификатсион колонна аппаратини тадқиқ қилиш. Фарғона, ФарПи, 2019 й

КИМЁ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИДАН МОДУЛ ПЛАТФОРМАСИНИ ЯРАТИШ ВА ДАРС ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ

Бердиев Суннат Ғойиббердиевич
Бухоро дават университети I босқич магистри
Телефон: +998914444133
Худойназарова Гулбахор Акиевна
Бухоро дават университети доценти
Телефон: +998902984994
nigina.savriyeva@bk.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-360

Аннотация: Мақолада кимё ўқитиш методикаси фанидан модул платформасини яратиш ва ундан дарс жараёнида қўллаш имкониятлари ҳавола этилган. Талабалар яратилган модул платформасидан фойдаланган ҳолда кимё ўқитиш методикаси фанидан билимларини янада мустаҳкамлашга ва мустақил ўзлаштиришга имкон яратилиши кўрсатилган.

Калит сўзлар: электрон дарслик, модул платформаси, модулли технология

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлганидек, таълим тизимида ҳам ислоҳотлар йўлга қўйилдики, бунда таълим-тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларини олиб кириш, таълимни компьютерлаштириш муаммоларини ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммога ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763 сон "Олий ва ўрта махсус таълим сохасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларни жорий этишнинг халқаро ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот - коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатдан янгилаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир"

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш талаба - ёшлармизнинг онги тафаккур ва дунёқарашини ўзгартириш, келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айлантиришда ўқитувчиларнинг ҳам ҳиссаси катта ҳисобланади.

Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида яна бир омилнинг мавжудлиги, яъни, узлуксиз таълим тизими ходимлари, педагог - ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг моҳиятидан хабардорликлари ҳамда уларни таълим жараёнида самарали қўллай олишлари, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувнинг қарор топиши муҳим

аҳамият касб этади. Булардан кўринадики, ҳозирги пайтда таълимга ахборот технологияларини жадал татбиқ этиш, таълим жараёнини компьютерлаштириш етакчи педагогик-услубий ғояга айланган. Навбатдаги асосий вазифа ахборот технологиялари ва компьютерлаштириш бўйича эришилган натижаларни умумлаштириш йўли билан яхлит педагогик-услубий назарияни асослашдан иборат. Бу борада барча фанлар бўйича ўтиладиган дарс жараёнида ахборот технология ва компютер хизматидан фойдаланиш, шу орқали талаба - ёшларга фаннинг сермазмун қирраларини очиб бериш ҳамда улар онгида кимё соҳасига тегишли бўлган маълумотларни тўлалигича, бутунлигича қабул қилиши, мустақил мушоҳида юритишига келажакда олган билимларини ҳаётга татбиқ қила оладиган мутахассислар тайёрлашга имкон яратиш фан ўқитувчиларнинг зиммасига улкан вазифаларни юклайди.

Кимё йўналиши 3 курс талабаларига Кимё ўқитиш методикаси фани ўтилади. Бу фаннинг ўқув режасида 30 соат маъруза, 22 соат амалий машғулот ва 20 соат лабортория машғулотларини ўтиш режалаштирилган бўлиб, бу фанни ўтишда давр талабига биноан электрон дарслик асосида модул системасида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, электрон дарслик таркибий тузилишини модулли тизим асосида қуриш мақсадга эришишни осонлаштиради. Ўқув материаллари алоҳида ажратилган модулларда берилади. Электрон дарсликнинг модулли тузилмаси анъанавий ўқитиш тизимида қўлланиладиган модулли технологияга, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг модулли тузилишига асосланади. Модуллар автоном кўринишдаги ўқув материали бўлиб, у мазмуний ва метамаълумотлар қисмларидан тузилган.

Қуйида кимё йўналиши 3 курс талабаларига Кимё ўқитиш методикаси фанидан модул яратилди ва талабаларнинг фойдаланишига топширилди.

Модулли дарсликни бошқарув тизимини ҳосил қилиш учун модуллар орасида ўзаро боғланишлар таъминланиши керак. Модулли тузилма асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ҳамда таълим жараёнида модулли ўқитиш технологиянинг қўлланилиши ўқитиш даражасини 30-60 %га, вақтини 20-40 % га камайтиришга ҳамда ўзлаштириш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Модулли тузилма асосида электрон дарслик яратиш талабаларнинг Кимё ўқитиш

методикаси фан бўйича олган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беришини таъминлайди.

Талабалар дарс жараёнида ўқитувчининг маърузаси орқали кимё ўқитиш методикаси бўйича назарий билимларни олгач, шу мавзуга доир яратилган электрон дарслик ёрдамида маърузани қайта ўқиши, ўз билимини синаш мақсадида маъруза охирида берилган тест саволларига жавоб бериши ҳам мумкин. Агар етарли натижага эриша олмаса, маъруза матнни яна бир маротаба ўқиши ва тест саволларига жавоб бериши билан фанни ўзлаштиради. Фанга доир электрон дарсликда амалий ва лаборатория машғулотларнинг ўтказилиш методикаси берилганлигидан фойдаланиб, ўз устида ишлаш имкониятига эга бўлишади. Шу билан бирга қизиқарли тажрибаларнинг бажарилиши бўйича ведиолар ҳам киритилган. Талабалар бу ведиоларни кўриб ўрганишлари ва дарс жараёнида бажариб кўришлари мумкин. Талабалар компютердан бажарадиган лаборатория машғулотини такрорий равишда кўриши ва амалий кўникмаларини ривожлантириши, шу билан бир қаторда лаборатория машғулотнинг бориш жараёни бўйича тўлиқ тассавурга эга бўлиш имкониятларини қўлга киритади, бу эса лаборатория ишини тушунган ҳолда амалга ошириб юқори натижаларга эришади.

Демак, яратилган модулли тузилма асосида электрон дарслик талабаларнинг олган билимларини янада мустаҳкамлашга, умумлаштиришга, кимё фанини ўқитиш услубиёти тўғрисида мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ҳамда назарий билимларни амалиётда қўллай олиш имкониятларига пухта замин тайёрлайди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

2. Sh.Miziyoyev. Oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimiga boshqaruvning tamoyillarini joriy etish chora - tadbirlari to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. Ma'rifat gazetasi, 2019 yil 13-iyul, №54

3. "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш", шунингдек, "Интернет"нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари. Халқ сўзи. 2001 йил, 24 май. № 101 (2663). 1-саҳифа.

4. 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ва унинг ижросини амалга ошириш уюасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги "2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури" тўғрисидаги Қарори. Халқ сўзи. 2002 йил, 1 июнь. № 116 (2944). 1-2-саҳифа

5. М.Арипов ва бошқалар, Ахборот технологиялари, Ўқув қўлланма, Тошкент: Ношир, 2009. 368 б.

6. Худойназарова Г.А., Назаров И.И. Лаборатория машғулотларини вертуал тасвир асосида ўтишда касбий компетентликни ривожлантириш. Ўрта махсус ва олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагог кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш. Республика илмий - амалий конференция материаллари. Бухоро - 2015. Б.260-261

КЕТОАЛЬДЕГИД АРОИЛГИДРАЗОНЛАРИ АСОСИДА NI(II) КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАРИ ТУЗИЛИШИНИ ИНФРАҚИЗИЛ СПЕКТРОСКОПИЯ УСУЛИДА ЎРГАНИШ

Нигина Қаҳрамоновна Савриева
БухДУ. 3-курс кимё гуруҳ талабаси
Мурод Амонович Турсунов
БухДУ. Кимё кафедраси доценти
Телефон: +998934711114
tursunovma@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-361

Аннотация: *бензоилсирка альдегид ароилгидразонларининг (H_2L^1-H_2L^3) спиртдаги эритмалари билан Ni(II) –ацетат сув-аммиакли эритмасининг ўзаро эквимоляр нисбатда таъсирлашувидан текис-квадрат тузилишли NiL·A (A=NH_3, Py) комплекс бирикмалар синтез қилинди. Уларнинг тузилиши ИҚ спектроскопия усулида тадқиқ қилинди.*

Калит сўз: *бензоилсирка альдегид, ароилгидразон, псевдоароматик.*

β-кетоальдегид ароилгидразонлари эритмада гидразон, енгидразин ва ҳалқали пиразолин таутомер ўтишлар кузатилади. Ni(II) билан тридентат органик лигандларнинг комплекс бирикмалари синтези, уларнинг металл ионлари таъсирида таутомер шаклларини аниқлаш орқали бирмунча қизиқарли маълумотлар олиш учун имкон беради[1].

Ni(II)-ацетатларнинг аммиакли сув эритмаси билан эквимоляр миқдордаги H_2L^1-H_2L^3 лигандларнинг спиртдаги эритмаларининг ўзаро таъсиридан NiL·A (A=NH_3, Py) (L-икки карра депротонланган лиганд қолдиғи) таркибли никель(II) комплекслари синтез қилинди. Элемент анализ натижалари, бирикманинг олинган ИҚ спектроскопияси параметрларига мувофиқ, ясси-квадратли полиэдр тузилишда ёзишимиз мумкин[2]:



R=C_6H_5, ($NiL^{1}\cdot NH_3$), A=Py ($NiL^{1}\cdot Py$), *n*-$CH_3C_6H_4$, ($NiL^{2}\cdot Py$), *o*-OHC_6H_5, ($NiL^{3}\cdot NH_3$).

Олинган Ni(II) комплекс бирикмаларининг реакция унуми ва элемент таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг реакция унуми ва элемент анализи натижалари

Бирик-малар	Унум, %	Брутто-формула	Топилган/Ҳисобланган, %			
			M	C	H	N
$NiL^1{\cdot}NH_3$	86	$NiC_{16}H_{15}N_3O_2$	17,13/17,27	56,42/56,51	4,23/4,45	12,75/12,36
$NiL^1{\cdot}Py$	82	$NiC_{21}H_{17}N_3O_2$	14,55/14,60	62,43/62,72	4,25/4,26	10,63/10,45
$NiL^2{\cdot}Py$	69	$NiC_{22}H_{19}N_3O_2$	14,01/14,10	63,28/63,49	4,43/4,60	10,47/10,12
$NiL^3{\cdot}NH_3$	82	$NiC_{17}H_{17}N_3O_4$	15,11/15,20	52,76/52,89	4,32/4,44	11,00/10,89

Таъкидлаш жоизки, аммиакли комплекс бирикмалар органик эритувчиларда яхши эрийди, лекин сувда эримайди. Никел(II) нинг аммиакли комплекси бирикмалардан $NiL^1{\cdot}NH_3$ ва $NiL^2{\cdot}NH_3$ минимал миқдордаги пиридинда эритилганда $NiL^1{\cdot}Py$ ва $NiL^2{\cdot}Py$ таркибли комплекс бирикмалар олинди[1-3].



1-расм. $NiL^1{\cdot}NH_3$ комплекс бирикманинг KBr таблеткасида пресслаб олинган ИҚ спектри.

Комплекс бирикмаларнинг олинган ИҚ спектрларида 3375-3380, 3320-3330, 3240-3250 ва 3150 $см^{-1}$ соҳада ютилиш чизиқлари кузатилиб, улар координацион боғ орқали боғланган аммиак молекуласининг антисимметрик валент тебранишларига тегишли[1-2]. Комплексларнинг ИҚ спектрларида эркин карбонил гуруҳга тегишли 1640 $см^{-1}$ дан юқори соҳада ютилиш чизиғи кузатилмайди. Барча комплекс бирикмаларнинг ИҚ спектрларида 1580-1585, 1530-1540, 1470-1480, 1420-1430, 1395-1400 $см^{-1}$ соҳаларда ўртача ва кучли интенсивликдаги бир қатор ютилиш чизиқлари кузатилиб, улар беш ва олти аъзоли металлоҳалқалар туташ системасининг валент ва деформацион тебранишларига мансуб бўлади. C–O боғнинг валент тебранишлари частотаси 15-25 $см^{-1}$ га камаяди, бир вақтнинг ўзида C=N боғнинг частотаси 5-10 $см^{-1}$ га ортди, у координацион боғланиш кислород атомлари орқали содир бўлишини тасдиқлайди [3]. $NiL^1{\cdot}Py$ ва $NiL^2{\cdot}Py$ комплексларнинг спектрида кутилганидек, бу соҳада ютилиш чизиқлари кузатилмайди, лекин $\nu_{(C=O)}$ га тегишли 1600 $см^{-1}$ да чизиқ пайдо бўлади(1-расм, 2-жадвал).

2-жадвал.

β-кетоальдегид ҳосилаларини Ni(II) иони билан ҳосил қилган комплексларининг ИҚ спектрларидаги асосий тебраниш частоталари (ν, $см^{-1}$)

Бирикмалар	NH_3	Py	C–H	C=N	C–N	N=C–O	N–N	M–O
$NiL^1 \cdot NH_3$	3347	–	2950	1568	1276	1486	1075	470
$NiL^1 \cdot Py$	–	1600	2945	1600	1275	1487	1074	473
$NiL^2 \cdot Py$	–	1635	2930	1600	1274	1484	1070	474
$NiL^3 \cdot NH_3$	3350	–	2940	1564	1274	1482	1069	476

ИҚ спектрларни ўрганиш натижалари олинган комплекс бирикмаларнинг ясси-квадрат тузилиши тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради [1-3].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Умаров Б.Б., Турсунов М.А., Минин В.В. Комплексы с производными кетоальдегидов и кетоэфиров.- Ташкент.- Нишон-ношир.- 2016.- 350 с.

2. Tursunov M.A., Avezov K.G. and Umarov B.B. Nickel(II) and Zinc(II) Complexes with Benzoylacetaldehyde Derivatives. Russian Journal of Coordination Chemistry. 2019, V. 45, N. 7, P. 484-488.

3. Турсунов М.А., Умаров Б.Б., Эргашов М.Я., Авезов К.Г. Синтез и кристаллическая структура комплекса никеля(II) с ароилгидразоном этиловогоэфира 5,5-диметил-2,4-диоксогексановой кислоты // ЖСХ.-2020.- Т.61.-№1.-С. 78-90.

СИНТЕЗ НЕКОТОРЫХ АМИДОВ ВЫСШИХ ЖИРНЫХ КИСЛОТ

С.С. Сафоев
Студент Бухарского государственного университета
Телефон: +998914411554
Г.К. Ширинов
Преподаватель Бухарского государственного университета
Телефон: +998914142248
ximiya@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-362

Аннотация: в статье исследован процесс взаимодействия пальмитиновой кислоты с карбамидом. Выявлено оптимальное условие синтеза. Установлена возможность получения амида пальмитиновой кислоты при взаимодействии ее расплава с карбамидом.

Ключевые слова: пальмитиновая кислота, мочевина, амид, синтез, ИК-спектроскопия.

Амиды можно рассматривать как продукты замещения группы OH в кислотах на группу NH_2. Непосредственно из аммиака (или аминов) и карбоновой кислоты амиды не получить по вполне понятной причине.

Известен способ получения амида пальмитиновой кислоты, который получают из метилового эфира жирной кислоты и аммиака в автоклаве под давлением 35-40 атм. при 150 °С в течение 14 ч. Однако этот синтез является сложным, проводится в основном, под давлением, при высоких температурах, в присутствии катализаторов и с использованием токсичного аммиака [1].

Также известен способ получения амидов жирных кислот путем взаимодействия соответствующей кислоты с мочевиной при 195-210 °С, отличающийся тем, что, с целью увеличения выхода, улучшения качества и интенсификации процесса, он проводится в формамиде в присутствии активированного угля [2].

В данной работе исследовалась реакция амидирования пальмитиновой кислоты, полученного из смеси дистиллированных жирных кислот хлопкового масла. В качестве амидирующего агента использовали мочевину. В двугорлую колбу помещали 12,75 г (0,05 моль) пальмитиновой кислоты и нагревали до 105-110 °С, после чего в расплав кислоты добавляли 6 г (0,1 моль) мочевины порциями. Каждую порцию добавляли после того, как растворяется предыдущая порция. Смесь выдерживали при 150 °С в течении 30 мин. После окончания выдержки реакционную массу охлаждали до 120 °С и выливали в 5%-ный раствор соды, для нейтрализации остаточной кислоты. Выпавший осадок фильтровали и промывали дистиллированной водой на фильтре с использованием водоструйного

насоса. Затем сырой продукт высушивали в сушильном шкафу до постоянной массы.

Синтез амидов жирных кислот можно представить следующей схемой



где R = $-C_{15}H_{31}$.

Амид пальмитиновой кислоты получен с выходом 95,3%

Для очистки продуктов реакции от примесей был использован метод перекристаллизации из растворителя. Экспериментально установлено, что наилучшие результаты достигаются при использовании метанола в качестве растворителя для перекристаллизации.

Установлено, что на основе жирных кислот растительного (хлопкового) масла возможно получение продуктов амидирования стеариновой, пальмитиновой и других кислот с применением мочевины.

Список использованной литературы

1. Лебедев, Н.Н. Химия и технология основного органического и нефтехимического синтеза / Н.Н. Лебедев. - Москва, Химия - 1988. - 592 с.

2. Способ получения амидов высших жирных кислот: авторское свидетельство. SU 1081159 A, МПК C 07 C 127/22; C 07 C 102/04; C 07 C 103/127/ О.В. Иванов, В.М. Дзиомко, Е.Г. Виталина, Т.С. Казакова, Е.С. Зайцева, А.Г. Петухов, Н.Г. Чернова; заявитель "Киришнефтеоргсинтез" - № 3475052/23-04; заявл. 28.07.1982; опубл. 23.03.1984.

ПОЛИАНИЛИН АСОСЛИ УГЛЕРОДЛИ НАНОМАТЕРИАЛЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ УСУЛДА СИНТЕЗЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА УЛАРНИ АВТОМОБИЛСОЗЛИКДА ҚЎЛЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Махбубахан Абдурайимовна Темирова
ТАЙЛҚЭИ "Табиий фанлар" кафедраси доценти,
физика-математика фанлари номзоди. Тел:97 268 63 29
E-mail:temirova63@inbox.ru
Қодиров Сардор Раҳимберган ўғли
Ўзбекистон миллий университети
2-курс магистранти .Тел:937574323

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-363

Аннотация: Мақолада иқтисодиётни шакллантиришда миллий инновация тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалда рўёбга чиқаришда полианилин асосли нанокомпозит материалларнинг электрокимёвий усулда синтезлаб углеродли наноматериаллар олиш ва уларни замонавий автомобилларга қўллаш тадқиқотлари режалаштирилган.

Калит сўзлар: технология, инновация, табиий ва синтетик полимерлар, микроэлектрон қурилма, полимерланиш, гибрид автомобиллар, нанокомпозит материаллар, leucoemeraldine base (LEB), emeraldine base (EB), pernigraniline base (PNB), углеродли наноматериал.

Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодиётни шакллантиришда "миллий инновация тизими" ни ишлаб чиқиш ва уни амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, бугунги кунда турли толалар мавжуд бўлиб, уларнинг асосини табиий ва синтетик полимерлар ташкил қилади. Толаларнинг ҳосил бўлиши мураккаб физик жараён бўлиб, уни амалга ошириш физиканинг термодинамика, гидродинамика, кинетика ва оптика бўлимларининг илмий тамойилларига асосланади.

Микроэлектрон қурилмаларнинг ҳозирги пайитда юқори босқичларда ривожланиши, ўз навбатида янги илмий муаммоларни илгари сурмоқда. Бу муаммоларнинг асосийларидан бири электрон техниканинг интеграцияси, яъни наноэлектроникани ривожлантирилиши ҳамдир [1].

Адабиёт ва интернет маълумотларини таҳлил қилиш натижасида электр ўтказувчи анъанавий полимерларга нисбатан полианилин, электрон ўтказувчанлиги бўйича юқори ўринларда туради. Аввалги пайитларда полимер материалларни фақат нормал шароитларда изолятор ёки занглашга қарши ишлатиб келинаётган бўлса, ҳозирги вақтда полимерга ташқи таъсир эттириб , ёруғлик, иссиқлик ва допантлаш йўли билан унинг таркибий тузилишини ўзгартириши мумкин. Мана шундай ташқи

таъсирлар ҳисобига полимер занжирида кучли электрон фонон ўзаро таъсир ўзгаришини кузатиш мумкин [2].

Кейинги йилларда катта қувватли гибрид автомобилларига бўлган қизиқиш ва эхтиёж кўпайиб бораётганлиги сабабли, автомобил электр жиҳозлари учун ишлатиладиган янги наноструктурали полимер асосли электр ўтказувчи материаллар технологияларини ишлаб чиқиш долизарб муоммолардан бирига айланди.

Келажакда Ўзбекистонда автомобил саноатининг ривожлантиришда полианилин асосли янги нанокомпозит материаллардан ҳар хил турдаги элементлар интерьераси, электрон асбоб ускуналар ва қурилмалар, хавфсизлик техникаси системалари, шиналар, автомобил двигатели модуллари тайёрлаш мумкин.

Автомобилларнинг конструкциясининг умумий оғирлигини камайтириш, газлардан чиқаётган углекислоталарни йўқотиш, корпис қисмлари ва деталларининг эскиришини камайтириш, двигателнинг ишлаш самарадорлигини ошириш, автомобилларнинг кузовларининг мустахкам- лиги ва электрон бортининг ишончлигини оширишда бундай полианилин асосли нанокомпозит материаллар самарали ҳисобланади.

Полианилин полимерланиш вақтида полимер "қайтарилиш" ("восстановление"), "оксидланиш" "окисление" даражасига қараб ҳар хил формаларга ажратилади.

leucoemeraldine base (LEB), emeraldine base (EB), pernigraniline base (PNB) ФОРМАЛАРИ булар бир-биридан оксидланиш даражалари билан фарқ қилади. Бу ҳар хил турдаги ҳамма полианилин формалари анилиннинг кимёвий ва электрокимёвий полимерланиш (полимеризация) вақтида олинади.

Бу ишда полианилин асосли нанокомпозит материалларни электрокимёвий усулда синтезлаб, қайта зарядланувчи полианилин асосли кимёвий ток манбалар технологияси яратилган [3]. Яхши сифатли нанокомпозит материал тайёрлаш учун полимернинг синтезлаш жараёни муҳим ахамиятга эга.

Ҳозирда полианилин асосли нанокомпозит материалларнинг кимёвий усулда синтезлаб углеродли наноматериаллар олиш ва уларни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар учун суперконденсаторлар тайёрлаш тадқиқотлари режалаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Андриевский А. А. Наноматериалы: концепция и современные проблемы // Российский химический журнал. 2002. Т. 46. № 5. С. 50-56.

2.Темирова М.А. Нанокомпозитли электр ўтказувчи полимерларнинг стабил электрофизик хоссаларини тадқиқ этиш // Физика ва физик таълимнинг замонавий муаммолари (ФФТЗМ-1): Тез. докл. Респ. конф., 11-12 декабр 2009. - Самарқанд, 2009. - С.57-58.

3. Закиров А.С., Мамадалимов А.Т. , Темирова М.А. Использование полианилинового электрода в химиических источниках тока // Узбекский физический журнал. - Ташкент, 2009. - № 2(11). - С. 157-158.

МАХАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР АСОСИДА КЎМИР БРИКЕТИ УЧУН БОҒЛОВЧИ

Халилов Санжар Усмонович
Тошкент Кимё технология институти магистри
Телефон: +998994057171
bobur3697171@gmail.com,
Юсупов Сухроб Қахрамон ўғли
ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти докторанти
Телефон:998974540990
suhrob090990@gmail.com

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-364

Анотация. Иқтисодиёт соҳалари ва аҳолини қаттиқ ёқилғи билан узлуксиз ва барқарор равишда таъминлаш мухим. Бу борада кўмир брикети катта аҳамиятга эга. Мақола шу борада юқори физик-кимёвий кўрсаткичларга эга бўлган кўмир брикетлари ишлаб чиқариш учун боғловчиларни олишнинг технологик жараёнларини ҳақида .

Калит сўзлар: меласс, боғловчи, брикетлаш, пресслаш, кўмир, кул

Биринчи марта махаллий маҳсулотлар чиқиндилари нитрон толаси ва меласс асосида кўмир брикети учун боғловчи олиш технологияси яратилди.

Органик-минерал қўшимчалар билан боғловчи модификатсиясига асосланган хусусиятларининг яхшиланган тўплами билан ёқилғи брикетларини ишлаб чиқаришнинг янги усули ишлаб чиқилди;

Маҳаллий хомашёлар чиқиндилари асосида олинган кўмир брикети ишлаб чиқариш саноати учун маҳсулотлари физик-кимёвий хоссалари ўрганилиб, улар асосида янги турдаги боғловчи олиш технологияси ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсия этилди. [1]

ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти "Кимёвий технология ва СФМ" лабораториясида маҳаллий хом ашё асосида янги боғловчи синтез қилинди ва Ўзбеккўмир АЖ нинг Ангрен кўмир конида БОМСШ-Б1

БОМСШ-Б2 маркали кўмирларда "Ангрен кўмир инвест", "Ангрен кўмир таьминот" "Наманган кумир етказувчи", "Хоразм кўмир етказувчи" унитар корхоналарининг ишлаб чиқариш муҳитида синовдан ўтказилди. Бизнинг янги модификатсиялаштирадиган боғловчимизнинг асосий таркиби гидролизланган нитрон толаси, Ангрен шакар чиқиндилари ва органик эритувчи хисобланади

№	Намликнинг масса улуши,%	Намликнинг масса улуши,%	Намликнинг масса улуши,%
1	Намликнинг масса улуши,%	ГОСТ 11014-2001	30,4
2	Кул миқдори,%	ГОСТ 11022-95	21,6
3	Юқори ёниш иссиқлиги, ккал / кг	ГОСТ 147-2013	6990

Кўмир саноатида кўмир брикети ишлаб чиқариш учун боғловчиларни олиш технологияси Шарғункўмир АЖ нинг 1ССКОМ маркали кўмирда "Шарғун брикет" МЧЖ да жорий қилиш учун синовдан ўтказилди. Натижада нитрон толаси ва меласс асосида янги композицияли боғловчини ишлаб чиқиш натижасида иқтисодий самардорлик 40% ошиш имконини берган; [2]

Кўмир брикетларини тайёрлаш учун Ангрен ва Шарғун кўмир кони қўнғир ва тошкўмирлари ишлатилди. Брикетларда боғловчи қўллаш натижасида мустахкамлиги, ёнувчанлиги талабларга тўлиқ жавоб берди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Yusupov S.K., Yusupov F.M., Eshmetov I.D. Синтез модифицированного связующего для получения угольных брикетов на основе местного сырья. European Applied Sciences. February 5, 2018, Theses of reports. pp.51-53 .

2. Юсупов С.К., Ешметов И.Д., Бектурдиев Г.М., Байматова Г.А. Модифицированный связующий для брикетирования угля// Universum: Химия и биология.Научный журнал.Выпуск: 12(66).Декабр 2019

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН

BUGUNGI KUNDAGI TASVIRIY SAN'AT, MUHANDISLIK GRAFIKASI VA DIZAYN FANLARIGA BO'LGAN E'TIBOR

ADU, San'atshunoslik fakulteti
TSMG yo'nalishi 2- bosqich
202-guruh talabasi
Abdulvorisova Hilola
ADU, San'atshunoslik fakulteti
TSMG kafedrasi mudiri
B.R.Haqberdiyev
+998901090970
bahtiyor.haqberdiyev@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-365

Anotatsiya: tezisda muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan tasviriy san'at, muhandislik grafikasi va dizayn fanlariga bo'lgan e'tiborini yanada ko'chayayotganligi munosabati bilan pedagoglarga integratsiya orqali o'qitish qisqa bo'lsada yoritilgan.

Kalit so'zlar: tasviriy va amaliy san'at, muhandislik grafikasi, dizayn,texnologiya, kompitent, modernizatsiya, integratsiya,

Mamlakatimiz taraqqiyoti yo'lida ta'lim olayotgan har bir talabani tasviriy san'atga moyilligini mavjud iqtidorlilik qobiliyatini boyitib, uni amaliy, nazariy, ilmiy jihatdan xalqaro standartlar talablariga javob berishi bugumgi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Bugungi kunda tasviriy san'at va muhandislik grafikasi va dizayn fanlarini chuqurroq hamda integrativ o'qitish masalasi yanada jadalroq tadqiq eta boshlandi. Bunga yaqindagina yurtboshimiz tomonidan O'zbekistonda 2020-2021 o'quv yilidan boshlab oliy ta'lim muassasalarida tasviriy va amaliy san'at hamda dizayn yo'nalishida ta'lim olayotgan talabalar uchun Kamoliddin Behzod nomidagi davlat stipendiyasi ta'sis etilganligi yaqqol misoldur.

Bu haqida 21-aprel kuni imzolangan "Tasviriy va amaliy san'at sohasi samaradorligini yanada oshirishga doir chora-tadbirlar to'g'risida"gi Prezident qarorida qayd etildi. Qarorga muvofiq, 2020-yil oktabr oyida buyuk musavvir va naqqosh Kamoliddin Behzod tavalludining 565-yilligi keng nishonlanadi. Kamoliddin Behzod xotirasini abadiylashtirish maqsadida Toshkent shahrining ko'chalaridan biriga uning nomi beriladi. Shuningdek, "Kamoliddin Behzod izdoshlari" miniatyura va xalq amaliy san'ati asarlari ijodiy tanlovi tashkil etiladi va har yili an'anaviy tarzda o'tkazib boriladi. Ma'lumki, oliy ta'lim

muassasalaridagi o'quv-tarbiya jarayonini, xususan, tasviriy san'at o'quv jarayonini modernizatsiyalash, rassom-pedagog bo'ladigan mutaxassislar tayyorlash tizimi sifat darajasini oshirishda o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish, ularni sohaga oid zamonaviy kasbiy bilim, malaka va ko'nikmalar bilan qurollantirish, ilmiy-texnik innovatsiyalardan mustaqil ravishda, ijodiy foydalanish hamda istiqbolli vazifalarni hal qila olish ko'nikmalarini rivojlantirish muhim vazifalardan sanaladi.

Bunda badiiy ta'lim bosqichlarining o'zaro mazmunan bog'liqligi, uzviyligi va uzluksizligini ta'minlash; oliy ta'limda tasviriy san'at o'quv jarayonini tashkil etishning ilg'or pedagogik texnologiyalarini joriy qilish, bu borada o'quv uslubiy majmualar sifatini ta'minlash, pedagogik texnologiyalarni joriy etishda professor-o'qituvchilarning kompyuter va internetdan foydalanish bo'yicha savodxonligini doimiy oshirib borish;

- oliy ta'limning axborot resurs va zamonaviy o'quv adabiyotlari bilan ta'minotini yanada rivojlantirish;
- tasviriy san'at va muhandislik grafikasi yo'nalishlarida ilg'or xorijiy tajribalarni o'rganish oliy ta'lim muassasalarida rassom-pedagoglarining faoliyat yo'nalishlari tarkibini belgilaydi.

Yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki oliy ta'lim tizimini xususan, tasviriy san'at ta'lim tizimini modernizatsiyalash o'quv jarayoniga nisbatan innovatsion yondashuvni talab etadi. Shunday ekan, tasviriy san'at ta'limga innovatsion yondashuv g'oyasi ta'lim mazmuni va natijalarining shaxsga yo'nalganligi, ta'lim mazmuni, shakl, metod va vositalarini fan va texnikaning so'nggi yutuqlari, ilg'or tajribalar, zamonaviy metodikalar bilan uyg'unlashtirishga qaratilganligi bilan an'anaviy yondashuvdan farq qiladi. Ta'lim tizimiga kiritilayotgan har qanday innovatsiya axborot va metodik ta'minotning mavjudligini ko'zda tutadi.

Shu sababli, tasviriy san'at o'quv jarayoniga innovatsiya kiritishda ilg'or pedagogik tajribalarni o'rganish, tahlil qilish va umumlashtirish hamda amaliyotga tatbiq etish, zamonaviy pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalanish orqali o'quv jarayonlari mazmuni va metodlarini takomillashtirish muhim yo'nalishlardan sanaladi. Bu esa o'z navbatida tasviriy san'at o'quv mashg'ulotlarini tashkil etishning samarali shakllari sifatida ma'ruza (muammoli ma'ruza, ma'ruza-seminar, virtualtexnologik ma'ruza, vizual ma'ruza, binar ma'ruza, kirish ma'ruzasi, ma'ruza-konferentsiya, axborotli ma'ruza, ma'ruza bahs-munozara, sharhlovchi ma'ruza, on-line ma'ruza) trening, videotrening, vebinarlar, internet konferentsiyalar, innovatsion o'qitish metodlari sifatida esa muammoli metodlar, interfaol metodlar, amaliy o'yinlar, o'quv loyihalari, portfoliolar, grafik organayzerlar, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish zaruratini yuzaga chiqaradi. Oliy ta'lim muassasalaridagi tasviriy san'at o'quv jarayoniga, xususan pedagog kadrlar o'z sohasi bo'yicha,balki zamonaviy faoliyatninig faol tashkilotchisi bo'lib, o'quvchi bu faoliyatning sub'ekti sifatida namoyon bo'ladi.

Interfaol o'qitish bu bilish faoliyatini rivojlantirishning maxsus tashkiliy shakli bo'lib, interfaol o'qitish jarayonida ta'lim oluvchi o'qitishning ob'ektidan o'zaro hamkorlikning sub'ektiga aylanishi, o'quv jarayonida faol ishtirok etishi bilan tavsiflanadi. O'qitishning interfaol metodlari hayotiy vaziyatlarni modellashtirish, rolli o'yinlardan foydalanish, axborot texnologiyalaridan ham ma'lum bilimlarni chuqur egallashniva ularni yoshlarga , ayniqsa,o'quvchi hamda talaba hamkorlikda yechishda ko'rib chiqiladi.Interfaol o'qitish talabalardan axborotlarni o'zlashtirish jarayonida faollik, ijodkorlik, mustaqillikni shakllantiribgina qolmay, ta'lim maqsadlarining to'laqonli amalga oshishiga yordam beradi.

Shu bois umumta'lim maktab va OTM larida faoliyat ko'rsatayotgan har bir professor-

o'qituvchilar zimmasiga zamonaviy grafik dasturlardan foydalanib, o'quvchi va talabalarni kompyuterda bajarishni o'rgatishni yuklaydi. Muhandislik grafikasi va dizayn fanlari mavzularini Oliy ta'lim muasasalarida o'qitilishi o'rganiladiva ilmiy jihatdan tahlil qilinadi, uning o'qitish metodikasini takomillashtirish zarur. Buning uchun muhandislik grafikasi va dizayn fanlari o'qitish nariyasining barcha tamoyillari mohiyatidan kelib chiqib, mazkur fanlarni o'qitish samadorligini oshirishda integratsiyalab o'qitishg qaratilish zarurdir. Pedagogik faoliyatda muhandislik grafikasi va dizayn fanlarining integratsiyalab o'qitishdan foydalanishga asoslangan ta'lim mazmuni va uni o'qitish metodiksi yaratilishiga, darslarda bu ikki fannii uzviy bog'lab o'qitishdan unumli foydalanmoq kerak. Oliy ta'lm muassasalarida muhandialik grafikasi va dizayn fanlarini integratsiyalab o'qitish samarali kechadi. dizayn fani ishtirokida yangi ixtiro qilinayotgan buyumlar inshootlar ma'lum g'oya asosida muhandis yoki kompozitsiyasi orqali qog'ozga eskiz, chizma sifatida ko'chadi. So'ngra ushbu eskizlar orqali ish chizmalari bajariladi. Yaratilgan chizmalar asosida dizaynerlar tomonidan ajoyib buyumlar ishlab chiqariladi.bundan ko'rinib turibdiki,bu ikki fanni integrativ o'qitilishi natijasida ta'lim jarayonlarini yaratishda ulkan imkoniyatlar yaratildi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. B.R.Haqberdiyev, D.Turdiyeva "Integratsiyalangan fanlar (muhandilik grafikasi va dizayn fanlari) misolida"
2. E.Nurmatov,G.Nishanova "AutoCAD grafik dasturi yordamidachizma geometriya masalalari ishlash qulayligi"
3. D.A.Erkinova "Archi CAD" garfik dasturi orqali arxitekturaviy muhitlar dizayniga yangicha yondashuv
4. Sh.S.Reyimbayev "Chizma geometriya va muhandislik grafikasi" fanlarini o'qitishda axborot komunikatsion texnologiyalaridan foydalanish
5. Z.H.Mansurov "Archi CAD grafik dasturi vositasida grafik ta'limining samaradorligini oshirish"

"XX АСР БУХОРО КАНДАКОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС БАДИИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ"

З.Мухсинова, К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси 1 босқич магистранти
(97)-705-19-05
zmuxsinova@gmail.com

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-366

Аннотатция: Бу мақолада ўзбек амалий санъатининг етакчи турларидан бири бўлган - кандакорликнинг бухоро мактаби тарихий ривожланиш динамикаси ҳақида сўз юритилган. Локал мактабнинг тарихий ҳудудлар аро синтези натижасидаги инновацион ғояларга, бадиий ва технологик хусусиятларга танқидий-таҳлилий баҳо берилган. Мақола музей тўпламларидаги экспонатларнинг аниқ таҳлилини, етакчи санъатшунос олимларнинг тадқиқотларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, соҳада ўзидан олдинги изланишлардан фарқ қилади.

Калит сўзлар: Амалий санъат, кандакорлик, Бухоро мактаби, локал, ислими бир гажжак, ислими муҳжа, ислими моки, чашми булбул

Ўзбекистон ҳудудида шаҳар маданиятига мансуб, халқ амалий санъатининг анъанавий тури сифатида кандакорлик ва унинг марказлари XVIII - XX аср бошида ўзбек хонликлари даврида шаклланади. Бу давр буюмларининг таснифи муқобил мутаносиблик, пластик ва ифодавийлик, қатор семантик маънога эга орнамент ва нақшлар, қолаверса ашёларнинг ўзига хос шаклларида акс этади. Кандакорлик буюмлари шаҳар ҳунармандчилик маданиятининг бир бўлаги сифатида шаклланган.

Бухоро шаҳри - Бухоро вилоятининг марказий шаҳри бўлиб, Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарлар туркумига мансуб бу шаҳар, асрлар давомида ҳудудда ташкил этилган давлатларнинг пойтахти сифатида хизмат қилган. Натижада мамлакатнинг хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётининг марказлашган ўчоғига айланган. Шаҳарнинг тутган ўрни, тарихий ривожланиш босқичлари давомида диом ўзига эътиборни жалб этгани боис, Марказий Осиёнинг бошқа қадимий шаҳарларига қараганда манбаларда кенгроқ ва даставвал ёритилган. XV асрдан бошлаб, Бухоро шаҳрини мунтазам равишда европаликлар Дженкинсон, Филипп Ефремов, Даниялбай, Мейндорф, Борнс, Вамбери ҳамда рус шарқшуноси Н.Ханыков ташриф буюриб, шаҳар ҳақида беқиёс маълумотлар қолдирган.[1] Ҳунармандлар шаҳар аҳолисининг 25% ташкил этган бўлиб, ҳунармандчилик тури бўйича оилалар ва маҳаллаларга бирикиб, шаҳарнинг алоҳида қисмларига жойлаштирилган. Шундай 23 маҳалла ва уларнинг касби билан узвий боғлиқ

номлари ҳужжатларда қайд этилган. Масалан Мехчагарон, Сузангарон, Косагарон, Собунгарон ва ҳкз. XIX - XX асрда фабрика-завод ишлаб чиқариш саноати билан ҳунармандчилик рақобатга киришган бир пайтда ҳам Бухоро шаҳрида жами ҳунармандчиликнинг 99 тури рўйҳатга олинган. Маълумотларга қараганда XX аср бошида шаҳарда 400 заргар, 600 нафар мисгар мавжуд бўлиб шундан 50 нафари юксак бадиий асар ярата олган.[2] Яна бир манбада ўша даврда 100 га яқин уста, 400 мисгар ва 1000 дан ошиқ шу ҳунар билан шуғулланувчилар бўлган.[3] Металлсозлар шаҳарнинг 57 маҳалласида қайд этилган бўлиб, металлга ишлов бериш тури бўйича оилаларга бирикиб маҳаллаларда истиқомат қилган. XIX - XX асрда Бухорода асосан 2 навли мис ишлатилган бу қизғиш мис ва сариқ мис (биринжи). Хомашё Самарқанд орқали Россиянинг "Вагау" фирмаси томонидан етказиб берилган. Мис пластиналар майдаланиб листларга ажратилган, сўнг махсус сангдонлар (анвил)да болғаланган. Сангдонлар буюм қисмларининг турига қараб хилма-хил бўлган. Тайёр қисмларни улаш яъни пайвандлаш - "кафшер" ишқорли эритма ва мис қирриндилари қиздирилиб, лаҳим ҳосил қилган ва унинг ёрдамида пайвандлаш амалга оширилган. Буюмларга ранг беришда "шўроба кардан" ҳамда "сафед мекардан" техник усулдан фойдаланилган. XIX аср кандакорлигининг техник услуби тубдан ислоҳ қилинди. Мис ва жезга ишлов беришда чуқур ўйма - кандакори, чизма, бундан ташқари, панжара шаклидаги - шабақа, кам ҳолларда тошлар билан безаш - инкрустация ва скань - симдан фойдаланилган. Кандакорликда асосий қуроллар болга ва қалам ҳисобланиб, қаламларнинг вазифаси ва кўриниши турлича. Булардан: "нақшқалам", "кўзўярқалам", "ерўярқалам", "гулсумқалам", "тозаловқалам", "пармақалам" ва "чекувқалам".[4]

Бухоро кандакорлигининг бадиий хусусиятларини музей тўпламларида келтирилган буюмларда кўриб, таҳлил қилишимиз мумкин. Бунда бизга санъантшунослик фанлари доктори, ЎзФА Академиги А.Хакимовнинг "Ўзбекистон давлат санъат музейи хазинасидан" китоб- каталогида келтирилган буюмлар ва уларнинг маълумотлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.[5] Бухоро мактаби анъаналарига кўра патнисларда умумий 6 композиция асосида нақшлар қурилади. Марказий қисмда жойлаштириладиган нақшлар давра нақшлар деб юритилса, ён томонда якунловчи орнаментал тасмалар атроф нақшлар деб аталган. Мактабнинг локал хусусияти шундаки давра ва атроф нақшлар йирик вазмин бўлган бўлиб, содда лекин юқори дид билан ишлатилган.

Адабиётлар рўйхати

1. Сухарева О.А " К истории городов Бухарского ханства" - Ташкент. "Издательство академии наук Узбекской ССР", 1958 г.

2. Абдуллаев Т. "Песнь в металле" - Ташкент. "Издательство Гафур Гулям",1986 г.

3. Сухарева О.А "Бухара XIX - начало XX вв" - Москва. "Наука", 1966 г.

4. Абдуллаев Т. "Медно-чеканные изделия Узбеков XIX - XX вв" - Ташкент.Автореферат.1970 г.

5. Ҳакимов А.А. В.Файзиева - "Ўзбекистон давлат санъат музейи ноёб хазинасидан" - Тошкент: "Baktria press", 2014

ЛАНДШАФТНЫЙ ДИЗАЙН ПРИЛЕГАЮЩИХ ТЕРРИТОРИЙ ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ СООРУЖЕНИЙ

Магистрант М.М.ИКРОМОВА, т.ф.н., доц. С.Х. МАҲКАМОВ
Ташкентский Архитектурно-строительный институт
Телефон:+998(97)4094904
E-mail:sofiya-281291@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-367

Аннотация: Статья содержит информацию о текущем состоянии гидротехнических сооружений на территории Узбекистана. Изучив текущее состояние ГЭС в зарубежных странах и на территории нашей страны, было предложена разработать ландшафт окрестностей гидротехнических сооружений на территории нашей страны.

Ключевые слова: гидротехника, гидротехнические сооружения, дизайн, ландшафт, экология.

Гидротехника (гидро и техника) - водные ресурсы (речные, озерные, морские, океанические, подземные и атмосферные воды) используемые для целей обеспечения нужд народного хозяйства и борьбы с новоднениями, а также проектирования и строительства гидротехнических сооружений.

Гидротехника изучает методы защиты от гидротехнические сооружения, разрушения, абсорбирующего воздействия воды, их влияние на гидротехнические сооружения; разрабатывает методы регулирования стока рек; разрабатывает теорию устойчивости гидротехнических сооружений, проводит теоретические исследования области гидротехники позволяющие в лабораториях условиях испытывать их и создавать методы контроля за их работой. Гидротехника занимается использованием водной энергии, устройством водного транспорта а так же защита территорий, предприятий, сооружений и других земель от паводка.

На сегодняшний день Узбекистан входит в число стран с крупными каналами и гидротехническими сооружениями. Многие сооружения, построенные до 50-х годов, отвечали требованиям ирригации, эренгетики, игнорируя требованиям экологии и архитектуры. На сегодняшний день существуют большие и малые ГЭС такие как Ташкентская (Бозсувская (рис.1), Актепинская, Шайхантахурская ГЭС); Кадирия (Кадирия, Кибрай, Салар, Аккавак-2); Чирчик (Таваксой, Аккавак); нижне Бозсуйкая (ГЭС-14, ГЭС-18, ГЭС-19, ГЭС-22, ГЭС-23); средний Чирчик (Чарвак (рис.3)), Хаджикент, Газалкент (рис.2); Шахрихон (ГЭС-5А, ГЭС-6А, ГЭС-ЮФК-1, ГЭС-4А ЮФКА-3); так же Самарканд (ГЭС-1Б, ГЭС-2Б, ГЭС-3Б, ГЭС-5Б).

1-рис. Бозсувская ГЭС

2-рис. Газалкент ГЭС

3-рис. Чарвак ГЭС

А из гидротехнических сооружений зарубежных стран можно увидеть крупнейшую в России Саяно-Шушенскую ГЭС (рис.4). Она занимает 9-е место среди существующих ГЭС в мире. Она расположена на реке Енисей, на границе Красноярского края и Хакасии, недалеко от села Черемушки под Саяногорском. Саяно-Шушенская ГЭС характеризуется своей долговечностью, приоритетностью, длительной стойкостью, внешней долговечностью, а также тем, что ее экологическое ландшафтно-дизайнерское решение эстетически оформлено в гармонии с комфортом человека и экологическим дизайном.

.

4-рис.. Саяно-Шушенская ГЭС

Силодуйская ГЭС (рис.5) является одним из крупнейших гидротехнических сооружений в Китае. Она расположена на территории реки Янцзы, его мощность равна -13860 МВт. Гидротехническое сооружение Силоду - одна из крупнейших ГЭС на планете. Расположение гидротехнического сооружения в зоне ландшафтного решения, а так же и решение ландшафтного дизайн аспроектированно в гармонии с экологическим дизайном.

5-рис. Силоду ГЭС

Итапу (рис.6) гидротехническое сооружение расположено в Парагвае, Бразилия. Эта ГЭС расположена на территории реки Парана, ее мощность равна -14000 МВт. Когда мы смотрим на эти изображения Итапу ГЭС, мы можем видеть, что его ландшафтное решение сделано в гармонии с окружающей средой, в которой она расположена. Ландшафтные решения побуждают человека отправиться в ту же самое место и увидеть ландшафт этой области. Это также проложит путь для развития туризма. Гидротехнический объект проектируемый, помимо производства электроэнергии, может служиб как культурно-досуговый объект для жителей одной и той же территории.

6-рис. Итапу ГЭС

Гидротехническое сооружение Гранд-коли (рис.6) расположено в американском городе Колумбия. Эта ГЭС расположена на территории реки Парана, мощность которой равна-6809 МВт. Гидротехническое сооружение Гранд-Коули также спроектировано в гармонии с экологическим дизайном для ландшафтного решения зоны.



7-рис. Гранд-Коули ГЭС

В заключение можно констатировать, что в настоящее время на территории Узбекистана насчитывается более 200 гидротехнических сооружений и

Бугун сўз юритмоқчи бўлган асаримиз Назар Эшонқулнинг "Гўрўғли" романидир. Ушбу роман ҳақида гапирар эканман, аввало, унинг ёзилиш тили хусусида фикр билдирмоқчиман. Сарловҳа гарчи инсонни бошқа муҳитга олиб кирса-да, муаллиф асарга ўз дасхатини қўя олган. Ростини айтсам, ушбу асарнинг муаллифи кимлигини билмай ўқиган китобхон, бемалол ёзувчи қаламини таний олади. Сарловҳа халқ оғзаки ижоди ва достончилигимизда жуда машҳур "Гўрўғли" номи билан аталса-да, унинг туб моҳиятини асарни ўқигач англайсан киши.

Асарда иккита бошқа муаллифлар (ёки достонлардан парча) фикри келтирилган

бўлиб, уларни эпиграф деб изоҳлаш мумкин. Бири-одатдагидек, асар сарловҳасидан сўнг, "...ҳаёт сувин излаб ўтди Гилгамиш" ("Гилгамиш" достонидан) берилган бўлса, иккинчиси "Суд" деб номланган бобдан олдин - "Айтсам етгаймикин, энажон зорим, Юракда ғамим кўп, ичда зангларим" ("Гўрўғлининг туғилиши" достонидан) келтирилган.

Бундан ташқари роман қуйидаги боб (ёки қисм) ларни ўз ичига олади: "Хабар" , "Дафн", "Эртаси", "Суд", "Бурундуқ, Соқчи ва Олим", "Гўрков".

Бу асарда маъно ва мазмунни топиш, хулосалаш тўлақонли китобхон гарданига юклатилган. Бошида қандайдир оддий ва тили содда кўринган асар, газетадаги мақола ҳақидаги воқеаларга келгач умуман бошқа йўсинга кириб кетди. "Наҳотки деб..." асарни ўқишдан бошқа иложинг йўқ. Ҳақиқатан ҳам наҳотки бир инсонни янглишиб ўлдига чиқариш мумкин. Чиқаришса, адашиб хато кетганини тўғирлаш ўрнига, бу хатони ҳақиқатга айлантириш ўша замон одамлари учун, тузум учун оддий ҳол экан. Муаллиф асарни бошида ўз фикрларини тахминан шундай ифодалайди: Ушбу асарга 90 йилларда нуқта қўйилган эди. Уни эълон қилиш ёки қилмаслик ҳақида кўп ўйлаганман. Ҳатто орасида келтирилган бўлимларни кичик ҳикоялар тарзида ҳам элон қилдим. Лекин барибир ўша замон ҳақида ёзганларимни ошкор этгим келди. Бир инсон ўз тириклигини исбот этолмаганлиги, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, умуман бор-у йўқлиги аҳамиятсиз даврдан сабоқ бўлиб қолишини истадим. Асар устида қанча ишламай, қайта ёзишга уринмай фойдаси бўлмади. Уни ўз ҳолича эълон қилдим...

Дарҳақиқат, асарни ўқиганлар фикримга қўшилишса керак, биз каби ёшлар у замонда яшамаганмиз, биз у давр ҳақида фақат китобларни ўқиган, киноларни кўрганмиз холос. Бу асар эса мени ўша даврга олиб кирди. Бўғзимда тиқилган нимадир Н. билан бирга асар охиригача оғир юкдек менга эргашди. Худди мен шу юкни кўтариб юришга мажбурдек ҳис қилдим ўзимни. Яқин ўтмишимизнинг кирликлари, қинғирликлари-ю, тузумнмнг бедодлиги, фабрикалашув, комунистик жамият, сотциалистик жамият, қизил байроқ, қора хоналар, тергов, ходим, ишхона, завод, қора нон... бу рўйхатни анча давом эттиришим мумкин. Бу асарда эса тириклик ва ўлим бир қадам. Сени ўлдига чиқаришади, шахсан раиснинг ўзи келиб умрида кўрмаган инсон ҳақида чиройли сўзлар билан нутқ сўзлайди. Дафн маросимида икки-уч киши яна фикр билдиради ва сен йўқсан. Кимнинг ақлига сиғади бу қабиҳлик. Қабиҳликдан қаттиқроқ сўзни тополмаяпман. Топганимда ишлатардим. Бу-жиноят. Жиноятлар ёпиқ ҳолда бўларди. Буниси эса очиқча жиноят. Инсон ҳаётига бўлган очиқ суиқасддир.

Энг ғалати туйилган ҳодисалардан бири- Н. Ишга келди, у тирик, кимлардир ҳайратда. Лекин бу лаҳзада ўтиб кетади. Балки бу тез-тез такрорланадиган ҳодисадир. Ўйлаб қолдим, олдинги ҳисоботда котибанинг хатоси туфайли вафот этганлар рўйхатига кириб қолган Н. кейинги гал росманасига (унда ҳам росманасига эмас) вафот этса ва буни бутун ташкилотга эълон қилишса, таъзия очилиб, дарҳол дафн этишса. Катта ходим эканлиги ва бу бошқаларга кўз-кўз қилиниши учун тантанали дафн этилса. Нақадар разолат ботқоғи. Ҳамма ойнадек кўриб турса-да жим. Фақат жим. Чунки барчага ўз амали, ўз курсиси керак. Яна бир ҳолат. Ҳали ўлиги чиқарилмаган ходим ўрнига, ўша куннинг ўзидаёқ янги ходим олиш. Шу адолатданми. Узр! Қанақа адолат ҳақида гапиряпман. Ахир у ерда адолат ўрнига ҳам қоғоз гапиради-ку! Ранжийсан киши... Нима эмиш, сиз ўлгандан кейин янги ходим оламан-да. Ахир иш тўхтаб қолмаслиги керак. Ўзи у ташкилотда тайинли иш бўлганмиди, энди бўлса. Барибир бир гап-ҳужжатда ўлгансан-демак ўлгансан.

Қўрқинчлиси ўлмаган бўлсанг, энди ўласан. Ўзингни ўзинг ўлдирасан, ўзингга ўзинг гўр қазийсан ва бу амалларни хоҳлаб қиласан. Сенку оддий одамсан. Мартабали бир инсоннинг онасини газетага ўлди деб чиқаришди. Гарчи бу хато бўлса-да, барибир онахон бир ҳафтадан сўнг росманасига ўлди-ку. Аслида газетага ёзилган хабарнинг якунига қўйилган нуқта-сенинг тақдирингга қўйилган нуқта бўлар экан.

Шекспир айтганидек: "Ҳаёт-театр. Одамлар эса актёрлардир!" Суд жараёни ва театрда олиб борилган судни ҳақиқатан ҳам шунчаки саҳна асари эмас, балки чалғитиш воситаси деб қараш лозим. У даврда қонунлар ёзилиб, кейин ижро бўладими ёки ижро этилгач қонун ва қарор чиқариладими муҳим эмас. Муҳими қоғозда ёзилган. Тамом. Муҳокамага ўрин йўқ. Муҳокама қилишга уринган битта Н. ми? Афсус у ҳам ўзига ўзи гўр қазиб, қандай вафот этилиши газетада ёзилган бўлса, "беками кўст" поезд тагида ўз жонига қасд қилиб вафот этди. У аслида ҳам тирик мурда эди. Асарда муҳими "юқори"дагиларнинг хоҳиш истаги. Улар олдида юзинг шувут бўлмаса, хатолик ўтмаса бўлди. Бир инсон ўлди нима, бутун бошли жамият ўлди нима. Мен ранжиганим, нега инсонлар ким нима деса ишонади. Суд деса, қоровуллар судялик қилаётган залга йиғилишса (аслида ҳам қоровулмиканб бу ҳам жумбоқ), тирик одам ҳақиқатан тирик бўлса-ю, уни ўлди дейишса, гарчи қаршингизда турса-да ўлик дейишса. Инсоннинг қадри йўқ бўлган. Ачинаман. Тузум даҳшати олдида шунчаки бўйин эгишга розилар ҳолига ачинаман. Лекин Н. курашди. Барибир фойдаси бўлмади. Нега, чунки қоғозда шундай ёзилган. Барча образлар чалғитишга, вақтни олишга ва кўникишга мажбур қилиш учун Н. ва бизнинг қаршимизга чиқади.

Муаллиф бирор қаҳрамонга исм қўймайди. Одатда жиноятчилар ёки исми сир тутилиши керак бўлган шахслар Н., Т., ва ҳоказо деб ёзилади ёки айтилади. Бугунги кунда ҳам. Фақатгина муаллиф Н.нинг маҳбубаси Ҳаво (суд залида уни Гули дейишади)га ном беради. Нега, саволлар кўп... жавобни қидирасану, атрофида айланганинг билан фойдаси йўқ. Хулоса битта-ҳужжат буни тасдиқлаяпти. Мен бир нарсани англашимда "Гўрков" боби ёрдам берди. Гўр қазилгач, қабрдан ҳеч кимнинг жасади топилмагач тушунишим осон бўлди. Демак, бу инсоннинг ўрнига ҳеч ким кўмилмаган ва вафот этмаган. Ҳужжатнинг ҳаммомда йўқолиши, бошлиқнинг чақириши, адашиб эълон қилинган мақола, тантанали дафн маросими. Буларнинг бари уюштирилган. Асос-кимгадир кимнингдир ўрни керак, ҳужжатда хато кетган исм ҳақиқатан ҳам ўлиши керак. Мана энди янада ойнани артгандек кўзларим ҳақиқатни равшанроқ кўрди.

Лекин барча ғоя бир бу ҳақиқатда эмас, ўша даврдаги ноҳақликлар, инсоннинг қадрсизлиги, амалдорларнинг бор ёки йўқлиги умуман аҳамиятсиз. Ҳамма сохта, ҳаммаси қинғирлиги бор бўйича акс этган. Наҳотки ҳаммомда қонун китобларни ёдлаб ўтириш ақлга сиғса, олим ўлган терговчи устида илмий изланиш олиб борса, ўликхонадаги ўликлар, матбуотдагилар ва бошқалар... ачинаман. Тузум даҳшатига куяйми, инсонларнинг очиқ кўзларининг сўқирлигигами ёки қоғозбозликларгами...

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, асарда бирор ном, бирор факт бўлмаса-да, яқин ўтмишни бор бўй басти билан сўзлаяпти. Демак, муаллиф бу асарни нашр эттириб тўғри қилган. Асардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Уни кўриш учун эса аввалги тузум одами эмас, бугунги жамият вакили бўлиш лозим. Асарда ҳар ким турлича хулосага келади. Яна бир гапни аниқ айта оламанки, китобхонларнинг фикри инсон қадр-қиммати деган нуқтада аниқ кесишади.

Адабиётлар:
1. Назар Эшонқул. Гўрўғли//Шарқ юлдузи. 2012 йил. 2-3-сон
2. Қозоқбой Йўлдош. Роман ва бугунги ўзбек романчилиги // Шарқ юлдузи 2011 йил. 4-сон
3. Дилмурод Қуронов. Роман ҳақида айрим мулоҳазалар. Шарқ юлдузи 2011 йил. 5-сон
4. saviya.uz
5. ziyonet.uz

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИНИНГ АКС ЭТИШИ

Ниғматуллаев Иброҳим,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси
+99890 948-73-06
Ibrohim2907@umail.uz

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-375

Ушбу мақолада Жалолиддин Румийнинг асарларидаги бағрикенглик ғояларига оид маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: мутафаккир, бағрикенглик, ҳақиқат, илмий-маънавий мерос, мазҳаб, имон, эътиқод, ирқ, миллат, руҳоний, ибодат, Инжил, моҳият.

Муқаддас китобларимизда келтирилган ҳикматларни изчил ўрганиш ва ижтимоий, маънавий ҳаётимизга татбиқ этиш, халқимиз онгига чуқур сингдириш - долзарб вазифа. Бу борада Мавлоно Жалолиддин Румийнинг серқирра фаолиятлари, бой илмий меросларини ёшларда бағрикенглик ғояларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб, жамиятимиз маънавий соғломлигининг янада ошишига хизмат қилади.

Жалолиддин Румий ёки Мавлавий Румий (1207-1273) номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг улуғ донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакрор мутафаккир валий инсондир. Дунё тамаддуни тараққиётини тадқиқ этувчи олимлар уни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Гегель каби файласуфлар билан қиёслайдилару, аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, "У муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда ирфоний тасаввуф тараққиёти ҳам, илму фан ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият бирлашиб, бир мақомда намоён бўлган" [1:179].

Жалолиддин Румий "Девони кабир" ("Девони шамси табризий"), "Фийҳи ма фийҳи" ("Ичингдаги ичингдадир"), "Мавоизи мажолиси сабъа", "Мактубот", "Маснавийи маънавий" каби асарларниўзидан кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирди [2].

Жалолиддин Румий "Маснавийи маънавий" асарида инсонларнинг динидан, ирқидан, миллатидан қатъи назар бирлиги, муҳими у инсон бўлганлиги учун қадрли эканлиги, кишилар турли тилларда сўзлашиши, халқларга бўлинишига қарамай уларнинг бир-бирини тушуниши, англаши кераклиги ғояси илгари сурилади. Жалолиддин Румий мана шундай умумбашарий ғояларни тарғиб қилиб ёзади:

Яна кел, яна
Ким бўлсанг - ўша бўл,
Хоҳи кофир, хоҳи маъжусий, хоҳи бутпараст,

Майли юз карра тавба қилган бўл,
Майли юз карра бузган бўл тавбани
Умидсизлик даргоҳи эмас бу даргоҳ
Қандок бўлсанг - шундоқ кел [3:230].

Жалолиддин Румий инсонларни бирлаштирувчи ягона илоҳий ғояларни олға суриб, кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи эътиқод ва имон, ишқ ва сиғиниш, поклик ва тавбадан сўз очди [4:12].

Жалолиддин Румийнинг фикрига кўра, инсонларнинг турли миллатлар ва динларга мансублиги уларнинг умумий бир идеал сари интилишларига тўсқинлик қилади. Жалолиддин Румий бунга қуйидаги ҳикоятни мисол келтиради:

"Тўрт миллатдан тўрт киши - турк, форс, араб ва юнонлик йўлда биргакетаётганларида уларга биров бир дирҳам пул беради. Тўртовлон бир-бирининг тилини тушунмаслиги сабабли пулга нимасотиб олиш кераклиги устида жанжаллашиб қоладилар: форс "ангур" (узум) оламиз деса, араб "Мен ангур емайман инаб (узум) истайман" дейди, турк "узум" оламиз деб туриб олса,юнонлик "Йўқ, истофил (узум) емоқчиман",-дейди. Натижада улар бир-бирини тушунмай, талашиб кетадилар" [3:87].

Жалолиддин Румий келтирган ҳикоятига қуйидагича фикр билдиради: "Ҳақиқат битта, лекин 72 миллат (яъни фирқа ва мазҳаблар) ўртасидаги низоларнинг асосий сабаби - Ҳақиқатни ҳар хил тушунишда" [5].

Жалолиддин Румий қуйидаги ҳикоят билан юқоридаги ҳикоятнинг мазмунини янада кучайтиради:

"Ҳиндилар филни қоронғу уйга олиб кирадилар. Филни кўрмоқчи бўлганларни қоронғу уйга киритадилар. Филни кўз билан кўришнинг иложи йўқлигидан кирганлар қўл чўзиб, филнинг бирон жойини ушлайдилар. Бири хартумини пайпаслаб, фил дегани тарновга ўхшаркан, иккинчиси қулоғини топиб, фил - бу баҳайбат елпиғич экан, учинчиси оёғини ушлаб, фил деганлари устундек экан, тўртинчиси филнинг устини сийпаб, хонтахтага ўхшар экан, деган хаёлга боради. Кимфилнинг қайси аъзосини ушласа, филни ҳам шу аъзога ўхшатиб тасаввур қилади" [6:114]. Яъни Ҳақиқат битта, аммо уни ҳар ким ўзича тасаввур қилади. Бировнинг тасаввури бошқа бировнинг ўлчовларига мутлақо тўғри келмаслиги мумкин.

Жалолиддин Румийнинг инсон зотига бўлган муҳаббати турли миллат ва дин вакилларибилан мулоқот ва муносабатларида ҳам яққол намоён бўлган эди. Жалолиддин Румийнинг фарзанди - Султон Валад отасининг дафн маросимини қуйидагича тасвирлайди:

"Куния шаҳри қирқ кун йиғлади. Насронийлар Жалолиддин Румийни ўзларига маъбуд қилиб олган бўлсалар, яҳудийлар уни Ҳуд каби севардилар. Насронийлар уни: "У бизнинг Исомиз" деса, яҳудийлар: "У бизнинг Мусомиздир" [5],-дерди.

Ўзга дин вакиллари Жалолиддин Румийни қаттиқ ҳурмат қилган ва ўзиники деб билганлар. Буни яна қуйидаги Жалолиддин Румийнинг дафн маросими билан боғлиқ воқеадан ҳам билиб олиш мумкин:

"...Турклар ва хуросонийлар, юнонлар ва арманлар, православлар ва яҳудийлар - ҳамма шоир билан видолашишга келган, ҳар ким ўз русумида алвидо айтарди. Ҳофизлар Қуръон ўқишар, раввинлар - Таврот, православ руҳонийлари Инжил оятларини хониш қилар, ошиқда рубоб чалиб, чилдирма қоқиб, рақс тушишар, ишқ, муҳаббат ҳақида ёниб-куйиб қўшиқлар куйлашарди.

Подшоҳ бошқа дин вакилларини ҳайдашга фармони олий берганида яҳудий,

христиан руҳонийлари ўз қавмлари номидан шундай фикрларни билдирдилар:

"Православ соборининг мутаваллийси: "Қуёш ер юзини ёритганидек, Мавлоно ҳақиқат нури ила бутун башариятни мунаввар этмиш. Қуёш - ҳамманинг мулки. Магар қавмларимизга буюрсак ҳам, улар қулоқ осишмайди.", "Мавлоно - нон кабидирлар, - деб уни қувватлаб турди яҳудийлар жамоасининг раввини. - Нон ҳаммага зарур. Амирим, очларнинг нондан юз ўгириб кетганини қайда кўргансиз?" [3:222].

2007 йил Жалолиддин Румийнинг таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан ЮНЕСКО томонидан "Халқаро Мавлоно Румий йили" деб эълон қилинган ва унинг мурожаатномасида шундай дейилган эди: "Жалолиддин Румий ислом цивилизациясининг энг улуғ мутафаккири ва олими бўлиб қолади. Афғонистон, Эрон ва Туркия халқлари уни ўз шоирлари деб ҳисоблайдилар. У эса бутун инсониятга мурожаат қиларди ва барчани Пок парвардигор соясида бирлашишга чақирарди. У айтган эди: "Мен учун ошнолару бегоналар, қариндош бўлмаганлар орасида фарқ йўқ " [1:190].

Жалолиддин Румий даврлар ва замонларга таъсир ўтказиб келаётган шоирдир, унинг асарлари йиллар ўтган сайин гўё янгиланиб, умумжаҳоний мазмун касб этиб бораётгандай. Жалолиддин Румий ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ дунё китобхонларининг диққати ва ҳурматига сазовор бўлмоқда. Дунё мамлакатлари, чунончи, Ғарбий Европа ва АҚШда Румий ижодига тобора қизиқиш кучайиб борганидан ҳам билса бўлади. Жумладан, АҚШлик тасаввуфшунос олим Карл В.Эрнст "Суфизм" китобида шундай ёзади: "Ҳозирги даврда Румий ва Ҳофиздай инглиз тилига энг кўп таржима қилинган ва юксак қадрланадиган шоир йўқ. Бошқа бирорта шоир уларга тенг келолмайди. Бу шоирларнинг асарлари Ғарбда оддий шеърдан кўра, муқаддас матнларга айлангандай бўлиб туюлади. Румий асарлари таржима ва шарҳлари кўплиги жиҳатдан Библия билан баравар туради" [7:221-222].

Хулоса қилиб айтганда, Жалолиддин Румий умрини бағрикенглик, инсонпарварлик, адолат, меҳр-мурувват, тенглик ғояларини тарғиб қилишга баҳшида этган буюк мутафаккирдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Комилов Нажмиддин. / Тафаккур карвонлари: Шарқу Ғарбнинг цивилизациявий алоқалари. - Т.: "Sharq", 2011
2. www.ziyouz.com
3. Жалолиддин Румий: Тарихий-биографик роман. - 2-нашр / Радий Фиш. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005
4. Мавлоно Жалолиддин Румий: Таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлланма / Тузувчи У. Тешабоева; Муҳаррир Ҳ. Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев. - Т.: Алишер Навоий номидаги. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007
5. www.betakrorbuxoro.uz
6. Қаранг: Мавлоно Жалолиддин Румий. / Маснавийи маънавий. 3-китоб. - Тошкент, Теҳрон.: Ўзбекистон ФА "Фан" нашриёти, Эрон Ислом Республикаси "Ал-Худо" халқаро нашриёти, 2003
7. Эрнст К.В. / Суфизм. - М.: "Гранд мир", 2002

XVIII АСР ОХИРИ - XIX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИНИНГ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ БИЛАН САВДО-СОТИҚ АЛОҚАЛАРИГА ЧИЗГИЛАР

Нурхон Абдусаматова,
Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳибаси
Гулистон давлат университети
+998994777397

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-376

Аннотация. Мақолада 18 аср охири-19 аср бошларида Ўрта Осие хонликларининг ташқи савдосида Россия билан савдо алоқаларининг ўрни, Ўрта Осиелик савдогарларининг Россиядаги фаолиятлари ва ўрнашганликлари, ўша даврдаги муҳим савдо йўллари ва моллар ҳақида маълумот келтирилади.

Калит сўзлар: савдо-сотиқ, савдо йўли, ярмарка, савдогарлар, савдо-сотиқ алоқалари, слобода.

XVIII аср охирига келиб Россияни ўзбек хонликлари билан боғлайдиган савдо йўллари асосан шаклланиб бўлган эди. Волга бўйлаб, Каспий денгизи орқали Манғишлоқ ва Хивага, бу ердан Бухорога ва хатто Қўқонга олиб борадиган эски йўл билан бир қаторда, иккинчи йўл ҳам шаклланди ва у Оренбург еки Троицкдан бошланиб, Тошкент орқали Бухоро ва Қўқонга олиб борган. Россиядан келтирилган молларнинг бир қисми Тошкентгача етмасдан, Казалинск орқали Бухорога етказилган. Учинчи йўл эса Семипалатинск еки Петропавловскдан бошланиб, Қозоқ чўлини кесиб ўтган, Сарису дареси бўйлаб Тошкентгача етиб борган. Ўрта Осие Чор Россияси томонидан босиб олинишига қадар ушбу йўллар орасида асосий ролни Оренбургдан Тошкентга олиб борадиган йўл ўйнаган. [2,с.75]

Ўрта Осиелик савдогарлар Оренбургда савдо-сотиқ билан шуғалланишган. Улар шаҳарнинг Сеитовская слободасида ўрнашиб, бу ерга маиший турмуш анъаналарини, урф-одатларини олиб келишган, ватанларидан келтирилган уруғлардан қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга уринишган. Бухороликларнинг пахта экиш ва ундан ҳосил олишга уринишлари зое кетган. Аммо қовун ва қовоқлар яхши ҳосил берган. 1804 йилда Сеитовская слободада Ўрта Осиеликларнинг 20та ҳовлиси бўлган [4, с.23]. Бухороликлар асосан Орск қалъасида ўрнашганлар. Бу ерда улар Хива Бухородан келтирилган молларни сотиб олиб, кейинчалик уларни қозоқ жузларида қайта сотишган еки бошқа маҳсулотларга алмашганлар. Оренбург шаҳрининг ўзида ҳам Ўрта Осиелик савдогарлар истиқомат қилганлар. Оренбург городничествосининг 1808 йил 14 апрелидаги маълумотларига қараганда, бу ерда 75та оила ўрнашиб олган эди. Улар йирик улгуржи савдо билан шуғулланишган. Умуман олганда, XIX аср

бошларида Россия ва Ўрта Осие ўртасидаги савдо-сотиқ яхши ривожланиб, хазинага катта даромад келтирган ва, ўз навбатида, ўлканинг иқтисодий ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

Ўрта Осиелик, хусусан, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги савдогарлари Нижний Новгороддаги ярмаркада ҳам ўз молларини олиб боришган. Нижегородская ярмаркасининг географик нуқтаи назардан қулай жойлашуви шарқ савдогарларига, савдо имтиезларидан фойдаланиб, Россия империясига келтирилаетган молларнинг катта қисмини сотишга имкон берган. Хусусан, Бухоро хонлигидан келган савдо карвонлар ўз молларининг 9/10 қисмини ўша ерда улгуржи тарзда фабрикантларга ва маҳаллий савдогарларга сотишган. Айрим йилларда Бухородан Россияга келтирилган молларнинг умумий нархи 8 миллион рублгача етган [1, с.30]. Бу эса савдо алоқаларининг иккала томон учун муҳимлигини исботлайди.

Нижний Новгородда бухоролик савдогарлар Россияда ишлаб чиқарилган молларнинг асосий қисмини сотиб олишарди. А.Ф.Негри дипломатик миссияси (1820-1821 йй.) таркибида Бухоро хонлигига сафарда иштирок этган барон Е.К.Мейендорфнинг далолат берганидек, бухороликлар одатда олиб келинган молларнинг тенг ярим нархига тўғри келадиган нархга рус молларини сотиб олишарди. Бошқа ярмига улар голландиялик дукат ва экю, испан пиастрлари, рус кумуш рублларини алмашиб олишарди. Россиядан сотиб олинган моллар қаторига кошениль, шакар, қалай, сандал дарахти, мовут, қизил кунгур, қозон ва арзамас чармлари, асал, темир, мис, пўлат, олтин иплар, кўзгулар, қундуз мўйнаси, рус нанкаси, марварид, чўян қозонлар, игналар, маржонлар, тукли духоба, рўмоллар, парча, майда шиша буюмлари, ҳинд докаси кирарди [3]. Бу молларнинг катта қисми кейинчалик бухоролик савдогарлар томонидан Эронга сотиларди.

XIX асрда мануфактура ишлаб чиқаришининг ривожи, ярмарка савдоси роли ва аҳамиятининг юксалиши, ишлаб чиқаришда пахтатолали, ипак йиғирувчи, мовут, металлургия каби янги тармоқларнинг пайдо бўлиши, темир йўлларининг қурилиши рус савдогарлари ва саноатчиларини ўз фаолиятларини кенгайтиришга ундайди ва бу борада Россиянинг Ўрта Осие билан савдо-сотиқ алоқалари янада кенгайиб боради.

XIX асрнинг биринчи ярмида Нижегородская ярмаркаркасида иштирок этган рус ва хорижий иштирокчилар орасида 68та бухоролик, 15та хивалик, 8та тошкентликлар бор эди [1, с.31]. Хуллас, XIX асрда Ўрта Осие бутунроссия бозорига ва у орқали жаҳон товар муомаласига қўшилиб, метрополия учун мол сотиладиган бозорга ва хом аше манбаига айланди. Темир йўлларининг қурилиши билан ўлкада товар муомаласи ривож топди ва у ягона ички бозорнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб қолди.

Адабиетлар рўйхати:

1. Иванова А.А., Иванов А.В. Нижегородская ярмарка: "меновый двор европы с Азией" (к двухсотлетию открытия Нижегородской ярмарки. // Вестник Вятского государственного университета. С.29-36.

2. Марозиков А.А.Из истории торговых связей Среднеазиатских ханств с Россией. // Проблемы современной науки и образования. 2018. №3. С.74-76.

3. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. // Центральная Азия в источниках и материалах XIX - начала XX века. - М.: Наука, 1975. С.125-128.

4. Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург. - Т., 1982.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
2-курс 219 - гуруҳ курсанти,
Ўралов Гулмурод Зоир ўғли
Тел: +998993787803

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-377

Аннатация: Ушбу мақола орқали ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятлари ва амалиётдаги ўрни ҳақида сўз боради.

Таянч тушунчалар: жамият, қонун устуворлигини, жамоат тартибини сақлаш, профилактика инспектор, халқ манфаатлари...

Бугунги кунда республикамизда фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида таъкидлаганидек "Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада "Жамият - ислоҳотлар ташаббускори" деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим. .

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, шунингдек, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатларининг чекланишига йўл қўймаслик масаласи давлатимизнинг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам аслида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла руёбга чиқаришдан иборатдир.

"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонининг Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича келгусида қуйидаги чора-

тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди:

- жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;
- диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;
- коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;
- аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

Фармонда белгиланган мазкур устувор йўналишлардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ички ишлар органлари тизимида тизимли ва изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда мустақиллик арафасида ва мустақилликдан сўнг ўтган давр мобайнида мамлакат аҳолисининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда муҳим идорага айланган Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар тарихига эътибор қаратиб ўтсак.

Ички ишлар соҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар хронологиясини уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич, 1991?2000 йилллар. Тизимдаги ислоҳотларни 1991 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетини Ўзбекистон ССР юрисдикциясига олиш тўғрисида"ги тарихий фармони бошлаб берди. Бу фармон эндиликда ички ишлар вазирги собиқ марказ тасарруфидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ихтиёрига ўтказилганлигини англатар эди. Шундан сўнг 1993 йил 8 январда Вазирлар Маҳкамасининг "Ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби тўғрисидаги муаққат низоми хақида"ги 16-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ички ишлар органлари тизимида фаолиятни ташкил этиш ҳамда хизматни ўташ тартибини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш Концепцияси тўғрисида"ги (1999 йил 12 апрель) қарори республикада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақиллигимизни асраш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимида туб ислоҳотлар ўтказишни тақозо этди. Шу боис, мазкур Концепция асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминловчи янги тизимни шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди.

Иккинчи босқич, 2001-2015 йилллар. Бу даврда Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2001 йил 27 март) фармони қабул қилинди. Сўнгра унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Криминал, уюшган жиноятчилик, терроризм на наркотрафикка қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги (2001 йил 21 апрель), "Жиноятчиликка қарши курашда ИИВнинг тергов хизматлари ролини кучайтириш ҳақида"ги (2001 йил 7 май), "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида"ги (2001 йил 15 май), "Ўзбекистон Республикасида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги (2001

йил 31 май), "Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизматининг ролини кучайтириш чоралари тўғрисида"ги (2001 йил 6 июнь), "Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2001 йил 25 июнь) қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти томонидан "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2004 йил 19 июль) фармони Республикамизда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилишда улкан аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони асосида ички ишлар органлари тизимида кадрлар тайёрлаш ҳамда ушбу тизимда хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идораларида мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги (2004 йил 23 сентябрь) қарори ҳамда "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"даги (2004 йил 4 октябрь) қарорлари қабул қилинди.

Ўтказилган ушбу ислоҳотлар натижасида Вазирликнинг Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, тергов, жамоат тартибини сақлаш, Йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳамда Ёнғин хавфсизлиги бошқармаларига Бош бошқарма мақоми берилди, уларнинг ваколатлари ва вазифалари кенгайтирилиб, жойлардаги бўлимлари бошқармаларга айлантирилди. Хусусан, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси, Тергов бош бошқармаси, Пост-патруль хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, Республика "Қўриқлаш" бирлашмаси ва кўплаб бошқармалар, хизматлар шулар жумласидандир.

Учинчи босқич, 2016 йилдан ҳозирги кунга қадар. Мазкур босқичда дастлаб, 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши орқали ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари ва хизмат вазифалари қатъий белгилаб берилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февралда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 4947-сонли фармонида ички ишлар соҳасида амалга оширилиши белгилаб берилган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2017 йил 14 мартда "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2833-сонли қарори, 2017 йил 10 апрелда "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5005-сонли фармони, 2017 йил 18 апрелда "Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2898-сонли қарори, 2017йил 16 августда "Ички ишлар органлари

ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3216-сонли, 2017 йил 29 ноябрда "Ички Ишлар органлари кадрлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тарбини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3413-сонли қарорлари қабул қилинди. Юқоридаги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий жужжатлар асосида соҳада, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси негизида - Жиноят қидирув бош бошқармаси хамда терроризм ва экстримизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Эксперт-криминалистика маркази ва Эксперт-портлаш техникаси маркази негизида - Эксперт-криминалистика бош маркази, Молия-иқтисодиёт бошқармаси, Моддий техник таъминоти бошқармаси, Хўжалик бошқармаси, Капитал қурилиш бошқармаси негизида - Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси, Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг халқаро хамкорлик бўлими хамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ўзаро хамкорлик бўлими негизида - Халқаро хамкорлик бошқармалари ташкил этилди.

2017 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси холати тўғрисидаги хисоботини, Қорақалпоғистон Ресрубликаси Жўғори Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шахар ва вилоятлар Кенгашлари томонидан хар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон ички ишлар вазири, Тошкент шахар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг, халқ депутатлари туман (шахар) Кенгашлари томонидан хар чоракда туман (шахар) ички ишлар бошқарма (бўлим) лари бошлиқларининг хисоботлари хамда хар ойда уларнинг ёшлар масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари - ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиқларининг хисоботларини эшитиш ва уларнинг фаолиятига бахо бериш механизми амалиётга жорий қилинди. Бугунги кунда ушбу ислоҳотлар мамлакат раҳбари томонидан изчил давом эттирилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида амалга оширилаётган қатор ислоҳотларга қарамай ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқдан-очиқ мулоқотни амалга ошириш натижаларини умумлаштириш, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва бундай ишларни кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва хавфсизликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи турли ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда. Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак 2017 йил давомида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар йўналишлар бўйича сарҳисоб қилинганда, энг кўп мурожаат Ички ишлар вазирлиги фаолияти юзасидан келиб тушгани маълум қилинди. Олий Суд ҳамда Бош Прокуратура кейинги ўринларни мос равишда эгаллаган. Маълум қилинишича, Ички ишлар вазирлигига 99584 та мурожаат, Олий Судга 72719 та мурожаат, Бош Прокуратурага 71347 та мурожаат фуқаролар томонидан йўлланган .

Юқоридаги мурожаатларда акс этган Ўзбекистон халқининг дарди ва уларнинг ҳаётдан рози ёки бошқа эътирозли холатлари давлат хизматчиларини айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини қонун ва талаб даражасида фаолият олиб боришга чорлайди. Айниқса, ички ишлар органларининг

маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Давлат раҳбари ва ҳукумат томонидан ҳам асосий эътибор жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош этишга эмас, балки унинг олдини олиш масаласига қаратилмоқда. Фикримизча, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- жойлардаги профилактика инспекторларининг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг иштимоий қатламлари ўртасида (ёш бўйича: вояга етмаганлар ва ёши катталар билан алоҳида-алоҳида) уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилган давра суҳбатларини очиқ мунозаралар тарзида ўтказилиб бориши;
- жиноят содир этган шахсларни аксарияти вақтинча ишсиз эканлигини инобатга олган ҳолда вилоят, туман, шаҳар ИИБлари жойлардаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда мазкур ҳудуддаги ишсиз аҳолини максимал даражада иш билан бандлигини таъминлашга амалий кўмаклашиш, ҳудуд миқёсида ишсизликни олдини олиш;
- ҳар бир профилактика инсектори хизмат олиб бораётган худудларида содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан бирга ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берган шарт шароитларни аниқлаб, уларни қай тарзда юзага келганлигини танқидий тарзда муҳокама қилиб, келгуси хизмат фаолияти давомида ушбу камчиликларини бартараф этиб бориши;
- Маъмурий ҳисобда турувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни жамоавий тадбирларга кўпроқ жалб этиб бориши ва эътиборидан четда қолдирмасликлари;
- Профилактика инспекторларининг ўз зиммасига юклатилган хизмат мажбуриятларининг қатъий чегарасини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, ўтган бир йил давомида ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида давлат раҳбари ва республика ҳукумати томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишда аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан "Халқ манфаатларига хизмат қилиш"ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: http://xs.uz (Халқ сўзи, 08.12.2017).

2. https://pm.gov.uz/uz.
3. 2017 йил 18 апрелда "Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2898-сонли қарори.
4. 2017йил 16 августда "Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3216-сонли қарори.
5. 2017 йил 29 ноябрда "Ички Ишлар органлари кадрлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тарбини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3413-сонли қарори.

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПРИОРИТЕТЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ ЛОГИСТИКИ

Махмудов Мухаммадамин
студент Ташкентского института по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог
Телефон:+998909753985
mrmuxammadamin@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-378

Аннотация: В статье рассмотрены стратегические приоритеты международной инфраструктуры логистики. Основа стратегического управления заключается в стратегическом сотрудничестве в форме объединений ресурсов и возможностей со стратегическими союзниками в целях удовлетворения потребностей конечных потребителей. Рассматриваются также основные критерии выбора поставщиков транспортно-логистических услуг.

Ключевые слова: стратегические приоритеты, международная инфраструктура, манипуляция, комплектация, конкуренция, издержки, прибыль, аутсорсинг.

Чтобы логистическая система могла четко функционировать, требуется соответствующая инфраструктура. Процессы перемещения товаров, складирования и хранения и сопровождающие их информационные потоки требуют определённых технических средств. Эти средства составляют инфраструктуру логистики, а их взаимосвязи создают логистическую систему. Инфраструктура должна обеспечивать чёткое и бесперебойное выполнение всех логистических функций. В состав инфраструктуры логистики, рассматриваемой в макроэкономическом масштабе входят [1]:

- транспортные пути всех видов транспорта;
- транспортные узлы - порты, контейнерные терминалы, железнодорожные перегрузочные и сортировочные станции, терминалы комбинированного транспорта;
- здания и постройки позволяющие осуществлять складирование и хранение вместе с их техническим оснащением позволяющим осуществлять манипуляции с грузами и реализовывать основные функций, например, комплектацию, декомплектацию и упаковку, а также покрытие пола, погрузочно-разгрузочные фронты, рампы;
- элементы узловой инфраструктуры логистики, такие как, распределительные центры, центры логистических услуг, транспортно-складские объекты;
- устройства и средства переработки и передачи информации вместе с соответствующим программным обеспечением.

Инфраструктура логистических процессов позволяет выполнять основные задачи логистики, включая поставки нужного товара определенного качества в необходимом количестве в определенное договором установленное время, в определенное место поставки при минимизации общих затрат.

Инфраструктуру логистических процессов необходимо рассматривать как организационно-техническую систему, основным критерием оптимизации которой должна быть минимизация логистических издержек при обеспечении чёткости и безотказности логистических процессов. Такой подход в соответствии с главной целью логистики имеет особое значение в международной логистике.

В связи с мировой экономической нестабильностью, ключевой задачей для многих логистических компаний является улучшение конкурентоспособности, а также выбор новых стратегических приоритетов, способных адаптироваться под изменения внешней среды. Все большее значение приобретает применение логистических и инновационный подходов при организации своей деятельности операторами смешанных перевозок, где достижение целей в области оптимизации логистических процессов возможно лишь посредством автоматизации базовых операций и налаживания взаимодействия между логистическим провайдером и клиентом [2].

Анализируя, что выбор стратегического направления развития оператором смешанной перевозки не подразумевает сосредоточения своей деятельности в рамках определенной стратегии. То есть обособленное следование какой-либо стратегии отрицательно воздействует на достижение поставленных целей, связанных с эффективным управлением основных и сопутствующих потоков. В рамках рассматриваемой стратегии обеспечивается взаимовыгодное сотрудничество и разделение целевого сегмента рынка с предполагаемыми конкурентами. Стратегическое сотрудничество в цепях поставок обеспечивает высокую эффективность и оперативность доставки товаров и услуг от производителя получателю посредством использования общих ресурсов. Реализация данной стратегии выражается в стратегическом сотрудничестве компаний, являющихся звеньями цепей поставок.

Следует отметить, что рассматриваемая стратегия способствует применению многокритериального подхода оптимизации логистической системы, то есть одновременно возможно выполнение следующих стратегических задач: минимизации издержек; максимизации прибыли; повышения качества логистического сервиса. Таким образом, применение стратегии сотрудничества является универсальным форматом для достижения конкурентных преимуществ компании, а также выбора актуальных в настоящий момент приоритетов в транспортной логистике. При планировании перевозки логистические операторы, в связи с отсутствием необходимых ресурсов и технологических возможностей, имеют право передавать на аутсорсинг сторонним организациям некоторые виды логистических услуг. К таким услугам относятся: перевозка определенным видом транспорта, складирование, страхование грузов, услуги таможенного представителя, сопровождение грузов и т.д.

Аутсорсинг представляет собой форму ведения бизнеса, в соответствии с которой происходит передача некоторых обязанностей и ресурсов аутсорсинговым компаниям. Организация смешанной перевозки, на первый взгляд, является лишь одним из видов логистической деятельности, однако, в связи с глобализацией бизнеса, ростом требований конечных потребителей к доставке товаров "Just in

time", изменениями рынка транспортно-логистических услуг - транспортировка в смешанном грузовом сообщении на сегодняшний день является сложным логистическим процессом, требующим отдельного внимания и выработки отдельных стратегий управления [3].

Глобальная цепь поставок является технологически и организационно-экономически обусловленной последовательностью поставщиков и потребителей товаров и услуг, находящихся в разных странах и на разных таможенных территориях, где товародвижение организовано на основе технологий смешанных перевозок грузов.

Таким образом, функционирование логистической цепи происходит в глобальных цепях поставок, так как при продвижении внешнеторгового товарного потока происходит пересечение таможенной и государственной границы, а также применение нескольких видов транспорта, в связи с чем необходимым является логистическое обеспечение процедур таможенного администрирования и стыковки различных видов транспорта. В связи с этим обстоятельством, бесперебойность продвижения материального потока зависит от порядка взаимодействия логистического оператора и других участников цепей поставок. Отметим, что набор критериев для каждого из поставщиков может изменяться, в зависимости от сферы деятельности каждого из посредников. В последнее время все больше организаций прибегают к услугам сторонних компаний в целях предоставления комплексности логистических услуг. Такого рода кооперации относятся к вертикальной интеграции, однако как и горизонтальные они имеют ряд следующих недостатков в сфере оказания логистических услуг, связанных с доставкой товаров смежными видами транспорта: привязка к определенным аутсорсинговым компаниям ограничивает оператора смешанных перевозок в подборе оптимального набора услуг, удовлетворяющего конечного потребителя; имеет место конкуренция между поставщиками логистических услуг, в связи с чем происходит демпинг цен и снижение качества, предоставляемых услуг; наличие неэффективных схем взаимодействия поставщиков логистических услуг и оператора смешанных перевозок; прибавление больших долей добавленной стоимости предоставляемой услуги, превышающей ожидания заказчика.

Применяемые в настоящий момент принципы отбора поставщиков логистических услуг являются достаточно устаревшими, то есть применяемые стратегии выстраивания взаимоотношений с поставщиками не являются достаточными для принятия стратегических решений по управлению логистической деятельностью компании. Как показывает практика, формирование определенной базы поставщиков, которые по прошествии определенного периода времени становятся стратегическими для компании, не всегда оказывает благоприятное воздействие на повышение стандартов обслуживания потребителей логистических услуг, то есть в долгосрочной перспективе за счет уверенности аутсорсинговой компании в тесной взаимовыгодной кооперации происходит повышение рисков возникновения недобросовестности исполнения своих обязательств. Поэтапная эволюция взаимоотношений фокусной компании с поставщиками логистических услуг в области смешанных перевозок не является достаточным методом управления хозяйственных связей в логистической цепи. Данная система требует переформирования и поиска новых подходов к созданию баз поставщиков с последующей их оптимизацией.

Использованная литература:

1. Бунанец Н.Б. Конспект лекций по курсу международная логистика. Специальность переподготовки 1-26 02 85 "Логистика" Минск, 2014. - 270 с.

2. Основы логистики: учебник для вузов / Под ред. В.В. Щербакова. - СПб.: Питер, 2009. - 432 с.

3. Мясникова Л.А. Основы логистики: учеб. пособие. - СПб.: Изд-во СПБГУЭФ, 2005. - 151 с.

БИНО ВА ИНШООТЛАРДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Камалов Бобур Мухтор ўғли
Тошкент архитектура-қурилиш институти магистранти
Телефон: +998949090033
bobur514@gmail.com

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-379

Аннотация: Ушбу мақолада биноларни қайта таъмирлаш пайтида унинг энергия самарадорлигини ошириш, ҳусусан Ўзбекистон Республикасининг меъёрий хужжатларда берилган бинолардаги иссиқлик ҳимоя даражасини тўғри қўллашнинг аниқ ечимлари тўғрисидаги назарий тадқиқот натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: энергия самарадорлик, реконструкция, энергия тежамкорлик, коррозия, конструкция, эксплуатация, иссиқлик изоляцияси, энергия тежамкорлик синфи.

Қурилиш соҳасида энергияни тежаш масаласи сўнги ўн йилликда дунёда истеъмол қилинадиган энергия миқдорининг кескин суратларда ортиши ҳисобига долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 26-майдаги ПҚ-3012-сонли "2017-2021-йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорида ҳам келтирилган энергия тежамкорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқаро энергетика агентлиги ва Иқтисодий тадқиқотлар маркази маълумотларига кўра Ўзбекистонда сарф бўладиган умумий энергиянинг 49,2% коммунал сохага тўғри келади. Энергиянинг ортиқча сарфи асосан Ўзбекистондаги 80% турар-жой бинолари 30-40 йил олдин қурилган бўлиб, улар замонавий энергия тежамкорлик кўрсаткичларини қаноатлантирмайди. Натижада замонавий энергия тежамкорлик талабларини қондирмайдиган технологиялар ва меъёрлар асосида лойиҳаланган, замонавий қурилиш материаллари асосида барпо этилмаган биноларнинг ташқи деворлари орқали ўртача 35%, том ёпмасидан эса 25%, ойна ва деразалар орқали 10% энергия ресурслари йўқотилади. (1-расм)

Стандарт турар-жой биноларининг тўсувчи қонструкциялари (деворлар, ойналар, том, пол) анча катта бўлган иссиқлик узатувчи коэффициентга эга бўлади. Бу ўз навбатида анча сезиларли йўқотишларга олиб келади. Масалан: бизнинг шароитда ғиштли бинонинг иссиқлик йўқотиши бир йилда 1м2 дан 250-350 кВт/йилни ташқил этади. Замонавий энергия тежамкор турар-жой биноларида эса бу кўрсаткич 75 кВт/йилдан ошмайди.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги турар-жой ва маъмурий биноларда энергия истеъмолининг нисбати.

Ўзбекистон Республикасида энергия тежашнинг асосий имкониятлари биноларни эксплуатация қилиш соҳасига тегишли ҳисобланади. Сабаби, энергия сарфининг катта миқдори иссиқлик изоляцияси етарли бўлмаган биноларига тўғри келади. Шу боисдан ҳам, эксплуатация қилинаётган бинолар эскиришини ҳисобга олиб, ташқи деворларини қўшимча иссиқлик изоляциясини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқлими иссиқ ва кескин континентал ҳисобланади. Бундай иқлим шароитида ишлатилаётган бино хоналарида ҳарорат ёз пайтида кескин ошиб, қиш пайтида жуда пасайиб кетади. Шуни инобатга олган холда ҳозирги даврда қурилаётган замонавий турар-жой биноларини ташқи тўсиқ конструкцияларини иссиқлик-физик хусусиятини ўрганиш, тўсиқ конструкция учун самарали қурилиш материаллари танлашга, бино хоналарида меъёрий микроиқлим яратишга ҳамда энергия самарадор жамоат биноларини лойиҳалашга олиб келади.

Шу сабабли ҳозирги кунда энергия тежамкор турар-жой биноларини лойихалаш масалалари энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда биноларни баҳолашда биринчи навбатда унинг энергия тежамкорлигига этибор берилади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида мазкур тизимдаги тоифалаш ишлари энди бошланмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, уларда биноларни энергия тежамкорлиги синфи бўйича тоифалаш ишлари йўлга қўйилган. (1-жадвал)

Энерния тежамкорлик синфи тоифаланиши	Энергия тежамкорлик синфи	Йиллик энергия истеьмоли кўрсаткичи қийматининг базавий даражадан оғиши **%**
A	Жуда юқори	-40
B	Юқори	-30 гача -40
C	Баланд	-15 гача -30
D	Меъёр	0 гача -15
E	Пасайган	+25 гача 0
F	Паст	+50 гача +25
G	Жуда паст	+50 ва ундан кўп

1-жадвал. Биноларнинг энергия тежамкорлиги бўйича тоифаланиши.

Энергия самарадорлик тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш биноларни иситиш ва электр энергияси билан таъминлаш бўйича коммунал хизматларига тўланадиган маблағларни 30% га қисқартириш имконини беради, бу эса ўз навбатида шаҳарларда бўлгани каби қишлоқларда ҳам аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга хизмат қилади. Уйларни қайта жиҳозлаш ва турар-жой қурилишида энергия самарадор технологиялардан фойдаланиш ички хоналарнинг иссиқлик, нам ва товуш (шовқин) ҳимоясини сезиларли даражада яхшилайди, юқори шинамликни таъминлайди ва бинолардан фойдаланиш муддатини узайтиради. Иссиқлик ҳимоясини таъминлаш туфайли ташқи муҳит шароитлари ўзгариши таъсирига кам чалинувчанлик, бинолар конструктив элементларининг олдиндан емирилишига, уларнинг намланишига, металл конструкцияларнинг коррозияга учрашига (занглашига) тўсқинлик қилади.

Қиш фаслида биноларнинг ички деворлари иссиқ ҳолатда бўлади ва совуқ нурланиш эффекти кузатилади, ёз фаслида эса иссиқлик ҳимояси деворларнинг қизишига йўл қўймайди, шундай қилиб салқинлаштирувчи эффект яратилади. Турар-жойнинг анча юқори энергия самарадорлиги эвазига электр тақсимлаш тармоқлари ҳам кам кучланишга эга бўлади, бунинг оқибатида уларнинг фойдаланиш муддати узаяди.

Давлат капитал маблағлари ёки маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга ошириладиган даволаш-профилактик ва болалар муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар, интернатлар бинолари қурилиши ва реконструкциясида янги меъёрларга мувофиқ тўсувчи конструкцияларнинг қаршилик коэффициентлари 25-40% га оширилган. Энергетик кўрикдан ўтказишлар асосида Республика регионлари бўйича бир қатор мактаблар ва қишлоқ тиббиёт пунктларида янги Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ) ларга ўтишда энергия тежайдиган тадбирларнинг самарасини баҳолаш бўйича ишлар олиб борилди.

Ҳисоблаш натижаларига кўра, янги ҚМҚ ларнинг жадал тадбиқ этилиши иссиқлик энергиясининг йиллик солиштирма сарфини ўртача 39% га пасайтириш имконини беради.

Шунга қарамасдан, янги ҚМҚ лар доирасида амал қилаётган меъёрлар бари-бир чет эл мамлакатларининг мос меъёрларидан орқада қолмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда қурилиш меъёрларини такомиллаштириш бўйича яна янги тадбирларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 26-майдаги ПҚ-3012-сонли "2017-2021-йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори.
2. Маҳмудов С.М "Биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш" дарслик. 260 бет. Тошкент-2019.
3. https://www.undp.org/content/dam/turkmenistan/docs/latest-reports/WEB_systems%20of%20energy%20certificates%20of%20buildings%20_%20Final.pdf
4. http://www.energosovet.ru/bul_stat.php?idd=434

АРХИТЕКТУРНО-ХУДОЖЕСТВЕННОЕ РЕШЕНИЕ ТРАДИЦИОННЫХ ЖИЛИЩ УЗБЕКИСТАНА

Субхонов Феруззжон
Магистрант Ташкентского архитектурно - строительного института
Телефон: +998(91) 549 62 42
Fir2703@gmail.com

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-380

Аннотация: Эта статья направлена на изучение и сохранение традиционной узбекской жилищной архитектуры.

Ключевые слова: жилые дома, Исламская культура, архитектура, панджара, дарча, устун;

Цель указа Президента Республики Узбекистан "О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма" - довести количество гостей Узбекистана до 10 миллионов человек в год. Мировой опыт показывает, что гости старых городов обычно останавливаются в гостиничных домах, ожидая культурной среды и народных традиций. Это, несомненно, говорит о том, что мы должны сохранить архитектуру и дизайн традиционных узбекских домов.

Исламская религия оставила яркий след в архитектуре Мавераннахра. Как и во всех других городах халифата, здесь были построены караван - сараи, базары, духовные школы (медресе), бани, сады, фонтаны и, конечно же, жилые дома.

В архитектуре жилых сооружений сохранялись с доисламских времен местная, диктуемая климатом, традиция планировки домов [1.ст.239]. Эта традиция только обогащалась под влиянием Исламской культуры и философии. Издревле у наших предков бережно сохранились такие изречения как "Ватанни севмоқ иймондандир (любовь к Родине от веры)" или же "Ватан остонадан бошланади (Родина начинается с порога)". Именно здесь всё сказано о любви к жилищу. В архитектурных деталях дома видна большая любовь в жилищу, стремление сделать его уютным и нарядным [2.ст.67].

Нельзя не заметить зарождения идеи внутриквартальной компоновки жилья вокруг водных бассейнов (хаузов), возле которых располагались обычно и мечети, служившие местом молитвенных собраний [3.ст.120]. □мусульман.

Исламская культура создала ярчайшие и насыщенные краски в палитре зодчих, которые были взяты прямо из священной земли. Основным строительным материалом в регионе был лёсс, т.е. обыкновенная глина, которая использовалась в виде удлиненных высушенных комьев - гуваля; битой глины - пахса и сырцового кирпича [4.ст.820] высушенного на солнце, облицованного цветной майоликой.

Дома многообразны и отличия между ними были основаны на специфике культуры региона. Жилые дома обращены внутрь и выходят на фасад только глухой гладкой стеной, оштукатуренной глиной с саманом- пахсой. Редко второй

этаж дома имел проемы со ставнями (дарча), открывающимися на улицу. Часто использовалась панджара из ганча или дерева, которая со стороны улицы придавала общему виду яркий акцент. Эстетическая оправданность украшенных наружных стен домов играла важную роль при восприятии их в едином ансамбле.

Для украшения жилища использовались все виды народного декоративного искусства, такие как: резьба по ганчу (ганчкори), металлу и дереву (уймакори). Как и все уголки дома, входные двери (дар или дарвоза) всегда украшались растительными орнаментами. Все, чем жил мусульманин, было частью его религиозной жизни [5.ст.23]. Двери имели гендерные звонки: стук кольца (халька или зульфин) по дереву был адресован женщинам, металлический стук колотушки (шакильдок) соответственно мужчинам дома. Что бы сберечь женщин семьи от посторонних глаз, т.е. от номахрамов, дома (по возможности владельца) делились на две части: мужскую внешнюю (берун или ташкари) и женскую внутреннюю (дарун или ичкари).

Для узбекского жилища характерно четкое разделение летних комнат, обращенных к северу, и зимних, выходящих на юг или запад [1.ст.51]. Комната летней ячейки имеет двойную высоту и обычно она предназначена для приема гостей. Узбеки гостеприимный и добрый народ, для которого гость был и есть Божием даром - Меҳмон атои худо. Комната для гостей (мехмонхона) очень богата украшениями, со сталактитовыми карнизами типа шарафа в интерьере. Стены ее напоминают райские сады, а букеты цветов (составленные из пальметт, тюльпанов, роз и д.р.) внутри кувшинчика образуют растительные орнаменты ислими. Чтобы отдать дань уважения почетным гостям, в глубине стен мехмонхоны были встроены антресоли - шахнишин.

Перед летней комнатой строится айван - открытое с одной, двух и трех сторон помещение. Обычно он богато отделан и обставлен [6.ст.13]. Колонны - устуны, несущие конструкции высоких, изящно украшенных потолков, являются великолепными произведениями Исламской культуры. Так, как Ислам не разрешает изображать живых существ, то мастера нашли другой путь, стилизовав их под растительные или же геометрические формы. Может поэтому форма узбекского народного устуна напоминает силуэт человека. К этому выводу меня приводят названия частей устуна, которые, выработанные зодчими в течение далеких веков: калля или порси (голова - капитель); тана (тело - ствол); пошно (пята - база) и др.(Илл.1).



Илл.1. Части колонны и их названия (справа) и региональные узорные формы подбалок (слева):1 - 2 простые виды встречающихся во всех регионов; 3-4 Самарканд;5-6 Бухара; 7-8 Ташкент; 9-10 Хива. (разработка автора)

Объединяющим звеном жилого комплекса выступает двор - хавли. Во дворе, помимо обычных цветников, деревьев и хауза, располагаются специальные устройства для отдыха - суфа, сури, чорпоя. Они и есть место для ежедневного общения соседями, которые являются ближе, чем родственники. Хадис: Нафи' ибн 'Абд ал-Харис поведал, что Пророк (Мухаммад) соллаллоху алайхи васаллам сказал: "Человеческое счастье включает в себя просторное жилье, хорошего соседа и удобное средство передвижения" [7].

В заключении стоит отметить, что данное исследование не является законченным и находится на стадии разработки. Ниже приведены образцы проектов, подготовленные мною под руководством профессора М.Р.Бородиной. Данные образцы грамотно совмещают в себе современные требования к строительству и национальный колорит, которые могут быть дополнены и в дальнейшем реализованы (Илл.2).

Илл.2. Проекты разработанные автором под руководством проф. М.Р.Бородиной на тему "Старый город".

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. И.М.Фильштинский; Б.Я. Шидфар. "Очерк арабо-мусульманской культуры VII - XII вв". НАУКА. Москва 1971.
2. Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. Гос.Изд. Архитектуры и строительства. Москва 1951. стр.
3. Л.И.Ремпель. Далёкое и близкое. Бухарские записи. Изд. Гафур Гулям. Ташкент 1981. стр. 120; 118
4. ORTA ASYA'DA ISLAM. Труд док. арх. М.А.Юсуповой. Влияние Ислама на Развитие Архитектуры Мавераннахра VIII - Начала XX в". Ankara-Turkistan, 2012. стр. 820
5. Государственный Эрмитаж. Земное искусство небесная красота. Искусство ислама. Под общей редакцией М.Б. Пиотровского Санкт - Петербург 2000. стр. 23
6. П.Захидов. Архитектурные памятники Зарафшанской долины. Ташкент "Узбекистан" 1985. стр. 13
7. Имам ал-Бухари. Из книги Ал-Адаб Ал-Муфрад. Источник: Islom.uz.

АМУДАРЁ ТУМАНИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАНАСИНИНГ КОНСТИТУЦИОНАЛ ТИПЛАР БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ

Розумбетов Кенжабек, Ражабова Сарвинисо
Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети магистрантлари
Телефон: +998(91)2595776
E-mail: rozumbetov96@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-381

Аннотация: Тана тузилишини ўрганиш инсоннинг морфофункционал ривожланиши хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Ушбу ишнинг мақсади Орол денгизининг қуриши оқибатида келиб чиққан ноқулай экологик ҳолатнинг ўсмирлар жисмоний ривожланиши ва тана конституционал тузилишига таъсирини аниқлашдир.

Калит сўзлар: жисмоний ривожланиш, пубертат, соматотип, атроф-муҳит

Тадқиқот ишининг долзарблиги: Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши ирсий таъсир ва атроф-муҳит таъсирида шаклланади. Бунда ташқи муҳит таъсири ва овқатнинг сифати жисмоний ривожланишнинг ижобий ёки салбий томонга ўзгаришида муҳим рол ўйнайди. Инсон организмининг атроф-муҳитга юқори сезгирлиги, айниқса, балоғатга етишиш (пубертат) даври учун характерлидир [Сальников, 2012]. Тана тузилишини ўрганиш инсоннинг морфофункционал ривожланиши хусусиятларини аниқлашга имкон беради [Жерновникова, 2014].

Материал ва методлар: Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида жойлашган 55-сонли умумий ўрта таълим мактабида олиб борилган тадқиқот давомида турли ёш (12-15 ёш) га мансуб бўлган 199 нафар кўнгиллиларда (улардан 102 нафар қиз (51,25 %) ва 97 нафар ўғил болалар (48,75 %)) антропометрик текширув ўтказилди.

Тана тузилишининг қуйидаги параметрлари умумий қабул қилинган усул билан аниқланди: 1. Тана вазни оғирлигидан келиб чиқиб 50 г дан 150 г гача бўлган ўлчов аниқлиги билан электрон тиббий тарозида ўлчанди. 2. Бўй узунлиги 5 мм гача бўлган ўлчов аниқлиги билан бўй ўлчагич SECA 217 (Германия) ёрдамида баҳоланди. 3. Кўкрак қафаси айланаси антропометрик лента орқали ўлчанди. Ушбу хусусиятларни ўлчаш натижаларига кўра инсоннинг жисмоний ривожланишини назорат қилиш ҳамда тана тузилишининг антропометрик моделини аниқлаш мумкин [Сальников, 2012]. Ўтказилган ўлчовлар асосида тана конституционал типлари (индекс Пинье) ҳисоблаб чиқилди.

Натижалар: Индекс бўйича ўғил болаларнинг, жумладан, 12 ёшлиларда 52,38 % - астеник ва 47,62 % нормостеник; 13 ёшлиларда 37,03 % - астеник, 59,26 % нормостеник ва 3,71 % гиперстеник; 14 ёшлиларда 40 % астеник, 52 %

нормостеник ва 8 % гиперстеник; 15 ёшлиларда 29,17 % астеник, 58,33 % нормостеник ва 12,5 % гиперстеник соматотипга эга эканликлари аниқланди.

Қиз болаларда эса, жумладан, 12 ёшлиларда 50 % - астеник, 39,28 % нормостеник ва 10,71 % гиперстеник; 13 ёшлиларда 47,83 % - астеник, 47,83 % нормостеник ва 4,34 % гиперстеник; 14 ёшлиларда 56 % астеник, 40 % нормостеник ва 4 % гиперстеник; 15 ёшлиларда 46,15 % астеник, 42,31 % нормостеник ва 11,54 % гиперстеник соматотипга эга эканликлари маълум бўлди.

Натижалар муҳокамаси: Аниқланган маълумотлар атроф-муҳитнинг ноқулай шароити (антропоген чўлланиш ва кимёвий моддалар (дефолиант сифатида) дан интенсив фойдаланиш) туфайли ёшларнинг саломатлик даражасида салбий ҳолатлар бор эканини кўрсатмоқда. Аҳоли, айниқса болалар ва ўсмирлар ўртасида касалликларнинг сезиларли даражада кўпайиши кўп жиҳатдан ижтимоий, иқтисодий омиллар ва атроф-муҳитнинг техноген ифлосланиши билан белгиланади. Натижалар ҳолатига кўра, ўқувчиларда тана вазни етишмаслиги (асосан, астеник тана тузилишга эга бўлган инсонларда) кузатилади. Чунки конституционал типларни аниқлашда тана вазни алоҳида ўринга эга. Бўй узунлиги тана вазнига нисбатан анча барқарор кўрсаткич ҳисобланиб, атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида кескин ўзгаришларга учрамайди. Тана вазни ўзгарувчанлик коэффициенти эса ташқи омиллар сабабли бўй узунлигига нисбатан 7-8 марта юқори. Юқорида кўрсатиб ўтилган конституционал типлар функционал белгилар билан фарқ қилади. Гиперстеникларда моддалар алмашинуви сусайган, улар ёғ тўплаб боришга, алмашинув касалликларига мойил бўлади. Астеникларда алмашинув жараёнлари актив равишда кечади, улар ёғ тўқимасини, ҳатто нормал миқдорда ҳам тўплай олмайди.

Хулоса. Инсон организмининг атроф-муҳитга юқори сезгирлиги, айниқса, балоғатга етишиш даври учун характерлидир. Бу давр (12-15 ёш) жадал ўсиш ва тана вазнининг ортиши билан тавсифланади. Ва, бу албатта жинсий ривожланиш билан боғлиқ. Олинган натижалар Орол денгизи фалокатининг нафақат Амударё тумани аҳолиси, балки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида яшовчи аҳоли тана тузилишига салбий таъсирини акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жерновникова Я. Определение биологического возраста учащихся 5-7 класов как метод оценки физического состояния занимающихся физической культурой. Молода спортивна наука. України. 2014. С. 47-51.

2. Сальников В.А. Индивидуальные особенности возрастного развития: монография. - Омск: СибАДИ, 2012. - 420с.

ҚАЙТАРМА ОҚИМ ВА УНДАН ИККИЛАМЧИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА ҚАЙТАРМА ОҚИМ МИҚДОРИНИ ҚАМАЙТИРШИНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Калабаев Салауат Бахитбай ули
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
1-курс магистанрати
E-mail: salauat.kalabayev@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-382

Аннотация: Мақолада Қуйи Амударёда суғориладан ерлардан шаклланган қайтарма оқим ва ундан иккиламчи фойдаланиш ҳамда қайтарма оқим миқдорини қамайтиршининг оптимал йўлларини гидрологик нуқтаи-назардан ўрганиш натижалари келтирилган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳар йили ўртача 2142,3 млн.м3 ҳажимда минераллашув даражаси нисбатан кичик, ўртача ва катта бўлган қайтарма оқим ҳосил бўлиши аниқланган. Ҳудуддаги суғоришга олинган оқим билан қайтарма оқим орасидаги боғланиш ўрганилган ҳамда коллектор-зовур сувларидан иккиламчи фойдаланиш ҳамда қайтарма оқим миқдорини камайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Қуйи Амударё, сув мувозанат тенгламаси, ўзан сув мувозанати, қайтарма оқим, коллетор, корреляция коэффициенти (r), минераллашув.

Кириш ва долзариблиги. Ҳозирги шароитда ерларни суғориш билан бир қаторда у ерларда оқимнинг ҳосил бўлиш жараёни хам содир бўлмоқда, бу сувларни ирригаторлар шартли равишда "қайтган оқим" деб аташади. Ирригаторлар изоҳи бўйича: - қайтарма сувлар деб, тўйиниш манбасидан суғориш системаси ёрдамида олиниб, сўнгра унга ер юзаси ёки ер ости орқали келадиган сувларга айтадилар. Қуйи Амударёда сув ресурсларининг танқислиги шароитда қайтган сувларни ўрганиш ва улардан қўшимча суғориш манбаи тариқасида фойдаланиш борасидаги муаммоларга бағишланган тадқиқотлар муҳим ақамиятга эга. Шу сабабли, Қуйи Амударёда экин майдонларидан ҳосил бўлган коллектор-зовур сувлари ва улардан иккиламчи фойдаланиш ҳамда қайтарма оқим миқдорини қамайтиршининг оптимал йўлларини ўрганиш долзарб масалалардан бири саналади.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси. Қайтарма сувлар миқдорини тахминан баҳолаш усуллари ҳудуднинг сув мувозанат тенгламасига ёки ўзан сув мувозанатига асосланган. Биринчи усулнинг иккинчи усулдан устунлиги шундан иборатки, бу усул билан системадан қайтган сувлар миқдорини баҳолай оламиз. Бу усулни

қўллаш учун суғориладиган ерларда сув мувозанати изланишларини пухта олиб боришни талаб қилади. Ўзан сув мувозанати усули ҳам кўп хатоликларга олиб келади, лекин нисбатан камроқ меҳнатни талаб қилиши туфайли кенгроқ қўлланилади. Қайтарма оқим қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$У_в = У_0 - (Е_{тр} - Е^1_{тр}) \pm (\Delta U_{тр} - \Delta U^1_{тр}) - V_1 - V_2$$

бу ерда: $\Delta U_{тр} - \Delta U^1_{тр}$ - суғориш сувларининг транзити зонасида грунт сувлари заҳирасининг ўзгариши; V_1 ва V_2 - суғориш сувлари оқимининг контур ичида олиниши; $Е_{тр}$-$Е^1_{тр}$ -транзит зонасида буғланишнинг ўзгариши [1]. Бу тенгламалардан биз йиллик оқим миқдори, суғориш ва қайтарма сувлар оқими, метеоэлементлар бўйича маълумотлар бўлгандагина фойдалана оламиз.

Қуйи Амударё ҳудудида шаклланган коллектор-зовур оқим миқдорларини ўрганишда бир қанча олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Улар қаторига И.Н.Степанов, Э.И.Чембарисов (1978), Ф.Э.Рубинова (1982,1987), Э.И.Чембарисов, Б.А.Бахритдиновнинг (1989) ишларини келтирсак бўлади [3, 6]. Сўнги йиллари, Тахиотош гидроузели зонасида шаклланган коллектор-зовур оқимларининг гидрологик режими Р.Е.Курбанбаев (2005), Б.Е.Аденбаев (2006), Р.Т.Хўжамуратова (2009)нинг ишларида ёритиб берилган [5].

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади Қуйи Амударёда суғориладан ерлардан шаклланган қайтарма оқим ва улардан иккиламчи фойдаланиш ҳамда қайтарма оқим миқдорини қамайтиришининг оптимал йўлларини гидрологик нуқтаи-назардан ўрганишдан иборатдир. Ишда белгиланган мақсадни амалга ошириш учун тадқиқот объекти сифатида Қуйи Амударё ҳудудидаги магистрал коллектор-зовурлар танлаб олинди. Тадқиқотда бирламчи маълумотлар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг асосий фондидаги материаллардан фойдаланилди. Кўзланган асосий мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилди ва улар изланишлар жараёнида ўз ечимини топди:

- Қуйи Амударёдаги магистрал коллектор-зовурларнинг асосий морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш;
- Қорақлпоғистон Республикаси ҳудудидаги суғориладиган ерларга 1990-2018 йиллар давомида суғоришга олинган сув билан экин майдонларининг ўзгариш динамикасини ўрганиш;
-ҳудуддаги коллектор-зовур сувлари минераллашув даражасининг 2008-2018 йиллардаги ўзгаришини миқдорий баҳолаш;
- ҳудуддаги суғоришга олинган оқим билан қайтарма оқим орасидаги боғланишни ўрганиш;
- коллектор-зовур сувларидан иккиламчи фойдаланиш ҳамда қайтарма оқим миқдорини камайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижалари. Юқорида белгиланган мақсад ва

вазифаларга мос ҳолда, дастлаб, Қуйи Амударёдаги магистрал коллектор-зовурларнинг асосий морфометрик кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар тўпланди. Ушбу маълумотлар таҳлил қилинди ва умумлаштирилиди (1-расм).



1-расм. Амударё дельтасининг схематик картаси

ғуйи Амударё азалдан суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Бу ерлар зич суғориш тармоқлари билан ажралиб туради. Ушбу ҳудудда коллектор-зовур тармоқларининг ривожланишини дастлабки босқичи 1925-1950 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда магистрал коллекторлар мавжуд бўлмаган, фақат хўжаликлараро коллектор-зовур тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг узунлиги 100-200 км ни ташкил этган. Қарақалпоғистон Республикасининг шимолий зонасида шоли етиштирадиган хўжаликларининг ташкил этилиши натижасида 1961-1970 йилларда магистрал КС-1, КС-3, КС-4 ва ККС коллекторлари қурилди (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақлпоғистон Республикасидаги йирик магистрал коллекторлар ҳақида маълумот

Коллектор номи	Ишга тушган йили	Узунлиги, км	Сув ўтказувчанлик қобиляти, $м^3/с$		Хизмат кўрсатиш майдони, га	Қуйиш жойи
			Лойҳа бўйича	Амалда		
КС-1	1967	136,3	51,0	26,2	58345	Жилтирбас кўли
КС-3	1968	118,7	32,0	15,2	42101	Жилтирбас кўли
КС-4	1969	116,0	29,0	7,4	26333	Кўкдарё қўлтиғи
ККС	1967	82,7	42,2	33,7	21475	Судочье кўли

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, коллектор-зовурларининг деярлик барчаси кўлларга бориб қуйилади. Қорақалпоғистон Республикаси зовур тармоқларининг узунлиги бўйича Ўзбекистон Ресбуликасида етакчи ҳисобланади, унинг қиймати 20529,1 км га тенг. Бу қиймат Хоразм, Навоий

ва Бухора вилоятларида мос равишда 10473,5 км; 3038,4 ва 8675,4 км га тенг [7].

Тадқиқотнинг кейинги босқичида, Қорақлпоғистон Республикаси ҳудудидаги суғориладиган ерларга 1990-2018 йиллар давомида суғоришга олинган сув билан экин майдонларининг ўзгариш динамикаси ўрганилди (2-расм).



2-расм. 1990-2018 йиллар давомида суғоришга олинган сув билан экин майдонларининг ўзгариш динамикаси

Ўрганишлар натижасида шу нарса аниқ бўлдики, кам сувли йилларда ҳам экин майдонлар ҳажми камаймаган. Масалан, 2000-2003 йиллар ва 2007-2008 йиллар кам сув бўлишига қарамай экин майдони 500,0 минг га сақлаб қолинган. Фақат 2016 йилдан бошлаб экин майдонлари билан суғоришга олинган сув миқдори биргаликта камайганлигин кўриш мумкин.

Юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиб, кейинги босқичда, ғуйи Амударёдаги коллектор-зовур тармоқлари суви минераллашув даражасининг 2008-2018 йиллардаги ўзгаришларини улардан иккиламчи фойдаланиш имкониятлари нуқтаи-назаридан таҳлил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ерларида шаклланган қайтарма оқим 1990-2018 йиллар давомида 590-3380 млн. м3 оралиғида ўзгарган. Бу миқдордаги сувнинг жуда катта қисми республиканинг шимолий қисмидаги магистрал коллектор-зовурларга тўғри келади. Коллектор-зовур сувларининг сифатига баҳо бериш учун, уларнинг кимёвий таркибини ўрганиш лозимдир (2-жадвал).

2-жадвал. Қорақлпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган коллектор сувларининг мениераллашувининг 2008-2018 йиллар давомида ўзгариши, г/л да

Т.р.	Йил										
	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
КС-1	3,42	2,62	2,07	3,46	2,65	3,41	3,78	2,85	3,57	3,24	3,95
КС-3	4,93	4,14	4,32	2,6	2,28	3,06	3,15	4,09	3,75	4,77	5,05
КС-4	3,68	2,53	2,44	2,57	2,31	2,35	2,47	2,15	2,82	2,6	2,92
ККС	4,26	3,83	2,77	3,11	2,64	2,62	3,69	2,83	3,43	3,05	3,99

Ҳудуддаги суғориладиган ерларда ҳосил бўладиган коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражаси республиканинг бошқа вилоятларга қараганда анча юқоридир. Масалан, 2008-2011 йиллар давомида ўрганилётган коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражаси 2,07-4,93 г/л оралиғида ўзгарган. Шу билан бирга, КС-1 ва КС-4 нисбатан камроқ минераллашган бўлиб, уларнинг қиймати 2,07-3,90 г/л тенг. Энг катта даражадаги минераллашув КС-3 коллеторда кузатилган бўлиб 5,05 г/л тенг. КС-3 коллектори (42101 га) КС-1 (58345 га) коллекторига нисбатан кичикроқ майдоннинг зах қоширишига хизмат қилса ҳам минераллашув даражасининг юқори еканлиги аниқлади. Бунга сабаб, у (КС-3) жойлашган ҳуддудда суғориладиган экин майдонлари зич жойлашганлиги билан тушинтириш мумкин.

Кейинги эътибор ҳудуддаги суғоришга олинган ва қайтарма оқим миқдори орасидаги боғланишни ўрганишга қаратилди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан 1990-2018 йиллар оралиғида ҳар йили ўртача 2142,3 млн.м3 ҳажмда минераллашув даражаси нисбатан кичик, ўртача ва катта бўлган қайтарма оқим ҳосил бўлгани аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал. Қорақалпоғистон Республикасида 1990-2018 йилларда суғоришга олинган сув миқдори билан қайтарма оқим миқдори орасидаги нисбат

Йил	Экин майдони, минг, га	Суғоришга олинган сув, млн. $м^3$	1 гектар майдонга берилган сув миқдори, млн. $м^3$	Қайтарма оқим, млн. $м^3$	Қайтарма оқимнинг олинган сувга нисбати, %
1990	493,0	7942	16,1	2331	29,0
1991	494,2	8213	16,6	2778	34,0
1992	496,3	7716	15,5	3388	43,9
1993	498,3	7350	14,7	3165	43,1
1994	498,8	7128	14,3	2631	36,9
1995	500,7	6513	13,0	1975	30,3
1996	498,2	7381	14,8	2505	33,9
1997	499,5	5963	11,9	1846	31,0
1998	500,3	8104	16,2	2596	32,0
1999	499,3	7801	15,6	2729	34,9
2000	498,5	3595	7,21	1582	44,0
2001	500,2	2159	4,32	590	27,0
2002	500,2	5812	11,6	1202	21,0
2003	500,1	8030	16,1	2245	28,0
2004	500,1	6842	13,7	1981	24,0
2005	500,1	8153	16,4	2404	24,0
2006	500,4	7024	14.0	2248	32.0
2007	500,4	6206	12.4	1989	32.0
2008	500,4	6206	12,3	1988	32,0
2009	501,2	6909	13,5	1983	29,0
2010	500,4	7056	14,3	2350	29,4
2011	499,2	7001	13,9	2010	27,1
2012	495,0	6708	12,3	1989	29,6
2013	492,3	6610	11,6	1983	23,4
2014	500,2	6813	14,2	1999	30,5
2015	489,3	6321	12,3	1936	26,5
2016	479,0	5803	11,9	1923	24,1
2017	461,1	5516	11,3	1892	23,9
2018	449,2	5369	10,2	1889	23,4

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 1990-2018 йиллар аролиғида мазкур ҳудуддаги ерларни суғориш мақсадида олинган сув миқдори билан коллектор-зовур сувларининг, яъни қайтарма оқим нисбати турли қийматларда ўзгариб турган. Масалан, суғориш учун олинган сув миқдорининг энг кичик қиймати кам сувли 2001 йилга тўғри келиб, 2159 млн. м3 тенг бўлса, қайтарма оқим ҳажмининг энг кичик қиймати ҳам шу йилга туғри келган. Ҳудудга суғоришга олинган ва улардан ҳосил бўлган қайтарма ҳажмининг энг катта қиймати мос равишда 1991 ва 1992 йилда кузатилган бўлиб, у 8213 млн. м3 ва 3388 млн. м3 га тенг. Ҳисоблашлар натижаларига кўра, қайтарма оқим суғоришга олинган сув миқдорига энг катта нисбати 2003 ва 2012 йилларда қайд этилиб, у 44 фоизни ташкил этган [2]. Ушбу рақам ҳудудда суғоришга олинган сувдан самарали фойдаланишнинг жуда катта имкониятлари мавжудлигига далилдир. Бу сувнинг аксарият қисмидан ҳозирда айрим турдаги қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда иккиламчи ресурс сифатида фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга, экин майдонларида ҳосил бўладиган қайтарма оқим ҳажмининг катталиги ер ости сувларининг режимига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Кейинги йилларда қайтарма оқим суғорилишга олинадиган оқимнинг 23-30 фоизини такшил қилмоқда. Шунинг учун тадқиқот давомида суғоришга олинган оқим билан қайтарма оқим миқдори орасидаги боғланишни ўрганилди (3-расм).



3-расм. Қорақалпоғистон Республикасида суғоришга олинган сув миқдори билан қайтарма оқим миқдори орасидаги боғланиш графиги

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, суғоришга олинган оқим билан қайтарма оқим миқдори орасидаги боғланиш яъни корреляция коэффициенти (R^2=0,6552) r = 0,81га тенг бўлди. Бу эса, иккала ўзгарувчилар орасида боғланиш борлигини кўрсатади. Таҳлиллар натижаларидан маълум бўлдики, экин майдонларини суғоришга олинган сув миқдорининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда қайтарма оқим, яъни коллектор-зовур сувларининг ҳажми ҳам ўзгариб боради [4].

Хулосалар. Тадқиқот натижасида ҳозирги кунда сувғориш тизимида иккита масалани ижобий ҳал қилиш кераклиги маълум бўлди. Булар, биринчидан, коллектор-зовур сувларидан иккиламчи фойдаланиш; иккинчидан, қайтарма оқим миқдорини камайтириш лозим. Биринчи масалани қуйидагича ҳал қилиш мумкин:

-қайтарма оқимдан дарёда кам сувли йилларда мол чорвочилиги учун айрим ем-хашак экинларини суғоришда фойдаланиш. Жумладан, жўҳори (Sorguhumbicolor) ва Африка тариқи (Pennisetumglausum) бу шароитга яхши мос келадиган экинлардир. Иккала экин ҳам нисбатан кам миқдордаги сувни истеъмол қилади ва қурғоқчилик, иссиқлик ва тупроқ шўрланишига жуда чидамли;

-ўртача ва кучли минераллашган қайтарма оқим сувларини тозалашнинг физикавий, кимёвий ва бошқа усуллари, айниқса, нисбатан энг самарали ва иқтисодий нуқтаи-назардан тежамкор ҳисобланган биологик усулини ҳам кенг кўламда қўллаш мақсадга мувофиқдир;

- суъний сув ҳавзаларини қуриш ва балиқчиликни ривожлантириш.

Иккинчи масалани эса, суғориладиган ерларда ҳосил бўладиган қайтарма оқим миқдорини камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим. Бунинг оптимал йўлларидан бири суғориш тизимини такомиллаштириш лозим. Суғоришда қуйидаги сув тежовчи технологиялар жорий этиш, жорий этилганларининг миқдорини янада кўпайтириш:

- томчилатиб суғориш усулининг ҳажмини кўпайтриш;
- егилубчан қуборлар орқали;
- полиетилен плёнкалар тўшаб суғориш, сув тежовчи технологиялар орқали суғориш ҳажмини янада ортириш керак. Масалан, сув тежовчи технологиялар орқали 2019-йилда Бухора ва Хоразм вилоятларида 5163 га, 1974 гектарда суғориш режалаштирилган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида бу қиймат 1833 гектарга тенг.

-йирик каналларни бетонлаш ишларини олиб бориш лозим. Бугунги кунда, Қорақалпоғистон Республикасида 3869 км узунликдаги каналлар бўлса, шунинг 3781 ёки 97,7% тупроқ ўзанли, 88 км ёки 2,27% бетон қопламали бўлиб, латок тармоқлари эса, ҳозирда мавжуд эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гопченко Е.Д, Гушля А.В. Гидрология с основами мелиорации -Л.: Гидрометеоиздат, 1989 - 34-35 с.

2. Верещагина Н.Г., Щетинников А.А., Чуб В.Е., Мухаметзянова А.М. Гидрологической режим коллекторов в низовьях Амударьи и его связь с грунтовыми водами // Вопросы география и экологии -Алматы. -2015.-8-12 с.

3.Рубинова Ф.Э., Иванов Ю.Н. Качество воды рек бассейна Аральского моря и его изменение под влиянием хозяйственной деятельности. - Ташкент: НИГМИ Узгидромет, 2005. -185 с.

4. Хикматов Ф.Х., Айтбаев Д.П. Гидрометеорологияда статистик усуллар - Тошкент. "Университет", 2005. -22 б.

5. Хожамуратова Р.Т. Гидрологическая роль коллекторно-дренажных вод Республики Каракалпакстан в условиях дефицита водных ресурсов //Автореф□ дисс.. на соис.. ученой степени к.г.н. - Ташкент, 2009. - 21 с.

6. Чембарисов Э.И., Атаназаров К.М, Лесник Т.Ю., Раннева М.В. Гидроэкологическое состояние бассейна Амударьи // Вестник ККОАН РУз. 2001. №5. - 3-5 с.

7. www.water.gov.uz/uz/doc/156135150

UZUM DANAGI MOYI ASOSIDA KENG TA'SIRLI DORI VOSITASI YARATISH

Fayzullayeva Shahodat Habibullo qizi
Jalilov Fazliddin Sodiqovich
Toshkent farmatsevtika instituti magistranti
Toshkent farmatsevtika instituti DVSSM kafedrasi mudiri f.f.n., dotsent
Telefon:+998998764146
shahodat.pharm@mail.ru

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-383

Annotatsiya. Bu maqola asosan O'zbekiston hududida ko'plab o'suvchi uzumga bag'ishlangan bo'lib, maqolada yurtimizda ilk marotaba uzum danagi, uning afzalliklari, xalq tabobatidagi foydasi, kompleks ta'siri yoritilgan. Uzum danagi juda ko'p foydali taraflari ochib berilgan. Chet elda bu sohada qilingan ilmiy ishlar o'rganilgan. Mavzu to'la yoritilib, adabiyotlar tahlili ajoyib ko'rsatilgan. Mavzu dolzarbligi bo'yicha ham muhim o'rin tutadi.

Tayanch so'zlar: uzum danagi, bioflavonoidlar, konserogenlar, ampeloterapiya, biologik faol qo'shimcha, organizm, immunitet.

Uzumning madaniy turi 7-8 ming yil avval paydo bo'lib, hozirgi kunda uning 5 mingdan ortiq turi mavjud. Uzumning dorivor xususiyati ham qadimdan ma'lum.Sharq tabobatida dorivor sifatida uzumdan pishgan va xom holida foydalanib, uzum sharbati, sirkasi va bargi hamda poyasidan ham unumli foydalangan. Inson salomatligi uchun juda foydali bo'lgan uzum ming dardga davodir. Bu meva o'z tarkibi bilan ona sutiga yaqinlashadi. Abu Rayhon Beruniyning ta'kidlashicha, uzum poyasini kesganda oqib tushadigan suvi ko'p foydali xususiyatlarga egadir. Uning tarkibi ham xilma-xil bo'lib, inson himoya mexanizmlarini kuchaytiradigan va uning hayotiyligini tiklaydigan 300dan ortiq qimmatli moddalar (oz miqdorda bo'lsa ham) mavjud. [5]

Uzum va uning danagi ko'pgina vitamin, mineral va hayotiy zarur qimmatli moddalarning tabiiy manbasidir. Uzum mevasi va aynan uzum danagida bioflavonoidlar, monosaxaridlar, pektin moddalar, organik kislotalar, turli vitaminlar, natriy kalsiy, fosfor, magniy, marganes, temir, rux va boshqa tabiiy moddalar mavjud. Uzumning qobig'i va donalari, ayniqsa turli rangli navlari antikansirogen polifenolik birikmalarga juda boy, ular 20 ga yaqin turda uchraydi, resveratrol va ba'zi taninlar kiradi. Uzum urug'ida mavjud bo'lgan moddalar organizmga himoya vazifasini bajarishi mumkin. Ajablanarlisi shundaki, ba'zilar tupurishni afzal ko'rgan uzum urug'larida uzumning eti va po'stiga qaraganda ancha qimmatli moddalar mavjud. Yuqoridagi fikrlarni e'tiborga olib, biz ilmiy ishimizda uzum danagi tarkibini hamda o'rganish natijasida kapsula biologik faol qo'shimchasini yaratishni maqsad qilib qo'ydik.

Bioflavanoid atamasi antioksidant xususiyatlarga ega va organizmga oksidlovchi stress va erkin radikallar bilan kurashishga yordam beradigan o'simlik moddalari sinfiga nisbatan qo'llaniladi. Ushbu bioflavonoidlar organizmga viruslar, allergenlar va kanserogenlar bilan kurashishga yordam beradi va shu bilan yallig'lanishga qarshi, allergiyaga qarshi va mikroblarga qarshi xususiyatlarni namoyish etadi.[1]

Shuning uchun, ilmiy izlanishlarga ko'ra, antioksidantning ushbu turi E vitaminidan 20 baravar va C vitaminidan 50 baravar kuchliroq aniqlangan, shuning uchun uzum urug'i potensial nuqtai nazaridan C va E vitaminlaridan ortib, antioksidantlarning manbai hisoblanadi.

Uzum urug'i ekstrakti uzum o'simliklarining ezilgan urug'laridan tayyorlanadi.Tarkibida proantotsianidin mavjud. Bu o'simlik fitokimyosining katta guruhiga tegishli bo'lgan fenolik kimyoviy moddadir. Ularga flavonoidlar deyiladi. Bu taninlarning kichik guruhiga tegishli. Proantosianidin qon tomirlari va yurak-qon tomir tizimini himoya qilishi mumkin. Bu yurak xuruji va qon tomir xavfini kamaytiradi. Bundan tashqari, antioksidant ta'sirga ega bo'lishi mumkin.Bu saratonning ayrim turlari xavfini kamaytirishi mumkin. Uzum urug'i ekstrakti tarkibidagi taninlar esa faol antioksidantlar va antimutageniklardir. Shu sababli uzum yadrosi ekstrakti qon tomirlari va boshqa to'qimalarning shilliq qavatini shikastlanishdan himoya qiladi. Uzum urug'i ekstrakti gistamin ishlab chiqarishni kamaytiradi. Bu burun allergiyasini kamaytiradi. Shuningdek, u C vitamini muddatidan oldin yo'q qilinishini oldini oladi.[2]

"Uzum urug'i"-uzum yadrosi ekstrakti miyani qon bilan ta'minlanishini yaxshilaydi, miyaning subkortikal tuzilishini yaxshilaydi, qon tomirlarini mustahkamlaydi, miya hujayralariga ma'lum himoya va barqarorlashtiruvchi ta'sir ko'rsatadi, neyrotransmitterlarning ta'sirini tartibga soladi, retinal funktsiyani va sezgirlikni yaxshilaydi.

Uzum urug'i ekstrakti" qo'shimchasi:

- qon bosimini nazorat qilishga yordam beradi;
-kuchli antioksidant xususiyatlarga ega;
- qon aylanishini yaxshilaydi va kapillyarlarning devorlarini mustahkamlaydi;
- qon tomirlarining biriktiruvchi to'qimasini mustahkamlaydi, tomirlarni kuchli va elastik qiladi, qon dimlanish xavfini kamaytiradi;
- yurak-qon tomir va asab tizimlarining faoliyatini normallashtiradi;
- erkin radikallarni zararsizlantiradi, ularning miokardga ta'sirini oldini oladi;
- immunitet tizimini faollashtiradi;
- ko'z to'qimasini himoya qiladi;
- tanadagi elastiklik va kollagen ta'minotini himoya qiladi va to'ldiradi.[2]

Uzum bilan davolash fan tilida ampeloterapiya deb nomlanadi. Uzum urug'i organizmdagi moddalar almashinuvini yaxshilaydi, siydik haydovchi, yumshoq ich suruvchi, ter haydovchi va boshqa xususiyatlarga ega. U kamqonlikda, nafas olish yo'llari shamollashi, surunkali gepatit, oshqozon ichak yo'llari yallig'lanish kasalliklari, infark, insult kabi kasalliklarni davolashda ishlatiladi.[3]

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1.Жарская О.М, Горгун Ю.Б, Карасева Г.А, Уласевич Д.Н, Усов Г.М "Экстракт виноградных косточек: от эмперической медицины древности до доказательств современност" Медицинские новости. №4. Белорусь 2014

2.Bail S, Stuibiger G, Krist S, Unterweger H, Buchbauer G. Characterisation of various grape seed oils by volatily compounds, triacylglycerol composition, total phenols and antioxidant capacity. Food chem.. 2008.

3.Puiggros F, Llopez N, Ardevol A, Blade C, Arola L, Salvado MJ. Grape seedprocyanidins prevent oxidative injury by modulating the expression of antioxidant enzyme systems. Agric food chem.2005
4.www.cyberleninka.ru
5. www.geogle.com
6.www.zamin.uz

СУВ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АХБОРОТЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ ТАДҚИҚОТИ ВА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ.

М. Р. Пўлотова, ТИҚХММИ Бухоро филиали
"ТЖ ва ИЧАБ" кафедраси ассистенти.
e-mail: moxi 7676 @ mail.ru. +99890-712-12-70.
У. Б. Муинов, ТИҚХММИ Бухоро филиали
ТЖ ва ИЧАБ йўналиши 4-босқич талабаси

http://dx.doi.org/10.26739/conf_04/05/2020-384

Аннотация: Сўнги йилларда халқ хўжалигида, ёки мустақил вазифадаги ёҳуд катта миқёсдаги объектларни бошқариш тизимлари таркибига кирувчи мураккаб ахборотлашган бошқариш тизимларини яратишга ва жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бошқариш жараёнлари ҳар доим ахборотларни қайта ишлаш билан боғлиқ.

Калит сўзлар: тизим, таҳлил, объект, ахборот, технология, техник восита, ахборотлашган, автоматлаштирилган, диверсификациялаштириш.

Ахборотлашган тизимга одатда йирик объектларни бошқариш тизимлари тегишли бўлиб, бунда жорий ва истиқболли режалаштириш ва мониторинг, шунингдек ташкилотчилик даражада тезкор бошқариш масалалари ечилади.Тизимларни бошқариш тизимлари ахборотлашган тизимларнинг қуйи синфини ўз ичига олади. Анча йирик миқёсдаги ахборотлашган тизимлар объектлар гуруҳларини бошқариш учун ишлатилиши мумкин. Шундай қилиб, умумий ҳолда мураккаб тизим турли даражадаги тизимлар остига бирлашадиган ўзаро ишлайдиган элементлардан ясалган кўп даражали конструкциялар каби тақдим этилади.

Янада бир қатор принциплар мавжуд бўлиб, уларга биноан ахборотлашган бошқариш тизимлари қурилади. Техник воситалар ва ҳисоблаш тармоқлари мажмуасининг ўтказувчанлик қобилияти билан ахборотлашган оқимларнинг келишилганлиги анча аҳамиятли ўрин эгаллайди. Банк маълумотларини ташкил этиш ва самарали маълумотлар базасини бошқариш тизимини (МББТ) ишлаб чиқиш (танлаш) маълум имтиёзларига эга.Ахборотлашган тизимни лойиҳалаштиришда шубҳасиз имтиёздан ишлаб чиқариш, айниқса тезкор бошқариш қисмида фойдаланади. Ахборотлашган бошқариш тизимларини яратишда бундай мураккаб тизимлар тадқиқоти усулларига муҳим талаблар қўйилади.

Ушбу талаблар моҳияти ахборотлашган тизимларни яратиш жараёнининг икки томонини акс эттиради.Бир томондан сифатли тавсифлар ёрдамида сув хўжалиги

объектлари тадқиқотнинг биринчи босқичида таърифланади.Таҳлил объектининг катта мураккаблиги сабабли батафсил ахборотларнинг йўқлиги бундай тадқиқот услубиятиги мурожат қилишга мажбурлайди, бунда объектни мақсадли, энг мақбул йўл билан дедукция (хусусий хулоса чиқариш) асосида таърифлаш имконини берсин. Ушбу талабни сезиларли даражада тизимли таҳлилнинг концептуал схемалари қониқтиради. Бошқа томондан, энг катта самара билан тадқиқот натижаларини амалда қўллаш зарурияти реал шароитда масалалар ечимига рухсат беришини талаб этади.Бошқача сўз билан айтганда, тадқиқот қулай математик моделни яратиш билан тугалланган бўлиши керак.

Таъриф берилган талаблар бир-биридан кўп жиҳати билан фарқланади ва умумтизимий моҳиятлар асосида бирлашган бўлиши мумкин. Аксиоматик йўл билан қурилган тизимлар умумий назариясининг назарий-кўп миқдорли аппарати зарур янги тушунчаларни аниқлаш учун ихтиёрий математик тузилмага ўтиш имкониятини таъминлайди.

Тизимнинг назарий-кўп миқдорли таърифи энг умумий бўлади ва тизимнинг объектив (холис) хусусиятларини акс эттиради. Таҳлилнинг биринчи босқичида юзага келадиган муҳим муаммоларга тизимнинг бўлакланиш (декомпозиция) муаммоси тегишли. Бўлакланиш якуний ҳисобда моделлар ўлчамлигини камайтиш ва таҳлилни соддалаштиришга мойиллик қилади.Тадқиқотнинг аниқ мақсадидан келиб чиққан ҳолда, яъни йирик сув хўжалиги мажмуаларида ахборотлашган бошқариш тизимларини яратишда тизимнинг бўлакланишини иккита нуқтаи назар билан кўриб чиқиш мумкин.Биринчиси мураккаб объектларни бошқариш қонунларидаш фойдаланишга асосланган ҳамда бу ерда қарорни ишлаб чиқишга зарур вақт баҳолаш бўлиб хизмат қилади, иккинчиси - тизимнинг функционал вазифаси, мақсади ва уларнинг ўзаро алоқаси.

Мураккаб тизимларда муҳим ролни тезкор бошқариш ўйнайди. Тезкор бошқариш махсус воситалар билан амалга ошириладиган ахборотларни йиғиш, узатиш ва қайта ишлаш жараёнларидан иборат.Тизимлар элементларидан бошқарувчи қурилмаларга тизимлар элементлари ҳолатини тавсифловчи тезкор ва аниқ ахборотлар келиб тушади. Ундан ташқари, бошқариш воситалари ахборотларни юқори бошқариш органларидан бошқарувчи буйруқ (команда) кўринишида ташқаридан ёки ташқи муҳит таъсирида олиши мумкин. Бошқарувчи қурилма уларга келиб тушадиган барча ахборотларни қайта ишлайди.

